

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

47-сон
(391)
2009 йил
23 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

506. «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 16 ноябрдаги ПҚ-4152-сон Фармони

Бешинчи бўлим

507. «Фуқароларни гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар билан боғлиқ бўлган ишларга жалб этиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2009 йил 4 октябрдаги 7, 10, 32-сонли қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 16 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2040)

508. «Ички ишлар идоралари томонидан гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар сақланадиган объект ҳамда хоналарнинг техник мустаҳкамлиги ва қўриқлаш-ёнғинга қарши сигнализация мосламалари билан жиҳозланганлиги ҳолати устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2009 йил 4 октябрдаги 75-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 16 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2041*)
509. «Мебель ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 9 октябрдаги 62/1-Б-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 16 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2042*)
510. «Деворбоп материаллар, оҳак, гипс ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 9 октябрдаги 62-Б-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 16 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2043*)
511. «Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандарти (10-сон МБМС) «Кўчмас мулк қийматини баҳолаш»ни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2009 йил 12 октябрдаги 01/19-18/21-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 18 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2044*)
512. «1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитасининг 2009 йил 20 октябрдаги 90, 98, 2009-30, 2-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 19 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1192-2*)
513. «Саноат хавфсизлиги соҳасидаги экспертларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» «Саноат-контехназорат» давлат инспекцияси бошлигининг 2009 йил 29 сентябрдаги 184-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 19 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2045*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2009 йил 14 ноябрдан 20 ноябргача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

506 Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2009 йилнинг 1 декабридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,12 баравар оширилсин.

2. 2009 йилнинг 1 декабридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 37 680 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 74 660 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 37 680 сўм;

болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 74 660 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 45 220 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2009 йилнинг 1 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Белгилансинки, 2009 йилнинг 1 декабридан бошлаб барча турдаги пенсияларнинг ўртача 1,12 баравар оширилиши уларнинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қайта ҳисоблаб чиқилишини инобатга олган ҳолда амалга оширилади, бунда 1991 йилнинг 1 январигача ва ундан кейинги йилларда тайинланган пенсияларнинг миқдори тенглаштирилиши назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги ўн кун муддатда пенсияларни қайта ҳисоблаш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин ҳамда барча турдаги пенсияларни оширишнинг аниқ миқдорларини белгиласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси

Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2009 йилнинг 1 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақиға мувофик, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайитириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 8 июлдаги ПФ-4119-сонли Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2009 йилнинг 1 декабридан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 16 ноябрь,
ПФ-4152-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

507 Фуқароларни гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар билан боғлиқ бўлган ишларга жалб этиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
16 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2040*

(2009 йил 26 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 июлдаги 315-сонли «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни лицензиялаш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2003 й., 7-сон, 63-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Наркотик моддаларни назорат қилиш Давлат комиссиясининг 2007 йил 2 майдаги 8/07-сонли «Наркотик моддаларнинг суиистеъмоли ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича 2007 — 2010 йилларга мўлжалланган комплекс чоралар Дастури тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги **қарор қиладилар:**

1. Фуқароларни гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар билан боғлиқ бўлган ишларга жалб этиш тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Ички ишлар вазири

Б. МАТЛЮБОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 4 октябрь,
7-сон

Соғлиқни сақлаш вазири**А. ИКРАМОВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 4 октябрь,
10-сон

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири в.б.****А. ХАИТОВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 4 октябрь,
32-сон

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза
қилиш вазирлигининг 2009 йил 4 октябрдаги
7, 10, 32-сонли қарорига
ИЛОВА

**Фуқароларни гиёҳвандлик воситалари, психотроп
моддалар ва прекурсорлар билан боғлиқ бўлган ишларга
жалб этиш тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 210-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 июлдаги 315-сонли «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни лицензиялаш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2003 й., 7-сон, 63-модда) қарорига мувофиқ фуқароларни гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ ишларга жалб этиш асослари ва тартибини белгилайди.

Мазкур Низом талаблари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси тузилмасига кирувчи ташкилотлар ҳамда Адлия вазирлигининг суд-экспертиза муассасалари ходимларига татбиқ этилмайди.

І. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом қоидалари гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомаласи соҳасидаги қуйидаги фаолият турларини амалга оширувчи юридик шахсларга татбиқ этилади (бундан кейинги ўринларда юридик шахслар деб юритилади):

гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни сақлаш, сотиш (бе-риш), ташиш, ишлаб чиқариш, йўқ қилиш, тайёрлаш;

янги гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ишлаб чиқиш;

гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалардан ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун, тиббиёт ва ветеринарияда, илмий ва ўқув мақсадларида фойдаланиш;

прекурсорларни сақлаш, сотиш ва ташиш.

2. Фуқаролар мазкур Низомнинг 1-бандида кўрсатилган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ ишларга фақатгина якка ҳамда умумий тартибдаги рухсатномалар (бундан кейинги ўринларда рухсатномалар деб юритилади) асосида қўйилади, бунда:

а) гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш, сотиш ва ташиш масъулияти юклатилиши кўзда тутилаётган фуқароларга ички ишлар идоралари томонидан мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ якка тартибдаги рухсатномалар берилади;

б) гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ ишларни бажариш мажбуриятлари умумий тартибдаги рухсатномалар асосида амалга оширилади. Прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ ишларга умумий тартибдаги рухсатномаларнинг расмийлаштирилиши талаб этилмайди.

3. Рухсатномалар фуқароларни гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомаласи билан боғлиқ ишларга жалб этиш учун асос бўлади.

4. Рухсатномаларнинг амал қилиш муддати юридик шахснинг аризасига биноан белгиланади, лекин бу муддат уч йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

5. Рухсатноманинг йўқотилиши бундай рухсатномани берган ички ишлар идораси томонидан уни қайтадан тиклашига (келишишига) қадар ходимларни гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомаласи билан боғлиқ ишлардан вақтинча четлаштиришга сабаб бўлади. Рухсатномаларни бегона шахсларга бериш тақиқланади.

6. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомаласи билан боғлиқ ишларга жалб этилаётган фуқароларнинг сони имкон қадар чекланиши лозим.

7. Юридик шахсларнинг раҳбарияти рухсатномаларни расмийлаштириш, амал қилиш муддатини узайтириш ҳамда тўхтатиш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни ўз вақтида ички ишлар идораларига тақдим этиш учун шахсий жавобгардир.

II. Рухсатномаларни расмийлаштириш тартиби

8. Рухсатномалар гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомаласи билан боғлиқ фаолият амалга ошириладиган жой

бўйича ички ишлар идоралари томонидан мазкур Низомда белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

9. Якка тартибдаги рухсатномани расмийлаштириш учун юридик шахс томонидан ҳудудий ички ишлар идорасининг назорат-лицензиялаш бўлинмасига мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ ариза берилади ва унга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

1) 3 х 4 см ҳажмдаги 2 фотосурат;

2) паспорт нусхаси;

3) доимий яшаш жойидан маълумотнома;

4) яшаш жойидаги наркологик ва руҳий касалликлар диспансерларининг маълумотномалари.

10. Ички ишлар идорасининг назорат-лицензиялаш бўлинмаси мазкур Низомнинг 9-бандида кўрсатилган ҳужжатларни олганидан кейин уч иш куни мобайнида қуйидагиларга:

ички ишлар идорасининг ҳудудий ахборот марказига — фуқаронинг қасддан содир этилган жинояти учун суд ҳукмини ўтамаганлиги ёки судланганлиги олиб ташланмаганлиги юзасидан (фуқаро республиканинг бошқа вилоятидан келган тақдирда сўровнома ўша вилоятнинг ахборот марказига ҳам юборилади);

рухсатнома расмийлаштирилаётган фуқаронинг доимий яшаш жойи бўйича ички ишлар идорасининг жиноят-қидирув ва терроризмга қарши кураш бўлинмасига — қораловчи (салбий) материалларнинг мавжудлиги юзасидан;

рухсатнома расмийлаштирилаётган фуқаронинг доимий яшаш жойи бўйича ички ишлар идорасининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлинмасига — ички ишлар идорасининг профилактик ҳисоблари бўйича текшириш ва қораловчи (салбий) материалларнинг мавжудлиги юзасидан сўровномалар юборди.

11. Мазкур Низомнинг 10-бандида кўрсатилган ички ишлар идораларининг бўлинмалари ўн беш кундан кўп бўлмаган муддат ичида ички ишлар идорасининг назорат-лицензиялаш бўлинмасига тегишли маълумотларни юборди.

12. Сўровномаларга оид маълумотлар олингандан кейин ички ишлар идорасининг назорат-лицензиялаш бўлинмаси беш кундан кўп бўлмаган муддатда ариза берган юридик шахсга расмийлаштирилган рухсатномани беради ёки рухсатнома бериш рад этилганлиги тўғрисида хабарнома юборди.

13. Фуқаронинг номига расмийлаштирилган якка тартибдаги рухсатнома олинганидан кейингина уни гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш, сотиш ва ташиш билан боғлиқ бўлган ишга тайинлаш тўғрисидаги буйруқ чиқарилиши мумкин.

14. Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар олинган кундан бошлаб ўттиз кундан ошмаган муддатда якка тартибдаги рухсатнома бериш ёки рухсатнома беришни рад этиш ҳақидаги қарор қабул қилинади.

15. Умумий тартибдаги рухсатномалар ходимларга юридик шахснинг

бўйруғи асосида берилади. Бунда, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг муомаллада бўлиши билан боғлиқ ишларга умумий тартибдаги рухсатномалар берилган фуқароларнинг рўйхати дастлаб мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ ички ишлар идораси бошлиғи ҳамда наркологик ва рухий касалликлар диспансерларининг бош шифокорлари билан келишилган бўлиши лозим. Келишиш ёки келишишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилишнинг муддати рўйхат олинган кундан бошлаб уч иш кунидан ошмаслиги лозим.

16. Рухсатномалар гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомаласи билан боғлиқ фаолият амалга оширилаётган жойда сақланиши лозим.

Берилган (келишилган) рухсатномаларнинг нусхалари ички ишлар идорасининг назорат-лицензиялаш бўлинмасида назорат учун сақланади ҳамда тегишли юридик шахс бўйича юритиладиган йўзма жилдига тикиб қўйилади.

17. Ходим гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомаласи билан боғлиқ бўлган ишдан бўшатиш тақдирда, юридик шахс томонидан мазкур ходимни ишдан бўшатиш ҳақида чиқарилган буйруқ нусхаси уч кунлик муддат ичида рухсатномани берган (келишган) ички ишлар идорасининг назорат-лицензиялаш бўлинмасига юборилади.

III. Рухсатномалар беришни (келишишни) рад этиш

18. Ички ишлар идоралари томонидан рухсатномалар қўйидаги шахсларга берилмайди (келишилмайди):

- 1) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига эга бўлмаган шахсларга;
- 2) 18 ёшга тўлмаган шахсларга;
- 3) доимий яшаш жойига эга бўлмаган шахсларга;
- 4) сурункали рухий касалликлар, гиёҳвандлик, токсикомания, алкоголизмга дучор бўлган ҳамда диспансер хисобида турувчи шахсларга;
- 5) қасдан содир этилган жинояти учун суд ҳукми бўйича жазони ўтамаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахсларга;
- 6) ички ишлар идораларида унга нисбатан қораловчи (салбий) материаллар мавжуд бўлган шахсларга.

Мазкур Низомда кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этмаган ёки тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлган ҳолларда ҳам рухсатнома берилмайди (келишилмайди).

IV. Рухсатномаларнинг амал қилиш муддатини узайтириш ва тугатиш

19. Якка тартибдаги рухсатномаларнинг амал қилиш муддати тугашига камида бир ой қолганда юридик шахслар рухсатномаларни берган ички ишлар идорасига рухсатномаларнинг амал қилиш муддатини узайтириш юзасидан мазкур Низомнинг 9-бандида келтирилган ҳужжатларни тақдим этади.

Амал қилиш муддати тугаган умумий тартибдаги рухсатномалар мазкур Низомнинг 14-бандида белгиланган тартибда расмийлаштиради.

20. Ички ишлар идоралари томонидан рухсатномаларнинг амал қилиниши қўйидаги ҳолларда тугатилиши мумкин:

1) ходим томонидан гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомаласи билан боғлиқ ишларни давом эттириш рад қилинса;

2) юридик шахс тугатилса;

3) рухсатноманинг амал қилиш вақтида унинг берилиши (келишилиши)ни рад қилишга сабаб бўладиган ҳолатлар аниқланганда.

21. Рухсатноманинг амал қилишини тугатиш ҳақидаги қарор қабул қилинган кунидан бошлаб кейинги бир иш кунидан кечиктирмай юридик шахсга юборилади.

Рухсатноманинг амал қилишини тугатиш ҳақидаги қарорда мазкур Низомнинг 20-бандида кўзда тутилган асослар кўрсатилади.

22. Рухсатномага эга бўлган ходимларга нисбатан уларнинг кейинчалик гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ бўлган ишларда хизмат қилишига тўсқинлик қилувчи маълумотлар юридик шахсларда мавжуд бўлган тақдирда, бундай шахсларни хизмат вазифаларидан озод этиш чоралари кўрилади ҳамда бу ҳақида рухсатномани берган (келишган) ички ишлар идорасига хабар берилади.

V. Яқуний қоидалар

23. Юридик шахсларнинг ходимлари рухсатнома талаб этиладиган ишларни бажариш учун хизмат сафарларига чиққан тақдирда, уларнинг хизмат сафари гувоҳномаларида рухсатнома мавжудлиги ҳақида тегишли белги қўйилади.

24. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни ташиш ҳолатларида яқка тартибдаги рухсатнома уларни ташиш учун масъул бўлган шахсда бўлиши керак.

25. Юридик шахслар томонидан мазкур Низом талабларига риоя этилиши устидан назорат белгиланган тартибда ички ишлар ва соғлиқни сақлаш идоралари томонидан амалга оширилади.

Фуқароларни гиёҳвандлик воситалари,
психотроп моддалар ва прекурсорлар
билан боғлиқ бўлган ишларга жалб этиш
тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

(Рухсатноманинг 1-бети)

____-сонли якка тартибдаги рухсатнома

_____ (ички ишлар идорасининг номи)

(Расм учун жой) фуқаро: _____ га
_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)

яшаш манзили: _____

иш жойи: _____
_____ (юридик шахснинг номи)

20__ йил «__» _____ да берилди

(рухсатноманинг 2-бети)

_____ (гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни

_____ сақлаш, сотиш ва ташиш билан боғлиқ аниқ иш тури (турлари) кўрсатилади)

_____ билан боғлиқ ишларга жалб этилиши рухсат берилади.

Лавозим (иш, мутахассислик) бўйича: _____

Рухсатнома 20__ йил «__» _____ гача ҳақиқийдир.

Бошлиқ _____
_____ (унвони, фамилияси, исми, отасининг исми)

М.Ў. _____ (имзо)

(рухсатноманинг 3-бети)

____-сонли рухсатноманинг амал қилиш муддати

20__ йил «__» _____ гача узайтирилди.

Бошлиқ

(унвони, фамилияси, исми, отасининг исми)

М.Ў.

(имзо)

___-сонли рухсатноманинг амал қилиш муддати

20__ йил «__» _____ гача узайтирилди.

Бошлиқ

(унвони, фамилияси, исми, отасининг исми)

М.Ў.

(имзо)

(рухсатноманинг 4-бети)

___-сонли рухсатноманинг амал қилиш муддати

20__ йил «__» _____ гача узайтирилди.

Бошлиқ

(унвони, фамилияси, исми, отасининг исми)

М.Ў.

(имзо)

___-сонли рухсатноманинг амал қилиш муддати

20__ йил «__» _____ гача узайтирилди.

Бошлиқ

(унвони, фамилияси, исми, отасининг исми)

М.Ў.

(имзо)

Фуқароларни гиёҳвандлик воситалари,
психотроп моддалар ва прекурсорлар
билан боғлиқ бўлган ишларга жалб этиш
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

_____ (ички ишлар идорасининг номи)

_____ бошлиғига

**Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва
прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ ишларга
якка тартибдаги рухсатнома бериш ҳақида
А Р И З А**

Сиздан фуқаро: _____

(фамилияси, исми, отасининг исми)

_____га

Туғилган жойи ва санаси, фуқаролиги _____

Яшаш манзили, телефони _____

Паспорт серияси, рақами, ким томонидан ва қачон берилган _____

Айни пайтда эгаллаб турган лавозими _____

Қуйидаги лавозим (иш, мутахассислик) бўйича: _____

гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муо-
малада бўлиши билан боғлиқ қуйидаги ишларга жалб этилишига якка тартиб-
даги рухсатнома беришингизни сўрайман:

_____ (гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг

_____ сақлаш, сотиш ва ташиш билан боғлиқ аниқ иш тури (турлари) кўрсатилади)

Илова: _____ варақда.

Рахбар:

_____ (юридик шахснинг номи)

_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)

М.Ў.

_____ (имзо)

20__ й. «__» _____

Фуқароларни гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар билан боғлиқ бўлган ишларга жалб этиш тўғрисидаги низомга
З-ИЛОВА

<p>«Келишилган» Ички ишлар идорасининг бошлиғи</p> <p>_____</p> <p style="font-size: small;">(ички ишлар органнинг номи)</p> <p>_____</p> <p style="font-size: small;">(раҳбарнинг фамилияси, исми, отасининг исми)</p> <p>_____</p> <p style="font-size: small;">(имзо)</p> <p>20__ йил «__» _____</p> <p>М.Ў.</p>	<p>«Келишилган» Наркологик диспансерининг бош шифокори</p> <p>_____</p> <p style="font-size: small;">(диспансернинг номи)</p> <p>_____</p> <p style="font-size: small;">(раҳбарнинг фамилияси, исми, отасининг исми)</p> <p>_____</p> <p style="font-size: small;">(имзо)</p> <p>20__ йил «__» _____</p> <p>М.Ў.</p>	<p>«Келишилган» Рухий касалликлар диспансерининг бош шифокори</p> <p>_____</p> <p style="font-size: small;">(диспансернинг номи)</p> <p>_____</p> <p style="font-size: small;">(раҳбарнинг фамилияси, исми, отасининг исми)</p> <p>_____</p> <p style="font-size: small;">(имзо)</p> <p>20__ йил «__» _____</p> <p>М.Ў.</p>
--	---	--

Рухсатноманинг амал қилиш муддати 20__ йил «__» _____ гача ҳақиқийдир.

_____ да гиёҳвандлик воситалари ва психотроп
(юридик шахснинг номи)

**моддаларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ ишларга
жалб этилиши рухсат этилган фуқароларнинг
РЎЙХАТИ**

Т/р	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган санаси ва жойи	Яшаш манзили	Эгаллаб турган лавозими	Рухсатнома берилган иш тури (турлари)*
I	II	III	IV	V	VI

Раҳбар:

(юридик шахснинг номи)

(фамилияси, исми, отасининг исми)

М.Ў.

(имзо)

20__ йил «__» _____

* Фуқароларни гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар билан боғлиқ бўлган ишларга жалб этиш тўғрисидаги низомнинг I-бандида кўрсатилган аниқ иш тури (турлари) кўрсатилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

508 Ички ишлар идоралари томонидан гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар сақланадиган объект ҳамда хоналарнинг техник мустаҳкамлиги ва қўриқлаш-ёнғинга қарши сигнализация мосламалари билан жиҳозланганлиги ҳолати устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
16 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2041*

(2009 йил 26 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 июлдаги 315-сонли «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни лицензиялаш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қарорлари тўплами, 2003 й., 7-сон, 63-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Ички ишлар идоралари томонидан гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар сақланадиган объект ҳамда хоналарнинг техник мустаҳкамлиги ва қўриқлаш-ёнғинга қарши сигнализация мосламалари билан жиҳозланганлиги ҳолати устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш, Ёнғин хавфсизлиги, Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармалари, «Қўриқлаш» Республика бирлашмаси бошлиқлари, Жиноят-қидирув ва терроризмга қарши кураш бош бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари, 1 ва 2-сон ИИБ бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ИИБ ва вилоятлар ИИБ бошлиқларига:

мазкур Низом доирасида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар сақланадиган объект ва иншоотларни соғлиқни сақлаш идоралари билан ҳамкорликда текшириш амалиёти кенг татбиқ этилишини таъминласинлар;

корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятига турли кўринишларда аралашшига қатъий йўл қўймаслик юзасидан таъсирчан чораларни кўрсинлар.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

4. Мазкур буйруқ талабларининг бажарилишини назорат қилиш Ўзбе-

кистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари генерал-майор А.Х. Қўлдошев зиммасига юклатилсин.

Вазир

Б. МАТЛЮБОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 4 октябрь,
75-сон

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2009 йил
4 октябрдаги 75-сонли буйруғига
ИЛОВА

**Ички ишлар идоралари томонидан гиёҳвандлик
воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар
сақланадиган объект ҳамда хоналарнинг техник
мустаҳкамлиги ва қўриқлаш-ёнғинга қарши сигнализация
мосламалари билан жиҳозланганлиги ҳолати устидан
назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 210-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 июлдаги 315-сонли «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни лицензиялаш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2003 й., 7-сон, 63-модда) қарорига мувофиқ, ички ишлар идоралари томонидан гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар (бундан кейинги ўринларда ГПП деб юритилади) сақланадиган хона ва объектларнинг техник мустаҳкамлигини ҳамда қўриқлаш-ёнғинга қарши сигнализация мосламаларининг ҳолатини назорат қилиш тартибини белгилайди.

Мазкур Низом талаблари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси тузилмасига кирувчи ташкилотлар ҳамда Адлия вазирлигининг суд-экспертиза муассасаларига татбиқ этилмайди.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом қоидалари ГППларни сақлаш фаолиятини амалга ошираётган юридик шахсларга татбиқ этилади.

2. ГППлар сақланадиган жойлар (худудлар, иншоотлар) текшириш

объектлари ҳисобланади (бундан кейинги ўринларда ГППлар сақланадиган объектлар деб юритилади).

3. Текширувлар мазкур Низомнинг III-бобида белгиланган масалалар юзасидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

4. ГППлар сақланадиган объектларни текшириш давомида ички ишлар идоралари ходимлари томонидан қўшимча тарзда юридик шахслар томонидан ГППларни сотиш (бериш), тақсимлаш, фойдаланиш, ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, олиб кириш (олиб чиқиш), тайёрлаш, йўқ қилиш, рўйхатга олиш ва ҳисобот юритиш бўйича фаолиятларига аралашшига йўл қўйилмайди. Кўрсатилган фаолият турлари қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда соғлиқни сақлаш идоралари томонидан, шу жумладан ички ишлар идоралари билан ҳамкорликдаги текширувлар давомида ўрганиб чиқилади.

5. Текширувлар давомида қандайдир тарзда юридик шахсларнинг молиявий-хўжалик фаолиятига аралаштириш, уларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини, бухгалтерия, молиявий, статистик, солиқ, божхона ва бошқа операцияларга оид ҳужжатларини ҳамда операцияларни ўрганиш қатъиян ман қилинади.

II. Назоратни ташкил этиш

6. ГППлар сақланадиган объектлар ички ишлар идораларининг назорат-лицензиялаш тизими ходимлари (кейинги ўринларда ички ишлар идоралари ходимлари деб юритилади) томонидан юридик шахснинг раҳбари (унинг ваколатли вакили) ва ГППларни сақлаш учун жавобгар бўлган шахс иштирокида текширувдан ўтказилади.

7. ГППлар сақланадиган объектларнинг техник мустаҳкамлиги ва қўриқлаш-ёнгинга қарши сигнализация мосламалари билан жиҳозланганлиги ҳолатини текшириш мазкур Низомнинг I-иловасига мувофиқ ички ишлар идораси раҳбарининг имзоси ва гербли муҳри билан тасдиқланган буйруқ асосида ички ишлар идоралари ходимлари томонидан амалга оширилади.

8. ГППлар сақланадиган объектларни текшириш белгиланган тартибда соғлиқни сақлаш идоралари вакиллари иштирокида амалга оширилиши мумкин. Бундай ҳолларда текширувлар ушбу идораларнинг ваколатлари доирасидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиб, яқунлари бўйича умумий далолатнома тузилади.

9. Текширувларни амалга ошириш давомида ички ишлар идоралари ходимлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

юридик шахснинг раҳбари (унинг ваколатли вакили) ва масъул ходими кузатувида ишлаб чиқариш иншоотлари, омборлар, майдончалар ва ГППлар сақланадиган ўзга жойларни кўздан кечириш;

ГППлар сақланадиган объектларни текширувдан ўтказишга доир зарурий маълумотлар ва ҳужжатлар олиш;

текширув натижалари бўйича мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ далолатномалар тузиш;

юридик шахсларга аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар бериш, ушбу ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш муддатларини белгилаш ва бажарилишини назорат қилиш;

аввал аниқланган ҳуқуқбузарликлар белгиланган муддатларда бартараф этилмаган ёки жиддий (қўпол) ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, йиғилган ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига юбориш учун тайёрлаш;

аниқланган ҳуқуқбузарликлар бартараф этилмаслиги ГППларни йўқолиши ёки ўғирланишига хавф туғдираётган тақдирда, уларни дарҳол бошқа сақлаш объектларига ўтказилишини талаб қилиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш.

10. Текширувларни амалга оширувчи ички ишлар идоралари ходимлари ўз ваколатлари доирасида қўйидагиларни бажаришга мажбурдирлар:

текшириляётган юридик шахсга текшириш ўтказиш ҳуқуқини берувчи зарур ҳужжатларни кўрсатиш;

юридик шахслар ишлашига халал бермаслик, уларнинг ўзга ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиш;

текширишларни рўйхатга олиш китобига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёзув киритиш;

давлат сири, тижорат ёки бошқа сирлар сақланишини таъминлаш;

текширув натижаларини далолатнома билан расмийлаштириб, унинг бир нусхасини текшириляётган юридик шахс ихтиёрида қолдириш;

ҳуқуқбузарлик ҳоллари аниқланган тақдирда қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўриш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни бажариш.

III. Текширувларни амалга ошириш

11. ГППлар сақланадиган объектларнинг текширувлари Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш бўйича техник талаблари тўғрисидаги низомда (рўйхат рақами 1048, 2001 йил 11 июль) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2001 йил, 13-сон) ўрнатилган ГППлар сақланадиган объектларнинг тоифаланишига мувофиқ амалга оширилади.

Қўйидагилар қатъиян тақиқланади:

ГППлар сақланадиган II ва (ёки) III тоифадаги объектларга — I тоифадаги объектларга ўрнатилган талабларни қўйиш;

ГППлар сақланадиган III тоифадаги объектларга — I ва (ёки) II тоифадаги объектларга ўрнатилган талабларни қўйиш.

IV. Текширувлар натижаларини расмийлаштириш

12. Текширув натижалари бўйича мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ далолатнома тузилади.

Далолатномада белгиланган чораларни кўриш учун унинг бир нусхаси юридик шахснинг раҳбари (унинг ваколатли вакили)га топширилади.

Текширув натижалари бўйича ички ишлар идоралари томонидан киритилган тавсиялар юридик шахслар учун мажбурий кучга эга, улар ус-тидан шикоят келтирилиши далолатноманинг бажарилишини тўхтатиб қўймайди.

13. Текширув далолатномаси тегишли қарорлар қабул қилиш ва улар-нинг бажарилиши назоратга олинишини ташкиллаштириш юзасидан зудлик билан ички ишлар идораси раҳбарига етказилади.

14. Аввал аниқланган ҳуқуқбузарликлар белгиланган муддатларда бар-тараф этилмаган ёки жиддий (қўпол) ҳуқуқбузарликлар аниқланганда ички ишлар идораси раҳбари уч кунлик муддат ичида йиғилган ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига юборади.

Йиғилган ҳужжатларнинг нусхалари бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига ҳам тақдим этилади.

V. Яқуний қоидалар

15. Ички ишлар идораларининг текширувларни амалга ошириш юзаси-дан қабул қилинган қарор ва хатти-ҳаракатларига юқори турувчи орган ёки судга шикоят қилиниши мумкин.

16. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазир-лиги билан келишилган.

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ИКРАМОВ

2009 йил 1 октябрь

Ички ишлар идоралари томонидан
 гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар
 ва прекурсорлар сақланадиган объект ҳамда
 хоналарнинг техник мустаҳкамлиги ва қўриқ-
 лаш-ёнғинга қарши сигнализация мосламалари
 билан жиҳозланганлиги ҳолати устидан
 назоратни амалга ошириш тартиби
 тўғрисидаги низомга
 1-илова

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги

(ички ишлар идорасининг номи)

20__йил «__» _____

(аҳоли тураржойининг номи)

**Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва
 прекурсорлар сақланадиган хона ва объектларнинг
 техник таъминоти, ёнғинга қарши ва қўриқлаш
 сигнализацияларининг аҳволини текшириш
 ҳуқуқини берувчи
 БИР МАРОТАБАЛИК ВАКОЛАТ БУЙРУҒИ**

(хизмат гувоҳномаси тақдим этилганида ҳақиқийдир)

Мазкур ваколат буйруғини тақдим этувчи _____

(лавозими, унвони,

_____ томонидан

(фамилияси, исми, отасининг исми)

_____ жойлашган

(ГППларни сақлаш фаолияти амалга ошириляётган манзил)

_____ да

(юридик шахсининг номи)

гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар сақланадиган объект ҳамда хоналарнинг техник мустаҳкамлиги ва қўриқлаш-ёнғинга қарши сигнализация мосламалари билан жиҳозланганлигини Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш бўйича техник талаблари тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1048, 2001 йил 11 июль) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2001 йил, 13-сон) мувофиқлигини текшириш ҳуқуқи берилади.

Ваколат буйруғининг фото (ксеро) нусхаси ҳақиқий эмас.

Ваколат буйруғи 20__ йил «__» _____ гача ҳақиқийдир.

Бошлиқ _____

(ИИБ бошлиғининг унвони, фамилияси, исми, отасининг исми)

М.Ў.

_____ (имзо)

Изоҳ: ваколат буйруғи фақатгина ички ишлар идораси бошлиғи ёки ўрнатилган тартибда унинг ўрнини босувчи шахс томонидан имзоланиши ҳамда ИИБнинг гербли муҳри билан тасдиқланиши лозим. Бу мақсадларда ички ишлар идорасининг бошқа муҳрларидан фойдаланиш тақиқланади.

Ички ишлар идоралари томонидан
гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар
ва прекурсорлар сақланадиган объект ҳамда
хоналарнинг техник мустаҳкамлиги ва қўриқ-
лаш-ёнғинга қарши сигнализация мосламала-
ри билан жиҳозланганлиги ҳолати устидан
назоратни амалга ошириш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва
прекурсорлар сақланадиган хона ва объектларни текшириш
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

20 __ йил «__» _____

_____ (аҳоли тураржойининг номи)

Мен (бизлар), _____

(ички ишлар идораси ходими(лар)нинг лавозими, унвони, фамилияси, исми, отасининг исми)

_____ (юрidik шахс раҳбари (унинг вакилининг) лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми)

_____ иштирокида
гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар сақланади-
ган жой текшириб чиқилди _____

_____ (ГППларни сақловчи юридик шахснинг номи)

_____ (ГППларни сақлаш фаолияти амалга оширилаётган манзил)

Текширув давомида қуйидагилар аниқланди:

1. Объектнинг тоифаси ва тури _____
(объектнинг тоифаси — I, II, III, тури — завод, база, омборхона,

дорихона базаси, дорихона, лаборатория, бўлим, тиббиёт пункти, бошқа тиббиёт муассасаси)

2. Ташкилот (омборхона, база) худудининг ҳолати _____
(фақат I-тоифадаги объектлар учун

тўлдирилади: худуднинг яроқлиги, техник ҳолати ва ёритилиши; ўтиш тақиқланган худуднинг кенглиги,

жихозланиши ва ундан фойдаланиш тартиби; кириш темир йўлларининг ҳолати; ёнғинга қарши сув манбалари ва

яшин қайтарувчи ускуналарнинг мавжудлиги ва ҳолати, омборхоналар оралиғида ўзаро ҳамда омбор

иншоотлари ва алоҳида бинолар ўртасида белгиланган ёнғинга қарши масофаларга риоя этилиши, ва х. к.)

3. Тўсиқларнинг ҳолати: _____
(фақат I-тоифадаги объектлар учун тўлдирилади:

тўсиқларнинг тури ва баландлиги, белгиланган талабларга мувофиқлиги (мувофиқ эмаслиги),

тешиқлар, ўпиришлар, осилиб қолишлар ва х. к. камчиликлар мавжудлиги)

4. Ёритилиш ҳолати: _____
(тўғри ва тўлиқ ёритилганлиги, ёритиш манбаларининг етарлиги ва созлиги)

5. Ёнғинга қарши ва қўриқлаш сигнализация мосламаларининг (ЁҚҚСМ) мавжудлиги ва ҳолати: _____

(ЁҚҚСМларнинг тури — шовқинли, нурли-шовқинли, автоном, датчиклари

ички ишлар органининг қўриқлаш пунктига, қўриқлаш постига ёки мансабдор шахсга

уланганлиги, ЁҚҚСМларнинг ҳолати — соз, носоз, кабелларни ўтказиш усули — хуфёна, очик)

Ички ишлар идоралари томонидан
 гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар
 ва прекурсорлар сақланадиган объект ҳамда
 хоналарнинг техник мустаҳкамлиги ва қўриқ-
 лаш-ёнғинга қарши сигнализация мосламала-
 ри билан жиҳозланганлиги ҳолати устидан
 назоратни амалга ошириш тартиби
 тўғрисидаги низомга
 2-илованинг давоми

текширув далолатномасининг орқа томони

6. ГППларни сақлаш шароитлари: _____
 (алоҳида (умумий) хонада, хонанинг жойлашуви,

деворлар, пол ва шипнинг ўрнатилган талабларга мувофиқлиги,

деразалар металл панжаралар билан химояланганлиги, улар ўрнатилган талабларга мувофиқлиги)

7. Эшикларнинг ҳолати: асосий _____
 (эшик ишланган материал, унинг техник мустаҳкамлиги,

қулфлар етарлиги ва ишончлиги)

қўшимча (панжарали) _____
 (эшик ишланган материал, унинг техник мустаҳкамлиги,

қулфлар етарлиги ва ишончлиги)

8. Металл қути (сейф, шкаф)лар мавжудлиги ва ҳолати: _____
 (қути (сейф,

шкаф)ларнинг етарлиги ва техник мустаҳкамлиги, қулфларнинг етарлиги ва ишончлиги)

9. ГППларни сақлаш тартиби: _____
 (металл қути (сейф, шкаф)лар ичида сақланиши ташкил этилганлиги,

улар ишдан ташқари вақтда муҳрланиши)

10. Қўриқлаш ҳолати: _____
 (қўриқлаш тури, постларнинг сони ва етарлиги, қуролланиши,

қўриқлаш хизматининг иш тартиби, постлар орасида алоқа воситалари мавжудлиги ва созлиги)

11. Аввалги текширув(лар) натижасида аниқланган камчиликлар бартараф этилганлиги: _____

(охирги текширув ким томонидан ва қачон амалга оширилган, аниқланган камчиликлар

ва уларни бартараф этиш даражаси)

15. Аниқланган камчиликлар ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар:

Т/р	Аниқланган камчиликларнинг мазмуни	Аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар	Ижро муддати

Имзолар:

(имзо)

(фамилияси, исми, отасининг исми)

(имзо)

(фамилияси, исми, отасининг исми)

Далолатнома
нухасини олдим:

(имзо)

(фамилияси, исми, отасининг исми)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУҒИ

509 Мебель ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
16 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2042*

(2009 йил 26 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2000 й., 7-сон, 39-модда) билан тасдиқланган Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қоида ва нормаларни қайта кўриб чиқиш, ишлаб чиқиш ва жорий этиш Дастури ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Мебель ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Вазир в.б.

А. ХАИТОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 9 октябрь,
62/1-Б-сон

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза
қилиш вазирлигининг 2009 йил 9 октябрдаги
62/1-Б-сон буйруғига
ИЛОВА

Мебель ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш ҚОИДАЛАРИ

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 223-модда) мувофиқ мебель ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидалар мебель ишлаб чиқариш ташкилотларига (бундан кейинги ўринларда ташкилотлар деб юритилади) тааллуқлидир.

2. Мазкур Қоидалар ишлаб чиқариш биноларини ва иншоотларини лойиҳалаш, қуриш ва қайта қуришда, цехларни техник жиҳозлаш ва қайта жиҳозлашда, технологик жараёнлар ҳамда ускуналардан фойдаланишда ҳисобга олиниши лозим.

3. Мазкур Қоидалар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талаблари бажарилиши шарт эканлигини истисно этмайди.

4. Ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан давлат назорати бунга махсус ваколат берилган давлат органлари томонидан, жамоатчилик назорати эса меҳнат жамоалари ва касаба уюшмаси ташкилотлари томонидан сайланадиган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар томонидан амалга оширилади.

II. Хавфсизлик бўйича умумий талаблар

1-§. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш

5. Ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги ишларни ташкил қилиш Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил қилиш ҳақидаги намунавий низомга (рўйхат рақами 273, 1996 йил 14 август) мувофиқ амалга оширилиши лозим.

6. Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил қилиш ҳақидаги намунавий низомга (рўйхат рақами 273, 1996 йил 14 август) мувофиқ ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ички назоратнинг асосий турлари қуйидагилар ҳисобланади:

ишларга раҳбарлик қилувчи ва бошқа мансабдор шахсларнинг тезкор назорати;

маъмурий-жамоатчилик назорати (уч босқичли назорат);

бош мутахассислар хизмати томонидан амалга ошириладиган назорат.

Қуйидагилар назорат қилиниши лозим:

иш жойларининг аҳволи;

меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши;

меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш вазифаларини амалга оширишга доир ишларни бажариш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ўз вақтида, тўғри ўрганиб чиқиши;

меҳнатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларининг бажарилиши;

меҳнатни муҳофаза қилишга ажратилган маблағларнинг тўғри сарфланиши.

7. Ташкилотларда қуйидаги асосий ҳужжатлар ишлаб чиқилади (тасдиқланади) ва юритилади:

меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини яхшилаш, санитария-соғломлаштириш чора-тадбирлари бўйича бўлимни ўз ичига олган жамоавий шартнома;

тасдиқланган меҳнат шароитларини баҳолаш ва иш ўринларини аттестация қилиш услубига мувофиқ иш ўринларини аттестация қилиш карталари;

меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг чораклик иш режалари;

ишчилар ва муҳандис-техник ходимларни ўқитиш, йўл-йўриқ бериш ва билимларини синовдан ўтказиш дастурлари;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича маъмурий-жамоатчилик назоратини юритиш журнали (уч босқичли назорат) ишчи ва хизматчилар билан ёнфинга қарши йўл-йўриқ бериш ва ёнфин-техникавий минимум машғулотларини ўтказиш дастури;

хар бир касб ва иш турлари бўйича меҳнатни муҳофаза қилиш йўриқномалари.

8. Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 5-сон, 223-модда) 14-моддасига мувофиқ ходимлар сони 50 нафар ва ундан ошадиган ташкилотларда махсус тайёргарликка эга шахслар орасидан меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари тузилади (лавозим жорий этилади), 50 ва ундан ортиқ транспорт воситаларига эга бўлган ташкилотларда эса бундан ташқари йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари тузилади (лавозимлар жорий этилади). Ходимлар сони ва транспорт воситалари миқдори камроқ ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг вазифаларини бажариш раҳбарлардан бирининг зиммасига юклатилади.

9. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ўз мақомига кўра ташкилотнинг асосий хизматларига тенглаштирилади ва унинг раҳбари ёки бош муҳандисига бўйсунди ҳамда ташкилотнинг фаолияти тугатилган тақдирда бекор қилинади.

10. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг мутахассислари лавозим йўриқномасига биноан уларнинг мажбуриятлари жумласига киритилмаган бошқа ишларни бажаришга жалб қилиниши мумкин эмас.

11. Ташкилотларда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни текшириш ва ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сонли қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

2-§. Ходимларга йўл-йўриқ бериш, ўқитиш ва уларнинг билимларини синовдан ўтказиш ишларини ташкил этиш

12. Ташкилотларнинг барча ходимлари, шу жумладан раҳбарлари ўз касблари ва иш турлари бўйича белгиланган тартибда ўқишлари, йўл-йўриқлар олишлари ҳамда билимлари синовдан ўтказилиши керак.

13. Бевосита ишлаб чиқаришда ишларни ташкиллаштириш ва бажариш билан боғлиқ ходимлар, раҳбарлар, муҳандис-техник ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича билимларини синовдан ўтказиш Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқишларни ташкил қилиш ва билимларни синаш тўғрисидаги намунавий низомга (рўйхат рақами 272, 1996 йил 14 август) мувофиқ амалга оширилиши лозим.

14. Ишларни технологик регламент бўйича хавфсиз юритиш йўриқномалари Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 870, 2000 йил 7 январь) мувофиқ ишлаб чиқилади ва ишловчилар ҳамда иш жойларини шу йўриқномалар билан таъминлаш ташкилот раҳбарияти зиммасига юклатилади.

3-§. Хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари

15. Ходимлар хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари, уларнинг тавсифи, юзага келиш манбалари, ишчиларга таъсир қилиш хусусиятлари ва саломатлик учун хавфлилик даражаси ва келгусидаги оқибатлари тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиши лозим.

16. Иш жойларидаги ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёнининг хавфли ҳамда зарарли омиллари тўғрисидаги маълумотлар ишлаб чиқариш муҳитининг физик, кимёвий, радиологик, микробиологик ва микроиқлим ўлчови натижалари, шунингдек меҳнатнинг оғирлиги иш жойларини меҳнат шароитлари бўйича аттестация қилиш орқали тасдиқланиши лозим.

17. Ҳар битта ташкилот ёки алоҳида ишлаб чиқариш хавфли ва зарарли меҳнат шароитларига эга бўлган касблар, иш ўринлари ва ҳудудларининг санитария қоидалари ва меъёрларига мувофиқ зарарлилик ва хавфлилик синфи кўрсатилган рўйхатига ҳамда ишлаб чиқариш омилларининг зарарлилик ва хавфлилик кўрсаткичлари, меҳнат жараёнининг оғирлик кўрсаткичлари бўйича меҳнат шароитларининг амалдаги гигиеник таснифига эга бўлиши лозим.

4-§. Ўта хавфли касблар ва ишлар рўйхати

18. Ташкилот ўта хавфли шароитда бажариладиган касблар ва ишлар рўйхатига эга бўлиши лозим. Рўйхатда аниқ технологик жараён, ишлаб чиқариш ускунаси, ишлатиладиган хом ашё ва ишларни амалга ошириш хусусиятлари билан боғлиқ хавфлар ҳисобга олиниши лозим. Рўйхатга хавфли моддалар билан бажариладиган ишлар, баландликда, ифлосланган ҳаво ва

сув мухитида, юқори ҳарорат ва намлик шароитида бажариладиган ишлар, буғ ва сув иситиш қозонлари, юк кўтариш механизмлари, босим остида ишлайдиган сифимлар, электр ускуналарига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ишлар ҳамда амалдаги тармоқ рўйхатларига мувофиқ бошқа ишлар киритилиши шарт.

19. Ўта хавфли ишларга фақат махсус ўқитилган, ушбу ишларни бажариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатга эга бўлган ходимлар қўйилади.

20. Барча ходимлар ўта хавфли ишларни бажариш топшириғини олишдан олдин, меҳнат муҳофазаси бўйича йўл-йўриқ олиши ва ишларни хавфсиз бажариш усуллариини ўзлаштириб олиши шарт.

21. Ўта хавфли ишларни бажариш, фақат белгиланган тартибда масъул ходим қўл қўйиб расмийлаштирилган махсус наряд-рухсатномага мувофиқ амалга оширилиши лозим.

22. Ташкилот (цех) раҳбарияти ўта хавфли ишларни режалаштиришда, ташкиллаштиришда ва хавфсиз бажаришда белгиланган талабларга мувофиқ амалга оширилишига тўла жавобгардирлар.

23. Янги зарарли моддалар пайдо бўлишига ёки хавфли ва зарарли омиллар йўқолишига олиб келадиган технологик жараёнлар ўзгаришларида ёхуд янги ишлаб чиқариш ускуналарини жорий қилишда рўйхатларга тегишли ўзгартиришлар киритилиши лозим.

5-§. Жамоавий ва якка тартибдаги ҳимоя воситаларини қўллаш

24. Ишловчиларни зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш муҳити омилларидан ҳимоя қилиш тегишли стандартлар ва меъёрлар талабларига мос жамоавий ва шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш орқали таъминланиши лозим.

25. Жамоавий ҳимоя қилиш воситалари жумласига қуйидагилар киради:

ишлаб чиқариш хоналари ва иш жойларининг ҳаво муҳитини нормаллаштириш воситалари (шамоллатиш ва ҳаво тозалаш, иситиш, ҳаво ҳароратини, намлигини бир хил меъёрда сақлаш ва бошқалар);

ишлаб чиқариш хоналари ва иш жойларининг ёруғлигини нормаллаштириш воситалари (ёритиш асбоблари, ёруғлик ўринлари, ёруғликдан ҳимоя қилиш мосламалари ва бошқалар);

шовқин, тебранма, электр токи уриши, статик ток ва ускуналар юзасининг юқори даражадаги ҳароратдан ҳимоя қилиш воситалари;

механик ва кимёвий омилларнинг таъсиридан ҳимоя қилиш воситалари.

26. Жамоавий ҳимоя воситалари (вентиляция, аспирация, ерга улаш, маҳаллий сўрғичлар ва бошқалар) зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш муҳити омиллари хонадаги барча ишловчиларга таъсир қилганда қўлланиши шарт ва ташкилотни қуриш ёки реконструкция қилиш лойиҳаларига киритилиши лозим.

27. Жамоавий ҳимоя воситалари зарарли ва хавфли омилларни рухсат этилган миқдоргача камайтириш имконини бермаган ҳолларда шахсий ҳимоя воситалари қўлланиши лозим. Бундай ҳолларда шахсий ҳимоя воситаларисиз кишиларнинг иштироки ва ишлар амалга оширилиши тақиқланади.

28. Меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимлар белгиланган нормалар бўйича:

сут (шунга тенг бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари);

даволаш-профилактика озиқ-овқати;

газли шўр сув (иссиқ цехларда ишловчилар учун);

махсус кийим-бош, махсус пойабзал, бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан бепул таъминланиши лозим.

29. Шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланган ҳолда ишловчилар, уларнинг қўлланиши, ҳимоя хусусиятлари, амал қилиш муддати тўғрисида маълумотларга эга бўлиши ҳамда улардан фойдаланишга ўргатилиши лозим.

30. Ташкилот маъмурияти ёки иш берувчи қуйидагиларни таъминлаши шарт:

амалдаги меъёрлар бўйича мазкур ишлаб чиқариш учун талаб қилинадиган барча шахсий ҳимоя воситаларининг зарур миқдори ва номенклатурасини;

ҳимоя воситаларини қўллаш ва тўғри фойдаланиш устидан доимий назоратни амалга оширишни;

қўлланилаётган ҳимоя воситаларининг самарадорлиги ва созлигини текширишни;

шахсий ҳимоя воситаларидан хавфли ва захарли моддалар муҳитида фойдаланилганда уларни дегазация ва дезинфекция қилишни (бир марта қўлланиладиган ҳимоя воситалари бундан мустасно).

31. Ташкилот маъмурияти, ишчи ва хизматчиларни махсус кийим, пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситалари билан мебель ишлаб чиқаришда ходимлар учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг намунавий меъёрларига (рўйхат рақами 1904, 2009 йил 14 февраль) мувофиқ таъминлаши шарт.

6-§. Ходимларнинг ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этишига рухсат бериш

32. Ташкилот ходимлари ишни бажаришнинг хавфсиз усулларига ўқитиб, олинган билимлари Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқишларни ташкил қилиш ва билимларни синаш тўғрисидаги намунавий низомга (рўйхат рақами 272, 1996 йил 14 август) мувофиқ синондан ўтказилгандан сўнг ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этишга рухсат этилиши лозим.

33. «Ўн саккиз ёшдан кичик шахсларнинг меҳнати қўлланиши тақиқланадиган ноқулай меҳнат шароитлари ишлари рўйхати»га (рўйхат рақами 1990, 2009 йил 29 июль) мувофиқ 18 ёшга тўлмаган шахслар зарарли ва ноқулай меҳнат шароитига эга ишларга қабул қилинмаслиги лозим.

34. «Хотин-қизлар меҳнати тўлиқ ёки қисман қўлланилиши тақиқлана-

диган меҳнат шароити ноқулай бўлган ишлар рўйхати»га (рўйхат рақами 865, 2000 йил 5 январь) мувофиқ аёллар зарарли ва ноқулай меҳнат шароитига эга ишларга қабул қилинмаслиги лозим.

7-§. Ходимларнинг соғлиғини назорат қилиш

35. Ташкилот маъмурияти (ёки иш берувчи) касаба уюшмаси қўмитаси ва ваколатли соғлиқни сақлаш органлари билан биргаликда ҳар йили даврий тиббий кўрикдан ўтиши лозим бўлган ходимларнинг рўйхатини тузиши ҳамда ходимларнинг кўриқка келишини таъминлаши лозим.

36. Ташкилотларда ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш «Ходимларни ишга қабул қилишда дастлабки ва даврий тиббий кўрикдан ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги (рўйхат рақами 937, 2000 йил 23 июнь) буйруғи асосида амалга оширилиши лозим.

37. Тиббий кўрикдан ўтишдан ёки тиббий комиссияларнинг текширувлар натижасида берган тавсияларини бажаришдан бўйин товлаган ходимларни маъмурият ишга қўймасликка ҳақлидир.

38. Соғлиғи ҳолатига кўра енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли бўлган ишга ўтказишга муҳтож ходимларни иш берувчи, уларнинг розилиги билан, тиббий хулосага мувофиқ вақтинча ёки муддатини чекламай, ана шундай ишларга ўтказиши шарт.

39. Тиббий кўриқлар ташкилотнинг тиббий-санитария қисмлари ва поликлиникалари, улар мавжуд бўлмаган ҳолда даволаш-профилактика муассасаси томонидан ўтказилиши лозим. Тиббий кўриқлар даволаш-соғломлаштириш тадбирлари белгиланган текшириш далолатномаси билан яқунланиши лозим.

40. Ташкилот маъмурияти (ёки иш берувчи) ва касаба уюшмаси қўмитаси тиббий кўрик далолатномаси билан танишиб чиқиши, иш берувчи эса далолатномада кўзда тутилган барча тадбирлар ва кўрсатмаларни бажариши лозим.

41. Даврий тиббий кўриқлар ўз вақтида, сифатли ўтказилиши ва уларнинг натижаларига кўра тавсиялар бажарилиши учун жавобгарлик ташкилот маъмурияти зиммасига юкланади.

42. Ходимларни соғлиғи туфайли уларга рухсат этилмаган ишларда ишлатиш тақиқланади.

8-§. Ташкилотларнинг ишлаб чиқариш бинолари ва хоналарига қўйиладиган талаблар

43. Ишлаб чиқариш бинолари ҚМҚ 2.09.02 «Ишлаб чиқариш бинолари» талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

44. Ўтиш, чиқиш йўллари, коридор, тамбур, нарвонлар турли жисмлар ва асбоб-ускуналар билан тўсиб қўйилишига рухсат этилмайди. Эвакуация чиқиш йўлларининг барча эшиклари бинодан чиқиш йўналиши бўйича очилиши лозим.

45. Поллар текис, ёриқларсиз, тешиқларсиз ва шишиб чиққан жойлари бўлмаслиги, ҚМҚ 2.03.13 «Поллар» талабларига мувофиқ бажарилган бўлиши лозим.

46. Бошқариш пультлари зарарли ва портлаш хавфи бўлган буғ, газ ва чанглар ажралиб, шунингдек юқори тебранишга эга бўлган технологик ас-боб-ускуналар ўрнатилган ишлаб чиқариш хоналарида жойлаштирилиши мумкин эмас.

9-§. Шамоллатиш ва иситиш тизимига қўйиладиган талаблар

47. Шамоллатиш ва иситиш ҚМҚ 2.04.05-97 «Иситиш, шамоллатиш ва кондиционерлаш» талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

48. Бино ва иншоотларнинг ишлаб чиқариш хоналарида ҳаводаги зарарли моддалар миқдори СанҚваМ 0046-95 «Гигиеник нормативлар. Иш худуди ҳавосида зарарли моддаларнинг рухсат этилган энг кўп миқдорлари» талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

49. Ўтиш жойларида (галереяларда, зиналар майдончаларида ва шунга ўхшаш) жойлашган иситиш жиҳозлари (қувурлар, регистрлар ва шунга ўхшашлар), рухсат этилган ўтиш йўлкаларининг энини камайтирмаслиги керак.

50. Иш жойларида ҳаво ҳарорати йилнинг совуқ даврида енгил жисмоний ишларда 21°C, ўрта оғир ишларда 17°C ва оғир ишларда 16°C дан паст бўлмаслиги керак.

51. Ходимларни исиниши учун хоналарда ҳаво ҳарорати 22°C дан кам бўлмаслиги керак.

52. Биноларда жойлашган ишчи жойларидан, ходимларни исиниш хоналаригача бўлган масофа 75 м, ташкилот майдонидаги ишчи жойларидан 150 м дан кўп бўлмаслиги керак.

10-§. Сув таъминоти ва канализация тизимига қўйиладиган талаблар

53. Сув билан таъминлаш ва канализация тизими ҚМҚ 2.04.01-98 «Би-ноларни ички сув қузури ва канализацияси» талабларига мос келиши керак.

54. Ташкилотни ишлаб чиқариш оқова сувлари ташқи канализацияга етиб келгунча зарарли моддалардан тозаланиши керак.

55. Тозаланган сувда зарарли моддалар таркиби санитар нормаларига асосан чегараланган концентрациясидан ошиб кетиши керак эмас.

56. Ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун бериладиган сувнинг сифати технологик талабларга мос бўлиши керак.

57. Ичимлик сувидан фойдаланиш учун сув қузурига уланган фаввора-чалар бўлиши керак. Сув қувурлари йўқ бўлган ҳолларда бакларда қайна-тилган сув бўлиши лозим.

58. Иш жойидан сув ичиш қурилмасигача бўлган масофа 75 м. дан ошмаслиги керак.

59. Ичимлик сувининг ҳарорати 8°C дан 20°C гача бўлиши керак.

60. Ташкилот ҳудудидаги ҳожатхоналар иссиқ ва канализацияланган бўлиши лозим.

61. Ташкилотда канализация тизими йўқ бўлганда Давлат санитар назорати органлари билан келишилган ҳолда ташкилотда ер қатламини иф-лослантирмасликка ва ишлаб чиқариш канализациясига душхоналардан ва юз-қўл ювгичлардан сув оқмайдиган қурилмалар ахлат ўраларига рухсат этилади.

11-§. Ёритишга қўйиладиган талаблар

62. Ташкилот майдонида, ишлаб чиқариш ва ёрдамчи бинолар ва хоналарда табиий ва сунъий ёритишлар ҚМҚ 2.01.05-98 «Табиий ва сунъий ёритиш» талабларига мувофиқ бўлиши керак.

63. Ёритиш ускуналарини ўрнатишда қандилларнинг турлари, лампаларнинг қуввати ва уларнинг жойлашиши тасдиқланган лойиҳага мос бўлиши керак.

64. Ишлаб чиқариш цехларидаги, хом ашё омборлари ва юк тушириш-ортиш майдонларидаги технологик ускуналар умумий ёритишга қўшимча равишда кўчма ёритиш мосламалари билан таъминланган бўлиши керак.

65. Авария ёритиш тармоқларига электр энергия истеъмолчиларини улаш тақиқланади. Авария ёритишларини созлиги камида чорақда бир марта текширилиши лозим.

66. Ёруғ тушувчи ойналарни йилда икки мартадан кам бўлмаган ҳолда тозалаш лозим.

67. Ёруғлик тушадиган дераза ва эшикларни бегона предметлар (ускуна, тайёр маҳсулот ва бошқалар) билан тўсиб қўйилишига рухсат этилмайди.

68. Юқори хавfli хоналарда кучланиши 36 В дан юқори бўлмаган кўчма электр ёриткичлар ишлатилиши керак. Ўта хавfli хоналарда, хоналардан ташқари, ҳамда ускуналар ва иншоотлар (бункерлар, силосослар, қудуқлар, буғлантириш камералари, туннеллар ва бошқалар)ни ёритиш учун кўчма электр ёриткичларни кучланиши 12 В дан ошмаслиги керак. Барча кўчма ёриткичларни металл ҳимояланиш тўри ҳамда шиша қалпоғи бўлиши керак.

12-§. Маиший ва қўшимча хоналарга, уларнинг сони, ҳолати ва жойлашувига қўйиладиган талаблар

69. Ҳар бир ташкилотда ҚМҚ 2.09.12-98 «Ташкилотларнинг маъмурий ва маиший хоналари» қоидалари талаблари ва мазкур Қоидаларга мувофиқ санитария-маиший ва қўшимча хоналар бўлиши лозим.

70. Маиший ва қўшимча хоналарни (биноларни) лойиҳалаш ҳамда қуриш

уларни ишлаб чиқариш объектлари билан бир пайтда ишга тушириш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим.

71. Маиший хоналар имкон қадар иш жойларига яқин жойлаштирилиши зарур.

72. Махсус кийим-кечак ва баданнинг катта даражада ифлосланишини юзага келтирадиган муҳитдаги иш участкаларида ишловчи ходимлар учун махсус маиший хоналар жиҳозланиши лозим.

73. Уй ва иш кийимлари сақланадиган гардероблар, ҳожатхоналар, ювиниш ва чўмилиш хоналари эркаклар ва аёллар учун алоҳида бўлиши лозим.

74. Кийим алмаштириш хоналари, душхоналарнинг ўлчамлари, душ сеткалари, оёқ ванналари, бет-қўл ювгичлари, истеъмол сув таъминоти қурилмалари, ҳожатхоналар ва бошқа шу каби қурилмаларнинг сони, кўпчиликни ташкил этадиган сменада ишловчиларнинг сони ҳисобга олинган ҳолда белгиланиши лозим.

75. Душхоналар ва ҳожатхоналардаги тарновлар, каналлар, траплар, писсуарлар ва унитазлар мунтазам равишда тозаланиши, ювилиши ва дезинфекция қилиниши лозим. Ҳожатхоналарнинг поллари қуруқ ҳолда сақланиши лозим.

76. Ҳар бир ювиниш жиҳози иссиқ ва совуқ сув келадиган қувурларга уланган бўлиши лозим.

77. Ювиниш хоналарида электр қуритгичлар, кўзгу, кийим илгичлар, суюқ совун учун идишлар ва қаттиқ совун солгичлар кўзда тутилиши лозим.

78. Махсус кийимни ювиш учун ташкилотларда кир ювиш хоналари бўлиши лозим.

79. Овқатланиш пунктлари умумий овқатланиш ташкилотлари учун белгиланган санитария қоидалари талабларига жавоб бериши лозим.

III. Ишлаб чиқариш (технологик) жараёнларига қўйиладиган талаблар

1-§. Технологик ҳужжатларда ҳисобга олиниши лозим бўлган хавфсизлик талаблари

80. Ёғочни қайта ишлаш технологик жараёнлари ушбу Қоидаларга, СанҚваМ 0208-06 «Технологик жараёнларни ташкиллаштириш санитария қоидалари ва ишлаб чиқариш жиҳозларига гигиеник талаблар»га мувофиқ ташкил қилиниши ва ўтказилиши лозим.

81. Хом ашё ва материалларни қайта ишлаш технологик ускунанинг паспортда белгиланган талабларга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

82. Автоматик линияларнинг ҳамма дастгоҳлари, уларни юргизиш ва тўхтатиш учун алоҳида бошқарув тизимларига эга бўлиши лозим.

83. Дастгоҳ ва механизмлардаги операцияларни бажарилиш кетма-кетлиги технологик жараёнга мувофиқ блокировка тизими билан таъминлани-

ши лозим. Агарда тизимда механизмлардан биттаси тўхтаса, бу тўхтовчи механизмдан олдинги ҳамма дастгоҳ ва механизмларни ўчиши кўзда тутилиши лозим.

84. Линияларга икки томондан хизмат кўрсатиш зарур бўлса, унинг устидан асосий иш жойлари ҳудудда ва линиянинг ҳар 20 — 25 м да ўтиш кўприклари қўл тутқичлари билан ўрнатилган бўлиши лозим.

2-§. Материаллар омборларига ва юк ортиш-тушириш майдончаларига талаблар

85. Ташкилот ҳудудига келадиган материаллар ва ускуналар учун шу мақсадга ажратилган ва тайёрланган махсус омборлар ҳамда юк ортиш-тушириш майдончалари бўлиши ва уларнинг тузилиши ва жойлашиши қурилиш меъёрлари ва қоидалари талабларига мос бўлиши керак.

86. Омборларда материалларни тахлаш усуллари ёритилган меҳнат муҳофазаси ва ёнғин профилактикаси бўйича йўриқнома кўринарли жойга осиб қўйилади. Бу йўриқномада ушбу омборда қандай материаллар, қанча миқдорда, қандай идишда сақланиши мумкинлиги кўрсатилиши керак. Кўринарли жойларга юкларни жойлаш ва ортиш схемаси осиб қўйилиши лозим.

87. Ташкилотлардаги юк ортиш-тушириш эстакадалари, майдончалари, платформаларининг поллари вагон поли ёки автомобиль кузови текислиги билан баробар бўлиши керак.

88. Юк ортиш майдончаси периметри бўйича (бундан юк ташиш транспорти йўли мустасно) баландлиги 30 см ли мустаҳкам ҳимояловчи тўсиқ билан тўсилиши лозим.

89. Юк ортиш-тушириш майдончалари ва эстакадалари текисланган ва асфальтланган бўлиши керак. Унинг сатҳи сув тўпланмайдиган бўлиши ва қиш вақтида мунтазам равишда қор ва муздан тозалаб турилиши керак.

90. Сиқилган газ, шу жумладан кислород махсус шамоллатиладиган, очиқ аланга манбаларидан ва пайвандлаш жойларидан ҳимояланган, биринчи қаватда жойлашган ва ташкилот ҳудудига алоҳида чиқиладиган хонага жойлаштирилиши лозим.

91. Кальций карбиди захираси қурук, яхши шамоллатиладиган, ёнмайдиган ва ташқаридан ёритиладиган хоналарда сақланиши керак.

92. Кальций карбидини ертўлаларда сақлаш тақиқланади.

93. Битта омборда кальций карбиди билан бирга, сиқилган газ тўлдирилган баллонлар, ҳамда кислородли баллонлар ва ёнувчи газлар сақланиши тақиқланади.

94. Кислота алоҳида хонада сақланиши керак. У хонада фақат дистилланган сув бўлиши мумкин.

3-§. Юкларни кўтариш ва ташишда хавфсизлик талаблари

95. Юк ортиш ва тушириш ишлари ташкилот буйруғи билан тайинланган масъул шахс назорати остида бажарилиши шарт.

96. Юк кўтариш-ташиш ускуналарининг техник ҳолати ва тўғри ишлатилиши устидан назорат буйруқ билан тайинланган, махсус ўқитилган, аттестациядан ўтган муҳандис-техник ходимга топширилиши лозим.

97. Юкни илувчилар иши, шу ишларни хавфсиз бажариш йўриқнома-сига биноан бажарилиши керак.

98. Юкларни кўтариш ва ташиш вақтида тугун ва сиртмоқларни тўғри-лаш ва сирпаниб кетган арқонни тўғрилаш тақиқланади. Юкни одамлар устидан кўтариб ўтиш тақиқланади.

99. Юк кўтариш ускунасига кўтариши мумкин бўлган юкнинг оғирлик чегараси, ўтказилган синовнинг вақти ва келгуси синов вақти ёзиб қўйилиши керак.

100. Транспорт воситалари ўлчамлари ва конструкцияси, ташиладиган юкнинг ўлчамига мос бўлиши керак.

101. Ташкилот ичидаги ва цехдаги транспорт воситаларидан хавфсиз фойдаланиш учун масъул шахслар ҳар куни транспорт воситаларини техник ҳолатини текшириб чиқиши ва ишга рухсат этилганлиги тўғрисида журналга қайд қилишлари керак.

102. Транспорт воситалари ҳаракати учун мўлжалланган цехларга кириш ва чиқиш жойларида ва цехлар орасидаги технологик ўтиш жойларига «Диққат! Транспорт» огоҳлантириш белгилари ўрнатилган бўлиши керак.

103. Ташкилот ичидаги ва цехдаги юкларни ташишга мўлжалланган транспорт воситаларда одам ташиш тақиқланади.

104. Транспорт воситаларига юкларни жойлаш схемалари (электр авто юклагичлари, автомобиллари, темир йўл вагонлари, электр аравачалари) ташкилот бош муҳандиси томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

105. Оғирлиги 30 кг дан ортиқ бўлган юкларни ортиш ва тушириш механизм ёрдамида амалга оширилиши лозим.

106. Эстакадада юкларни ортиш ва тушириш ишларини олиб боришда, одамларни вагонларга кириши учун тиргаклар билан тўсилган, ўтиш кўприкчалари ўрнатилган бўлиши керак.

107. Юк кўтариш мосламалари юк кўтариш ёки ташиш вақтида уларни ўз-ўзидан ағдарилишини ёки очилиб кетишини олдини олувчи қурилма билан таъминланган бўлиши керак.

108. Юк кўтариш машиналарининг юк илгакларидан юкни ўз-ўзидан чиқиб кетишини олдини олиш учун, улар сақлаш қулфлари билан жиҳозланган бўлиши керак.

4-§. Ёнғин ва портлаш хавфсизлиги талаблари

109. Ишлаб чиқариш жараёнларининг ёнғин ва портлаш хавфсизлиги, уларни режалаштириш, ташкиллаштириш ва олиб бориш ГОСТ 12.1.004-91 «Ёнғин хавфсизлиги. Умумий талаблари»га, ГОСТ 12.1.010-90 «Портлаш хавфи. Умумий талаблари»га ва ушбу Қоидаларга мувофиқ таъминланиши лозим.

110. Ишлаб чиқаришда ўрганилмаган ёнғин ва портлаш хавфи ва ток-

сик хусусиятларига эга бўлган моддалар ва материалларни ишлаб чиқариш жараёнида қўллаш тақиқланади.

111. Технологик объектларнинг портлаш хавфлилиги ҳолати юзасидан белгиланган тартибда назорат ўрнатилиши лозим.

112. Технологик жараёнлар жойлаштирилган бинолар ва хоналарнинг портлаш жиҳатидан хавфлилик тоифалари лойиҳа ташкилоти томонидан ТЛТМ 24-86 «Технологик лойиҳалаштириш тармоқ меъёрлари»га мувофиқ ҳар бир ҳолат учун алоҳида аниқланиши керак.

113. Технологик жараёнларни амалга оширишда ёнғинлар, портлашлар, авариялар, заҳарланишлар содир бўлиши ҳамда атроф муҳит ишлаб чиқариш чиқиндилари (оқова сувлари, вентиляция чиқиндилари ва шу каби) билан ифлосланиш эҳтимолини истисно этадиган шароитлар таъминланиши лозим.

114. Барча ишлаб чиқариш цехлари, хом ашё ва тайёр маҳсулот омборхоналари, маъмурий ва бошқа ёрдамчи бинолар ҳамда иншоотлар дастлабки ёнғинни ўчириш воситалари билан таъминланган бўлиши шарт.

115. Вентиляция тизими ёнғиндан дарак берувчи сигнализация билан бирлаштирилган бўлиши лозим.

116. Ҳар бир цех, участка, омборда мавжуд меъёрлар асосида, ҳудудий ёнғин хавфсизлиги хизмати билан келишилган ёнғин хавфсизлиги бўйича йўриқнома ишлаб чиқилиши ва кўринадиган жойга осиб қўйилиши лозим.

117. Ташкилотларда барча ишлаб чиқариш, ёрдамчи ва маиший хоналарда ёнғин хавфсизлигига жавобгар шахс ташкилот маъмуриятининг буйруғига асосан тайинланиши лозим.

118. Ташкилотларда ёнғин хавфсизлиги идоралари томонидан белгиланган меъёрларда ёнғинга қарши курашиш учун ўт ўчириш воситалари бўлиши лозим.

119. Ходимлар билан ёнғин хавфсизлиги техминимуми бўйича машғулотлар ўтказилиши ва уларга тегишли йўл-йўриқлар берилиши лозим.

120. Бино ва ёнғин сув манбаи йўлақлари ҳамда ёнғин воситалари ва ускуналарига борадиган йўлақлар доимо бўш бўлиши керак. Бинолар оралигидаги ёнғинга қарши масофа узилмаларида материаллар, ускуналар, бўш идишларни тахлаш ва автомобиль тўхташ жойи учун ишлатишга рухсат этилмайди.

5-§. Ёғоч материаллардан деталларни тайёрлаш

121. Ёғоч қиринди плиталарни тайёрлаш дастгоҳига юкланиши механизациялашган бўлиши лозим.

122. Шпонни кесувчи қайчи столининг хавfli ҳудудидаги пичоқнинг икки томони қизил рангли 200 мм кенглигидаги чизиқ билан белгиланган бўлиши лозим.

123. Кенглиги 70 мм дан кам шпон кесилганда шаблондан фойдаланиш керак.

124. Шпон пачкасини иккинчи марта кесиш учун қайчини орасидаги ораликдан бериш тақиқланади.

125. Ёғоч ва ёғоч материалларни юқори частотали электр майдонда елимлашга техника хавфсизлиги бўйича, биринчи малака гуруҳига эга бўлган махсус ўқитилган шахсларни ишлашига рухсат этилади.

126. Юқори частотали ускунани ёқилиши фойдаланиш бошқарувида кўрсатилган тартибда бажарилиши лозим. Бошқарув пулти томонидаги ва пресс ускунасининг олдидаги пол диэлектрик гиламча билан тўшалган бўлиши лозим.

127. Қопланган ёғоч қиринди ярим маҳсулотларни қирқилиши, ҳимояловчи кўзойнак ва қўлқопда бажарилиши лозим.

128. Силлиқлов дастгоҳлари статик электр зарядлар ҳосил этилишини олдини олувчи мосламалар билан жиҳозланган бўлиши лозим.

129. Елим бирикмаларини тайёрловчи участкада ишловчилар махсус кийим, резинали этик ва қўлқоп билан таъминланиши лозим.

130. Сифимлар, ўлчагичлар ва реакторлар ичидаги мавжуд кимёвий ашёларни аниқ ёзув билан белгилаш лозим.

131. Иш жойига елимни етказиб бериш қувурлар орқали амалга оширилиши лозим. Сменада елимни харажат миқдори 150 кг дан кўп бўлмаса, иш жойига ёпиқ идишда етказиб берилиши мумкин.

132. Деталларни елим қопловчи елимлаш валецлари бўлиши лозим.

133. Елим валецларни ювиш учун иссиқ сув қўлланиши лозим. Ифлосланган сувни оқовага тўкиш тақиқланади. Валецларни узун дастакли шётка билан детал чиқаётган томонидан тозалаш керак.

6-§. Деталь ва маҳсулотларга ишлов бериш

134. Лак қуювчи машиналарни юқори, пастки ва ён сўргичларининг жиҳозлари, лак-бўёқ материалларини етказиб берувчи тизим билан боғланган бўлиши лозим.

135. Лак қуювчи машиналарининг ишчи аралашмали бочкаси зич ёпилган бўлиши лозим.

136. Лак қуювчи машиналарни ариқчаси, фильтри ва қопқоқларини эритувчи билан ювиш ишлари хавфсизлик техникаси йўриқномасига мувофиқ бажарилиши лозим.

137. Ҳар хил кимё бирикмали лак-бўёқ материалларни кетма-кет ишлаши тақиқланади.

138. Лак-бўёқ материаллари чиқиндиларидан кабинадаги гидрофилтрлар ваннаси ва сепараторлар меҳнат муҳофазаси йўриқномаси асосида вақти-вақти билан тозаланиши лозим.

139. Босим остида ишлайдиган бўяш асбоби манометрга эга бўлиши лозим.

140. Сепувчи-пистолетлар ерга уланиши лозим.

141. Пневматик лак-бўёқ материалларини сепувчи ва қуритиш камераларини ишга туширувчи ҳамма электр ускуналар кабинадан ташқарида жойлашган бўлиши лозим.

142. Кабиналарнинг ички деворларини, идишни очиш ва тозалаш, хоналарни тозалаш ишлари рангли металлдан тайёрланган, урилганда ва ишқаланганда учқун бермайдиган асбобларда бажарилиши лозим.

143. Маҳсулотларни электростатик усул билан бўяш, махсус маҳаллий ҳаво сўриш мосламаси билан жиҳозланган электробўяш камерасида бажарилиши лозим.

144. Электробўяш камерасига техника хавфсизлиги бўйича камида II тоифа гуруҳига эга бўлган оператор хизмат кўрсатиши лозим.

145. Юқори кучланиш берилаётганда электробўяш камерасининг кириш эшиги, оралиқ ва бошқариш пулти «Юқори кучланиш», «Ёқилган», «Кириш мумкин эмас» огоҳлантириш белгилари билан таъминланган бўлиши керак.

146. Электробўяш камерасининг блокировка мосламаси қуйидагиларни:

а) конвейер ишга тушгандан кейин 10 — 15 сонияда товуш сигнални бериши;

б) ўчирилган вентилятор ва ҳаракатланмаётган конвейер вақтида сепиш тизимини ишламаслигини;

в) маҳаллий ҳаво сўриш мосламаси ўчирилганда юқори кучланиш бера олмаслигини таъминлаши лозим.

147. Қўлда ботириш усули билан ишлов берилганда ишлаётганларни қўли лак-бўёқ материалларига тегиб кетмаслиги учун махсус мосламалар қўлланиши лозим.

148. Полдан ваннани юқори чегарасигача бўлган баландлик 800 мм дан кам бўлмаслиги лозим.

149. Деталларни ботириш усули билан ишлов берилганда, қуритишни сўрма вентиляция билан жиҳозланган қуритиш камераларида бажариш лозим.

150. Деталлар қуритилаётганда, уларни қуритиш асбобларига тегиб кетиш эҳтимоли бартараф этилиши ва уларга лак-бўёқ материаллари тегиб кетишидан ҳимояланган бўлиши лозим.

151. Қуритиш камерасининг вентиляция қурилмаси цех вентиляцияси билан боғланган бўлмаслиги лозим.

152. Лак-бўёқ материалларни ишчи аралашмасини тайёрлаш, ёпиқ сифимли механик аралаштирувчи қурилмада бажариш лозим.

153. Тайёрлов бўлимидаги стационар сифимларни атмосфера билан уланиши ҳаво-қувурлари орқали бино ташқарисига чиқарилиши лозим. Ишлаб чиқариш хоналарига зарарли моддалар чиқишига, бундан ташқари асбоблардан чиққан ҳар хил газли ва буғли қувурларни умумий битта ҳаво қувурига бирлаштириш рухсат этилмайди.

154. Лак-бўёқ материалларини ишчи аралашмаси тайёрлов хонасидан ускунагача ва иш жойигача марказлашган қувурлар орқали узатилиши лозим. Агарда сменада 200 кг дан кам бўлган бир турдаги лак-бўёқ материали қўлланилса, учқун чиқмайдиган, синмайдиган ёпиқ идишда етказилиши мумкин.

155. Марказлаштирилган узатиш бўлмаганида, лак-бўёқ материаллари-

ни эритувчи ва суюлтирувчи қолдиғи лак тайёрлаш бўлимига ёки омборга қайтарилиши ва ёпиқ идишга тўкилиши лозим.

156. Лак-бўёқ материаллари ишчи аралашмасини ускуна ва иш жойига етказиб берувчи қувурларининг алоҳида бўлимларида носозлик бўлганида ёпиш учун тиқин мосламаларига эга бўлиши лозим.

157. Лак-бўёқ материаллари ишчи аралашмасини етказиб берувчи қувурлар маиший, маъмурий, идоравий ва ёрдамчи хоналардан, бундан ташқари эшик ва ойна ўймалари орқали ўтмаслиги лозим.

158. Жўмаклар, венти́ллар, назорат-ўлчов асбоблари, кўриш ойналари ва бошқалар полдан 1,5 м дан ошмаган баландликда ва созлаш учун қулай бўлиши лозим. Венти́ль ва жўмаклар 1,5 м дан баландликда жойлашган бўлса, полдан туриб бошқариш қурилмаси билан таъминланган бўлиши лозим.

159. Ишлов бериш цехининг поллари сменада камида 2 марта нам усулда ёки чанг тозалагичлар билан тозаланиши лозим.

160. Лак-бўёқ материаллари ишчи бирикмаларини тайёрлашда, бундан ташқари қоплама сиртини бўяш, қуришиш ва сайқал бериш жараёнини бажаришда ишлаб чиқариш хонасида камида икки одам бўлиши лозим.

161. Ишлов берувчи материаллар компонентлари энгил ёнадиган суюқликлар ва ёнувчи суюқликлар омборида сақланиши лозим.

162. Ишлов берувчи материаллар компонентлари сифимларини ташиш механизациялашган бўлиши лозим. Сифимлар ташиш вақтида ерланиши лозим.

163. Материаллар солинган бочкаларни қўлда икки қаватдан ортиқ жойлаштиришга йўл қўйилмайди. Бочкаларни механизация ёрдамида жойлаштиришда уч қаватдан юқори бўлмаслиги лозим. Бочкаларни ташиш учун йўлакларнинг кенглиги 1,8 м дан, штабель ва токчалар орасидаги йўлаклар кенглиги эса 1 м дан кам бўлмаслиги лозим.

164. Полиэфир лаклар компонентларини (тезлаштирувчи асосли) ташиш ва сақлаш бошқа материаллардан алоҳида бўлиши лозим.

165. Ишлов бериладиган материаллар компоненти солинган идишга қуёш нурлари тушмаслиги лозим.

166. Омбор хоналари хизмат кўрсатувчи ходимга соғлом меҳнат шароитларини яратиш учун вентиляция қурилмаси билан жиҳозланган бўлиши лозим.

167. Ўчирувчи, электр узгич ва электрокутилар омбордан ташқарига чиқишда жойлашган бўлиши лозим.

168. Лак-бўёқ материаллари ва унинг компонентлари, эритувчи ва суюлтирувчи материаллардан бўшаган идиш (бочка, бидон идиш) материал қолдиқларидан тозаланиб, тиқин билан ёпилиши ва махсус майдонларда сақланиши лозим.

169. Лак-бўёқ юзалари қопламасини сайқал қилувчи силлиқлаш ва сайқаллаш дастгоҳларидан алоҳида, бир-бирига қўшилмаган аспирацион қурилма орқали чангни чиқариш лозим.

170. Статик электр ҳосил қилувчи ускуна ва мосламаларда, уни ҳосил бўлишини олдини олиш учун қурилма ва тадбирлар кўзда тутилиши лозим.

7-§. Мебелни юмшоқ жиҳозларини тайёрлаш

171. Мато ва бичимларни ташиш механизациялашган бўлиши лозим.

172. Бичиш столлари материаллар ўрамини кўтариш учун қурилмалар билан жиҳозланган бўлиши лозим.

173. Материални кесиш жойи маҳаллий ҳаво сўриш ускунаси ва чиқинди учун идишлар билан жиҳозланган бўлиши лозим.

174. Игна билан ишловчи ходимлар бармоқ ўлчамига тўғри келувчи ангишвона билан таъминланиши лозим.

175. Сим ўрамларини кўтариш ва ташиш механизациялашган бўлиши лозим. Сим ўрамини ечиш ва симни дастгоҳга узатиш ҳудуди тўсилган бўлиши лозим.

176. Симни кесганда ёки узганда ёпиқ ҳимоя кўзойнаклари ишлатилиши лозим. Пружина махсус идишга жойланиши лозим.

177. Конвейерда қолиплаш ишлари қўл пневмо ва электр асбоби ёрдамида бажарилиши лозим.

178. Михлар конвейерга берилишидан олдин галтовка барабанларида ишлов берилган бўлиши лозим.

179. Поролонни пайвандлаш ва елимлаш алоҳида хонада бажарилиши лозим. Поролонни ёпиштирувчи дастгоҳлар маҳаллий ҳаво сўриш ускунаси билан жиҳозланган бўлиши лозим.

8-§. Хавфли ва зарarli ишлаб чиқариш газларидан ҳимояланиш талаблари

180. Ишлов бериш ҳудуди ичидан чанг ва аэрозолларни сўриб, ишлаб чиқариш хоналарига қайта тозаланган ҳавони бериш мосламаси ҳавони тозаланишини санитар меъёрларига мувофиқ таъминлаши лозим.

181. Қиздирувчи ва қуритиш печларидан иссиқ газлар хоналарга чиқмаслиги лозим.

182. Қуритиш ускунаси тўла зич ёпилишига эришилмаса, уни тўлдириш ва бўшатиш участкаси иссиқ газларни чиқариш учун қурилмалар билан таъминланиши лозим.

IV. Ишлаб чиқариш ускунасига қўйилган талаблар

1-§. Ишлаб чиқариш ускуналарига қўйиладиган умумий талаблар

183. Барча қўзғалмас ускуналар, агрегат ва дастгоҳлар ишлаб чиқарган завод кўрсатмасига биноан мустаҳкам асосларга ва пойдеворларга ўрнатилиши лозим.

184. Барча айланувчи ва ҳаракатланувчи қисмлар (валларнинг чиқиб турган учлари, ҳаракат узатувчи тасмалар ва бошқалар) тўсилган бўлишлари керак.

185. Тўсиқлар мустаҳкам, енгил, ишончли равишда маҳкамланган бўлиши ва қисиб қолувчи тирқишлари, кесиб олувчи ва ўткир бурчаклари бўлмаслиги керак.

186. Оғирлиги 5 кг дан ортиқ бўлган тўсиқлар ушлаш учун қулай дастакларга эга бўлиши керак.

187. Ўзидан чангли ҳаво чиқарувчи ишлаб чиқариш ускуналари зичлаб беркитилиши ва чанг ҳавони сўриш мосламалари билан таъминланган бўлиши керак.

188. Янги ўрнатилган ёки капитал созлашдан чиққан ускуналарни хавфсизлик техникаси муҳандиси иштирокида далолатнома тузилгандан кейин ишлатишга рухсат берилиши лозим.

189. Машинани созлаш, тозалаш, мойлаш ва камчиликларини бартараф қилиш билан боғлиқ бўлган барча ишларни бажариш электр таъминотидан узиб қўйилган, бутунлай ҳаракатдан тўхтаган ва огоҳлантирувчи белги осиб қўйилган ҳолатда бажарилиши лозим. Машинани юргизиш белгини осиб қўйган шахс томонидан амалга оширилиши керак.

190. Тўсиқларнинг ва ҳимояловчи мосламаларнинг ҳамда асбобларнинг созлиги цех (бўлинма) раҳбарияти томонидан мунтазам текшириб турилиши керак.

191. Монтаж ва демонтаж вақтида қўлланадиган тагликлар ва кўтариш механизмлари иш бошлашдан аввал синаб кўрилиши керак.

192. Ишлаб чиқариш ускуналаридан фойдаланишда:

а) механизациялаш, автоматлаштириш ва масофадан бошқаришни қўллаш;

в) эргономик талабларни қўллаш;

г) фойдаланиш, таъмирлаш, йиғиш, транспортда ташиш ва сақлаш бўйича хавфсизлик талабларига амал қилиш лозим.

193. Ишлаб чиқариш ускунасини тозалаш ишлари махсус асбоблар ёрдамида (шётка, қирғич, илмоқ ва бошқалар) амалга оширилиши лозим. Ишлаб турган ускунада тозалаш ва йиғиштириш ишларини бажариш тақиқланади.

194. Ускуна ишлаб турган вақтда унинг ҳаракатланувчи қисмларини қўлда мойлаш тақиқланади.

2-§. Ишлаб чиқариш ускунасини жойлаштиришдаги хавфсизлик талаблари

195. Ишлаб чиқариш хоналарида ва иш жойларида ишлаб чиқариш ускуналарини жойлаштирилиши хизмат кўрсатувчи ходимлар учун хавф туғдирмайдиган бўлиши лозим.

196. Цехда ўтиш йўлаклари кенлиги қуйидагидан кам бўлмаслиги лозим:

а) магистрал ўтиш йўлаклари — 1,5 м;
б) ускуналар оралиғидаги ўтиш йўлакчалари — 1,2 м;
в) деворлар ва ускуналар оралиғидаги ўтиш йўлаклари — 1,0 м;
г) ускунага хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш учун мўлжалланган ўтиш йўлаклари — 0,7 м.

197. Ишлаб чиқариш бинолари, галерея, тунеллар ва эстакадаларда конвейерлар тузилмаси ва жойлаштирилиши ГОСТ 12.2.022-80 «Конвейерлар. Хавфсизлик умумий талаблари»га мувофиқ бўлиши лозим.

198. Ўтиш йўлларининг бир томонида жойлашган иш жойларидаги ўтиш йўлакчаларининг кенглиги 0,75 м дан ва ўтиш йўлининг икки томонида жойлашган иш жойларидаги ўтиш йўлларининг кенглиги эса 1,5 м дан кам бўлмаслиги лозим.

199. Конвейерларга хизмат кўрсатиш учун ўтиш йўлаклари кенглиги қуйидагилардан кам бўлмаслиги лозим:

а) бир томондан хизмат кўрсатиладиган конвейер учун — 0,7 м;
б) параллел жойлашган конвейерлар оралиғида — 1,0 м;
в) қаттиқ ёки тўрсимон тўсиқлар билан бутун трасса бўйича ёпилган параллел жойлаштирилган конвейерлар оралиғи — 0,7 м;
г) конвейерлар оралиғида жойлашган ўтиш йўлакларидаги устунлар бўлганда устун ва конвейер оралиғи — 0,6 м;

д) икки томондан хизмат кўрсатиладиган параллел жойлаштирилган пластинасимон конвейер оралиғи — 1,2 м;

е) юк юкловчи ёки туширувчи қурилмалар устидан ўтувчи конвейер трасса участкалари икки томонида — 1 м;

200. Конвейер бўйлаб ўтиш йўлагини баландлиги қуйидагидан кам бўлмаслиги лозим:

а) ишлаб чиқариш хоналарида — 2,2 м;
б) галерея, тунел ва эстакадаларда — 1,8 м.

201. Ишлаганда чанг чиқарувчи (майдалаш, элаш, транспорт ва бошқа) ускуна зич ёпилган бўлиши лозим. Чанг чиқарувчи ускунани зич ёпиш учун мўлжалланган қопламалар аспирация тизимига уланган бўлиши лозим.

202. Газ-чанг ушловчи қурилмалардан фойдаланишда амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя этиш лозим.

203. Босим остида ишловчи қурилма, мослама ҳамда уларни таъмирлаш ва фойдаланиш амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

204. Ишчи босими 0,07 МПа (0,7 kgс/см²)дан юқори бўлган буғ қозонлари, буғ иситгичлари, экономайзерлари ва сув ҳарорати 115⁰ С дан юқори бўлган сув иситиш қозонларининг тузилиши, жойлаштирилиши ва улардан фойдаланиш, амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

205. Қуввати 14kW ва юқори бўлган стационар ва поршенли компрессорлар, шунингдек 0,2 дан 40 МПа гача босимли ҳаво ва инерт газларда ишловчи, ҳаво узатиш ва газ узатишларни жойлаштириш ва фойдаланиш

амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

3-§. Ёғочни қайта ишлаб чиқариш ускунаси

206. Ёғочга қайта ишлов берувчи асбобни кесувчи қисмининг (арра пичоқ, фреза ва бошқа) худудида блокировка қилинган қўзғалмас тўсиқ бўлиши лозим.

207. Диск ва лента аррада битта тиши синган бўлса ҳам фойдаланиш тақиқланади. Рама арраларини кетма-кет иккита тиши синган бўлса фойдаланишга рухсат этилмайди.

208. Ёғоч арраловчи рамага 70 мм дан кичик кенгликдаги арра қўйилишига рухсат этилмайди. Диск арраларининг ва арра полотносининг ён томондаги юзаси текис ва ёриқсиз бўлиши лозим.

209. Кўп шпинделли пармалаш дастгоҳларида парманинг тўсиқларидан асбобнинг ишчи қисми кўринадиган бўлиши лозим.

210. Узатиш механизмларини юборувчи қисмлари (валецлар, занжирлар, итарувчи тирговичлар, гусеницалар, ушлаб олувчилар, сиқувчилар) ишончли ушлаб қолиш ва сиқишни таъминлаши керак.

211. Фрезер, фуговал, лентали арра, думалоқ арра, мураккаб ва бошқа ёғочга қайта ишлов берувчи дастгоҳлари механик узаткичга эга бўлмаса, авто узатувчи билан жиҳозланган бўлиши лозим.

212. Деталлар қирқими 40 x 40 мм дан кам бўлганда махсус мосламасиз фрезерлаш тақиқланади.

213. Ҳамма узатиш механизмлари ҳимоя мосламалари билан таъминланган бўлиши лозим.

214. Дастгоҳни ҳаракатланувчи қисмлари (каретка, аравача, салазка, рамка, столни суппорти) белгиланган чегарадан чиқиб кетмаслиги учун унда тирговучлари ёки ҳаракатини чегараловчи ўчиргичлари бўлиши лозим.

215. Дастгоҳ ва андозаларда деталларга ишлов берилганида, улар ишончли қисиш ва ушлагичлар билан таъминланган бўлиши лозим.

216. Механик узатиши бор фрезер дастгоҳлар, шу жумладан карусель-фрезер ва нухаловчи фрезер андозаларни столга қотириш учун мосламалар билан жиҳозланган бўлиши, андозалар ўз навбатида ишлов берилаётган деталларни ишончли маҳкамланишини таъминлаши лозим.

217. Столлар, йўналтирувчи линейкалар ва андозаларнинг иш юзалари ўйилган, ёрилган ва бошқа нуқсонларсиз бўлиши лозим.

218. Дастгоҳ бир нечта кесувчи асбобларга эга бўлса, шулардан фақат битта асбоб ишлашини таъминлаш учун мослама қўлланиши лозим.

219. Ишчи валларини ва шпинделларини қотирадиган гайканинг йўналиши, кесувчи асбобнинг айланишига тескари бўлиши лозим.

220. Ёғочга ишлов берувчи ускунанинг электроргизгичлари ва электроаппаратлари, ускуна қайси цехда ишлатилишига боғлиқ равишда портлашдан ҳимояланган ёки ёпиқ ишланган бўлиши лозим.

4-§. Пулверизация кабиналари

221. Пулверизация кабиналари гидрофилътрлар (лак-бўёқ ашёлари, чангланган заррачаларини тутишни таъминловчи сув тўсиқлари) ва лак-бўёқ ашёларини сувдан ажратувчи сепараторлар билан таъминланган бўлиши лозим.

222. Кабиналарни ички ўлчамлари, ишлов берилаётган махсулотни кабина деворларига тегмасдан, айлантириш имкониятини берадиган бўлиши лозим.

223. Кабина майда сепувчи пистолетларни осиб қўйиш учун мосламалар билан таъминланган бўлиши, шунингдек майда сепувчи пистолетлар ерга уланган бўлиши лозим.

224. Ҳаво ва лак-бўёқ шлангаларининг уланган жойлари, ишчи босимдан чиқиб кетмаслиги учун хомутлар билан маҳкамланган бўлиши лозим.

225. Босим остида ишловчи бўяш ускунаси маном билан таъминланган бўлиши лозим.

226. Майда сепувчи қўл пистолети билан ишлаётган ишчининг иш жойи кабина ташқарисидаги очиқ ўймали ҳаво сўриш туйнуклари қаршисида бўлиши лозим.

227. Лаклаш ишларини бажариш кабиналари, лак қилинаётган буюмни кўчириш учун махсус қурилмалар (ёпиқ хилли-аравалар, айланма столлар, ўтиб кетувчи хилдаги транспортёрлар) билан жиҳозланган бўлиши лозим.

228. Ҳамма ишга туширувчи электр қурилмалар (ўчирувчи тугма) пулверизация кабинасидан ташқарида ўрнатилиши лозим.

229. Пулверизация кабинасидан ифлосланган ҳавони чиқарилиб юборилиши, статик электр йиғилишини олдини олувчи тозалаш услуги ёрдамида бажарилиши лозим.

230. Битта кабинада нитроцеллюлоза ва полиэфир лаклари билан лаклаш ишларини олиб бориш тақиқланади.

231. Пулверизация кабиналарининг ва ускунанинг ички юзалари шундай бажарилган бўлиши керакки, лак-бўёқ ашёларидан уларни осонлик билан тозалашга имконият бўлиши лозим.

5-§. Қуритиш камералари

232. Қуритиш камералари тўсиғининг конструкцияси (девор, эшиклар) ишлаб чиқариш хоналаридан зарарли моддаларни (токсик, портлашга хавфли) ажралиб чиқишини олдини олиши лозим.

233. Иситиш камералари ичида жойлашган иситиш асбоблари, қуритилаётган буюмлар юзаси устидан томаётган лак-бўёқ ашёлари томчилари тушишидан ҳимояланган бўлиши лозим.

234. Иситиш асбобларини жойлашиши шундай бўлиши керакки, қуритилаётган буюмларга тегиб кетиши бартараф этилган бўлиши лозим.

235. Қуритиш камераларида электр иситувчи иситиш асбоблар ишлатилганда ҳарорати 250 — 350° С ва ундан юқори бўлганда, қуритиш жараёнларини бошқарилиши автоматик тарзда амалга оширилиб, хавфли портлаш газ миқдорлари ҳосил бўлиши эҳтимолини истисно қилиши лозим.

236. Терморрадиация камераларидаги маҳсулотларни иссиқлик ҳароратини текширилиши масофадан амалга оширилиши лозим.

237. Буюмларни қуритиш камерасидан чиқаётган ҳарорат 35° С дан баланд бўлмаслиги лозим.

238. Ҳамма қуритиш камералари учун цех вентиляция тизими билан боғланмаган, алоҳида вентиляция тизими бўлиши керак.

239. Вентиляция қурилмасининг ишлаши, қуритиш камералари ичидаги босимни қуритиш қурилмалари ўрнатилган ишлаб чиқариш хоналаридаги босимдан паст бўлишини таъминланиши лозим.

240. Қуритиш камераларнинг вентиляция қурилмаларининг ҳаво қувурларида, ёнғинни тарқалишини олдини олиш учун ўтқиқ тўсувчи мосламалар (ҳаво занжирлари, тўсиқлар, мембраналар) ўрнатилган бўлиши лозим.

6-§. Елимловчи валецлар

241. Елимловчи валецларни айланиш тезлиги шундай бўлиши керакки, елим сачрамаслиги лозим.

242. Валецларга материални узатиш томонидан шундай қурилма кўзда тутилиши керакки, валецлар ичига ишчининг қўли кириб кетмаслиги лозим.

243. Тепадаги ва пастдаги тоғора конструкцияси, уни осонлик билан ювилиши ва тозаланишини таъминлаши лозим.

244. Валецлар тозаланаётган вақтда қўл билан шамоллатиш имконини берувчи қурилма билан жиҳозланган бўлиши лозим.

7-§. Фанерлаш учун гидравлик пресслар

245. Гидравлик пресс насоси рухсат этилган босимга созланган ва сақлагич клапани билан таъминланган бўлиши лозим.

246. Гидравлик пресслар автоматик ҳаракатланувчи пардалари (тўсиқлар), ҳаво сўриш тизими ва пресс плиталари билан блокировка қилиниб, пресслаш (плиталар сиқилганда) пайтида ҳосил бўлаётган газлар сўриб олинаётганда, ишчини қўли кириб кетиши олди олинган бўлиши лозим.

247. Бошқариш қутисига гидравлик босимни, плитанинг ҳароратини, ҳар хил қалинликдаги фанерларни ушлаб туриш вақтини кўрсатувчи назорат асбоблари ўрнатилиши лозим.

248. Буғ тақсимловчи колонкалар, эгилувчан ва қаттиқ трубкалар бутун кенлиги ва баландлиги бўйича яхлит тўсиқлар билан тўсилган бўлиши лозим.

8-§. Ускуна ишчи қисмлари, ёрдамчи ва узатиш механизмлари

249. Ускуна ишчи қисмлари, ёрдамчи ва узатиш механизмлари машинада шундай жойлаштирилган бўлиши керакки, ускунада ишлашда, уни таъмирлашда, созлашда ва тозалашдаги қулайлик ва меҳнат шароити хавфсизлиги таъминланиши лозим.

250. Материал ва хом ашёни узатиш, ярим тайёр маҳсулотларни куйиш, тайёр маҳсулотни ечиш, чиқиндиларни олиш механизациялашган ёки энг кам қўл меҳнати сарфланадиган ва хавфсиз меҳнат шароити яратилган бўлиши лозим.

251. Қувурларга ҳавони узатиш учун шланглар, электр кабеллар, вентиляция қурилмалари машинага хизмат кўрсатишда халақит бермаслиги лозим.

252. Буюртмачи талабига биноан махсус ускуна, оғир ярим маҳсулотларни (16 кг дан ортиқ), асбобларни ва мосламаларни ускунага ўрнатиш учун яқка тартибдаги кўтариш қурилмасига эга бўлиши лозим. Кўтариш қурилмаси юкни ҳар қандай ҳолатда электр энергия, суюқлик ёки ҳаво берилиши тўхтатилганда ҳам ушлаб туришини таъминлаши лозим.

253. Гидравлик, пневматик ва электрлашган ушлаб турувчи мосламалар, ишлов берилаётган детални отилиб кетишини олдини олиш учун, ҳаво, суюқлик, электр токи берилиши бирданига пасайганда ёки тўхтатилганида, дастгоҳ ишини автоматик тарзда тўхтатувчи блокировка қурилмаси билан жиҳозланган бўлиши лозим.

254. Ушлаб қолиш мосламалари усқунани ишга тушириш кнопкалари (тугмалари) билан шундай блокировка қилинган бўлиши керакки, деталь маҳкамланмаган бўлса, дастгоҳни ёқишга имконият бўлмаслиги лозим.

255. Пневматик, гидравлик ва электрлашган ушлаб турувчи мосламаларни бошқариш органлари шундай жойлашган ва ўрнатилган бўлиши керакки, уларни бехосдан ёқилиб ёки ўчирилиб кетиши бартараф этилган бўлиши лозим.

256. Бошқарув органлари қўлланиши аниқ ва тушунарли ёзув ёки белгига эга бўлиши лозим.

257. Деталларни ўрнатилиши, қотирилиши ва ечилиши қўлда бажарилганда мосламалар конструкцияси, кўрсатилаётган амалиёт тўлиқ хавфсиз бажарилишини таъминлаб, дастгоҳдан қириндини бемалол чиқиб кетиши ва қулай тозаланишини таъминлаши лозим.

258. Механизм ва ишчи органларининг тўсиқлари очилувчи, сурилувчи ёки ечилувчи бўлиши лозим. Асбоб-усқунанинг ҳаракатланаётган қисмлари яхлит материалдан ёки панжара шаклида ёки ишчини хавфли ҳудудга кириб қолишини олдини олувчи, тўрсимон ўлчамли тўсиқ шаклида бажарилган бўлиши лозим.

259. Механизмларни ишқаланаётган қисмларини мойлаш учун асбоб-усқунани хавфсизлик талаблари ва хизмат кўрсатишни қулайлигини ҳисоб-

га олувчи услубият бўлиши лозим. Мойни охирги нуқтасига (мойланаётган жойларга) етиб боришини текшириш имконияти назарда тутилиши лозим.

260. Машинадаги мойлагичларни маҳкамланиши ишончли бўлиб, ўрнатилган жойида унга бемалол хизмат кўрсата олиш имконияти бўлиши лозим.

9-§. Электр асбоб-ускуналарга қўйиладиган талаблар

261. Ҳамма электр асбоб-ускуналардан фойдаланиш Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан фойдаланишда хавфсизлик техникаси қоидаларига (рўйхат рақами 1400, 2004 йил 20 август) мувофиқ амалга оширилиши лозим.

262. Электр аппаратлар ва ток узатувчи қисмлар дастгоҳнинг корпуси ёки ҳар томондан ёпиқ махсус жавон қоплама ва шунга ўхшаш жойларда изоляция қилинган ва беркитилган бўлиши лозим. Дастгоҳлар жавон эшикчалари ўчирувчи мослама билан шундай блокировка қилинган бўлиши лозимки, ёқилган ҳолатида эшикча (қоплама)ни очиш имконияти бўлмаслиги лозим, очик эшикча (қоплама)да ўчирувчи мосламани ёқиш иложи бўлмаслиги лозим.

263. Блокировка қурилмалари малакали электротехник ходимларга кучланиш остидаги аппаратурани кўздан кечиришга имконият бериб, эшикчалар ёпилганидан кейин қурилмалар яна ўз холига келишини таъминлаши лозим.

264. Электр аппаратлар ва электр симлар керосин, мой, совитувчи суюқликлар, қиринди, чанг ва механик нуқсон етказишдан сақланган бўлиши лозим.

265. 36V юқори кучланишда ишлайдиган жавон ва бошқарув пултлари ташқарисида қўйиладиган электр усқунанинг конструкцияси ва жойлашуви унинг ток узатувчи қисмларига беҳосдан тегиб кетиш эҳтимолидан холи бўлиши, бундан ташқари бу қисмларга қиринди ёки бошқа жисмларни тегишида ўз-ўзидан ишлаб кетиш эҳтимоли истисно бўлиши лозим.

10-§. Иш жойларига хавфсизлик талаблари

266. Иш жойлари кўтариш механизмлари ёрдамида ташилаётган юкларни кўчириш ҳудудидан ташқарида бўлиши, мослама ва асбобларни сақлаш учун жавонлар ёки шкафлар билан жиҳозланиши лозим.

267. Бир турдаги майда буюмлар, ярим тайёр маҳсулот ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини цехда тахлаш ва транспортда ташиш идишларда бажарилиши лозим.

268. Ускуна, дастгоҳ ва механизмларда бегона нарсалар бўлмаслиги лозим.

269. Буюмни тозалаш махсус ажратилган аспирацион тизим билан жиҳозланган жойларда бажарилиши лозим.

270. Пулт ёки бошқарув қутиси олдидаги доимий иш жойида созланувчи (бурилиш ҳисобига, горизонтал ва вертикал йўналиш бўйича созланувчи) ўриндиқ бўлиши ва у амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

271. Камера ёки қудуқдаги ишлар юқори хавfli ишларга тенглаштирилади ва уларга наряд-рухсатнома берилиши лозим. Бунда қуйидаги эҳтиёткорлик чораларига:

а) иш икки ишловчидан кам бўлмаган ҳолда бажарилиши, бунда бири тепада туриб қудуққа ёки камерага тушган ишчи иш хавфсизлигини кузатиб бориши;

б) ишчи қудуққа ёки камерага тушишидан олдин, унда газлар мавжудлиги текширилиши;

в) газ тўла чиқмасдан ишчини қудуқ ёки камерага тушишининг тақиқланиши;

г) ишчини қудуққа ёки камерага тушиши фақат химояловчи камар, хавфсизликни таъминловчи узунлиги қудуқ чуқурлигидан 2 м дан узунроқ бўлган арқон ва қудуқдан 2 м ёнига чиқувчи изоляцияланган шлангли газ ниқоби бўлиши лозим.

11-§. Зарарли омиллар таъсир даражасини амалдаги белгиланган меъёрлар миқдоригача камайишини таъминлаш

272. Ишловчиларга зарарли таъсирдаги шовқин ва тебранишни таъсирини бартараф этиш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш керак:

шовқин ва тебранишни ҳосил қилувчи ускунани алмаштириш имконини берувчи технологик жараёнга ўзгартириш ёки шовқин ва тебраниш ютувчи тузилмаларни қўллаш;

стационар ўрнатилган машиналар ва механизмлар остидаги фундаментга тебраниш тутувчи оралиқ қистирмаларни жойлаштириш;

агрегатлар учун шовқин тутувчи ёки уни алоҳида қисмларини қўллаш, тебранаётган сиртни тебраниш тутувчи юқори ички ишқаланиш материаллари (битум шимдирилган рубероид, махсус пластмасса ва мастикалар) билан қоплаш;

темир қисмларни пластмасса деталларига ўзгартириш, хизмат кўрсатувчи ходимлар учун шовқин тутувчи кабиналарни жиҳозлаш;

агрегатларни чиқариш ва сўриш тешигига шовқин пасайтиргичларни ўрнатиш, юк кўтарувчи конструкциялар (балка, ферма)га турли шовқин ютувчи материаллар билан ишлов бериш;

хоналар девори ички сиртини шовқин ютувчи материаллар билан қоплаш;

кўл пневматик асбобида ишлашда химоя кўлқопларини қўллаш.

машиналарда шовкин манбаини пасайтирувчи техник воситалар;
иш жойларида товуш босими даражаси меъёрлардан ошмайдиган технологик жараёнларини қўллаш;
шовкинли машиналарни масофадан бошқариш;
якка тартибда ҳимояланиш воситаларини қўллаш;
ташкилий тадбирларни (иш ва дам олиш рационал режимини танлаш, шовкин шароитида таъсир вақтини қисқартириш ва бошқа тадбирлар) амалга ошириш.

273. Товуш даражаси 85 дБА дан юқори ҳудудларга, кўрсатувчи хавфсизлик белгилари ўрнатилган бўлиши лозим. Ушбу ҳудудларда якка тартибда ҳимояланиш воситаларисиз ишлаш тақиқланади.

274. Ишловчи қўлида тебраниш ҳосил қилувчи асбоб, механизм ва ускуналар норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

V. Таъмирлаш ишларини бажаришда меҳнат хавфсизлиги талаблари

1-§. Таъмирлаш ишларини ташкил этишда хавфсизлик талаблари

275. Ташкилот ҳудудида ишлаб чиқаришни (цех) ёки цехда қурилма, агрегат, айрим асбоб-ускуналарни таъмирлашга тўхтатиш учун ташкилот (цех) бўйича буйруқ (фармойиш) чиқарилиши лозим. Буйруқда пудратчилардан бевосита иш раҳбари, шунингдек кўрсатилган ишларга ускуналар ва объектни тўлиқ тайёрлаш, ишларни хавфсиз амалга ошириш ва пудратчилар ёки буюртмачининг таъмирлаш хизмати билан тезкор алоқалар учун жавобгар шахслар ҳамда тегишли чора-тадбирлар белгиланади.

276. Барча ускуналарда ташкилот бош муҳандиси тасдиқлаган жадвал бўйича белгиланган муддатларда режали таъмирлаш ишлари ўтказилади.

277. Таъмирлаш ишларида банд бўлган пудратчининг барча ходимлари таъмирлаш ишлари бошланишидан олдин, ушбу цехда ишларни хавфсиз олиб бориш учун ходимлар хавфсизлик техникаси бўйича кириш йўриқномадан ўтказилиши лозим. Йўриқномадан ўтказиш ишлари буюртмачи томонидан амалга оширилади.

278. Режалаштирилган ишларни бажаришдан олдин меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномадан ўтказиш ишлари пудратчи ташкилот томонидан ўтказилиши лозим.

279. Пудратчи ишлаётган ҳудудда буюртмачи томонидан зарарли ва ёниш хавфи бўлган моддаларни пайдо бўлишига йўл қўймайдиган меъёрий санитария-гигиеник шароитлар яратилиши керак.

280. Асбоб-ускуна ва коммуникацияларда таъмирлаш ишларини амалга оширишдан олдин, қуйидагилар бажарилиши лозим:

- а) электр энергия таъминотидан ўчириш;
- б) асбоб-ускуна ва коммуникацияларни технологик муҳит қолдиқлари-

дан, асбоб-ускунани зарарли, захарли ва ёнувчи газ махсулотларидан бўшатиш;

в) таъмирланадиган асбоб-ускуна, коммуникация, қудуқ ва ўралардаги инерт, ёнувчи, захарли газлар ва кислород миқдорини тегишли таҳлилларини ўтказиш йўли билан текшириш.

281. Баландликдаги ишларда фақат таянч ёки резинали қопламалар билан таъминланган соз нарвонлардан фойдаланиш лозим.

282. Ташкилот ҳудудида қазилган ишларини бажаришда буюртмачи пудратчига наряд-рухсатнома билан бирга тегишли цех ва хизматлар билан келишилган рухсатномани ёзма тарзда топшириши керак.

283. Пудратчининг эҳтиёжлари учун электр энергияни улаш, шунингдек иш тугаганидан кейин узиш, цех бошлигининг рухсати бўйича буюртмачининг бош энергетик хизмати томонидан бажарилади.

284. Таъмирлаш ишлари тугалланганидан сўнг асбоб-ускуна ва коммуникацияларни қабул қилиш далолатномаси икки томонлама имзоланиб, ушбу асбоб-ускуна ва коммуникацияларни ишга тушириш ҳақида фармойиш чиққандан сўнг, фойдаланишга қабул қилиниши лозим.

2-§. Ускуна ва мосламани таъмирлашга топшириш ва уни фойдаланишга қабул қилиш тартиби

285. Бажариладиган иш хусусиятига мувофиқ соз асбоб ва мосламалар жамламаси билан таъминланиши лозим.

286. Асбоб ва мосламалар ҳолати бир ойда бир мартадан кам бўлмаган даврда текширилиши лозим.

287. Техник хизмат кўрсатиш, даврий ва капитал таъмир бўйича ишларни бажариш тартибида, ишлаб чиқарувчи — завод тасдиқлаган таъмирлаш ва фойдаланиш ҳужжатида белгиланган зарур иш ҳажмини кўрсатиш лозим.

288. Технологик ускуна таъмирлангандан сўнг синовдан ўтказилиши ва ишлатиб кўрилиши зарур.

289. Ишлатиб кўриш учун механизмларни ёқишдан олдин, уларни тармоқлари тўғри йиғилганлигига, бегона жисмлар йўқлигига, ҳаво узатиш пневматик тизими тўғри уланганлиги ва мустаҳкам қотирилганлигига ишонч ҳосил қилиш лозим.

290. Агрегатни ҳаракатлантирувчи электродвигателларни ёқишдан олдин, йирик аралов ва фуговал дастгоҳ вентиляторлари патрубкларини кўздан кечириш лозим.

291. Синов ва ишлатиб кўриш даврида таъмирланган тармоқ ва агрегатларни барча йиғиш дефекти, электродвигатель ва тармоқ подшипникларини қизиш даражаси, мой оқиши бартараф қилиниши керак.

292. Ускуна йиғилгандан ёки таъмирлангандан сўнг фойдаланиш учун ёқишдан олдин қуйидагиларни бажариш зарур:

а) одамларни хавфсиз жойга ўтказиш;

б) машина ташқариси ва ичидан бегона буюмларни олиб ташлаш;

- в) ҳимоя тўсиқлари мавжудлиги ва мустаҳкамлигини текшириш;
 г) ҳаракатланувчи қисмларни мойлаш ва сошлаш;
 д) ҳимоя сақловчи ва назорат ўлчов асбобларини созлигини текшириш;
 е) ускуна йиғилишини тўғрилигини текширишда, ўзаро боғлиқ ҳаракатланувчи механизмларни тўлиқ циклида уни ҳаракатланувчи қисмини айлантириш;
 з) ускунани бўш ҳаракатда ва иш юклови остида синаш.
293. Ускунани таъмирдан сўнг фойдаланишга яроқлилиги, қабул қилувчи комиссия томонидан далолатнома билан расмийлаштирилиши лозим.

VI. Меҳнат муҳофазаси бўйича қоидаларни бузганлиги учун жавобгарлик

294. Ташкилотларни (цехларни) лойиҳалаштиришда, қуришда (монтаж қилишда) мазкур Қоидаларга амал қилиш учун жавобгарлик тегишли ишларни бажарувчи ташкилотлар зиммасига юклатилади.
295. Мансабдор шахслар меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилмаганликлари учун қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

VII. Яқуний қоида

296. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, «Файз» холдинг компанияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси ва «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси билан келишилган.

*Ўзбекистон қасаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши раиси*

Д. ЖАҲОНГИРОВА

2009 йил 18 сентябрь

*«Файз» холдинг компанияси
Бошқарув раиси*

М. АЗИМОВА

2009 йил 18 сентябрь

*Давлат архитектура ва
қурилиш қўмитаси раиси*

Б. ХОДЖАЕВ

2009 йил 18 сентябрь

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ИКРАМОВ

2009 йил 18 сентябрь

Ички ишлар вазири

Б. МАТЛЮБОВ

2009 йил 18 сентябрь

«Саноатконтехназорат»

Давлат инспекцияси бошлиғи

И. ХОЛМАТОВ

2009 йил 18 сентябрь

«Ўздавэнергоназорат»

инспекцияси бошлиғи

А. НИМАТУЛЛАЕВ

2009 йил 18 сентябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

510 Деворбоп материаллар, оҳак, гипс ишлаб чиқариш
ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоида-
ларини тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
16 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2043*

(2009 йил 26 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июл-
даги 267-сон қарори билан тасдиқланган «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир
қоида ва нормаларни қайта кўриб чиқиш, ишлаб чиқиш ва жорий этиш
Дастури» (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами,
2000 й., 7-сон, 39-модда) ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Деворбоп материаллар, оҳак, гипс ишлаб чиқариш ходимлари учун
меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида дав-

лат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Вазир в.б.

А. ХАИТОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 9 октябрь,
62-Б-сон

Ўзбекистон Республикаси
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза
қилиш вазирининг 2009 йил 9 октябрдаги
62-Б-сонли буйруғига
ИЛОВА

**Деворбоп материаллар, оҳак, гипс ишлаб чиқариш
ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш
ҚОИДАЛАРИ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидалар деворбоп материаллар, оҳак ва гипс ишлаб чиқариш ташкилотларига (бундан кейинги ўринларда ташкилотлар деб юритилди) тааллуқлидир.

2. Мазкур Қоидалар деворбоп материаллар, оҳак ва гипс ишлаб чиқариш ташкилотлари биноларини ва иншоотларини лойиҳалаш, қуриш ва қайта қуришда, цехларни техник жиҳозлаш ва қайта жиҳозлашда, технологик жараёнлар ҳамда ускуналардан фойдаланишда ҳисобга олиниши лозим.

3. Мазкур Қоидалар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талаблари бажарилиши шарт эканлигини истисно этмайди.

4. Ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назорати бунга махсус ваколат берилган давлат идоралари томонидан, жамоатчилик назорати эса меҳнат жамоалари ва касаба уюшмаси ташкилотлари томонидан сайланадиган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар томонидан амалга оширилади.

II. Хавфсизликка қўйиладиган умумий талаблар

1-§. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш

5. Ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги ишларни ташкил қилиш Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил қилиш тўғрисидаги намунавий низомга (рўйхат рақами 273, 1996 йил 14 август) мувофиқ амалга оширилиши лозим.

6. Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил қилиш тўғрисидаги

намунавий низомга мувофиқ ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ички назоратнинг асосий турлари қуйидагилар ҳисобланади:

ишларга раҳбарлик қилувчи ва бошқа мансабдор шахсларнинг тезкор назорати;

маъмурий-жамоатчилик назорати (уч босқичли назорат);

бош мутахассислар хизмати томонидан амалга ошириладиган назорат.

Қуйидагилар назорат қилиниши лозим:

иш жойларининг аҳволи;

меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши;

меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш вазифаларини амалга оширишга доир ишларни бажариш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ўз вақтида, тўғри ўрганиб чиқилиши;

меҳнатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларининг бажарилиши;

меҳнатни муҳофаза қилишга ажратилган маблағларнинг тўғри сарфланиши.

7. Ташкилотларда қуйидаги асосий ҳужжатлар ишлаб чиқилади (тасдиқланади) ва юритилади:

меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини яхшилаш, санитария-соғломлаштириш чора-тадбирларини ўз ичига олган жамоавий шартнома;

тасдиқланган меҳнат шароитларини баҳолаш ва иш ўринларини аттестация қилиш услубига мувофиқ иш ўринларини аттестация қилиш карталари;

меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг чораклик иш режалари;

ишчилар ва муҳандис-техник ходимларни ўқитиш, йўл-йўриқ бериш ва билимларини синовдан ўтказиш дастурлари;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича маъмурий-жамоатчилик назоратини юритиш журнали (уч босқичли назорат);

ишчи ва хизматчилар билан ёнғинга қарши йўл-йўриқ бериш ва ёнғин-техникавий минимум машғулотларини ўтказиш дастури;

ҳар бир касб ва иш турлари бўйича меҳнатни муҳофаза қилиш йўриқ-номалари.

8. Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 5-сон, 223-модда) 14-моддасига мувофиқ ходимлар сони 50 нафар ва ундан ошадиган ташкилотларда махсус тайёргарликка эга шахслар орасида меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари тузилади (лавозим жорий этилади), 50 ва ундан ортиқ транспорт воситаларига эга бўлган ташкилотларда эса бундан ташқари йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари тузилади (лавозимлар жорий этилади). Ходимлар сони ва транспорт воситалари миқдори камроқ ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг вазифаларини бажариш раҳбарлардан бирининг зиммасига юклатилади.

9. Ташкилотларда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни текшириш ва ҳисобини

юритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сонли қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

10. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати мутахассислари лавозим йўриқномасига биноан уларнинг мажбуриятлари жумласига киритилмаган бошқа ишларни бажаришга жалб қилиниши мумкин эмас.

2-§. Ходимларга йўл-йўриқ бериш, ўқитиш ва уларнинг билимларини синаш ишларини ташкил этиш

11. Ташкилотларнинг барча ходимлари, шу жумладан раҳбарлари ўз касблари ва иш турлари бўйича белгиланган тартибда ўқишлари, йўл-йўриқлар олишлари, билимларини текширувдан ўтказишлари ҳамда қайта аттестациядан ўтишлари лозим.

12. Бевосита ишлаб чиқаришда ишларни ташкиллаштириш ва бажариш билан боғлиқ ишчилар, раҳбарлар, муҳандис-техник ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича билимларини синовдан ўтказиш Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқишларни ташкил қилиш ва билимларни синаш тўғрисидаги намунавий низомга (рўйхат рақами 272, 1996 йил 14 август) мувофиқ амалга оширилиши лозим.

13. Ташкилот маъмурияти барча ишга кираётганлар, шунингдек бошқа ишга ўтказилаётганлар учун ишларни бажаришнинг хавфсиз усулларини ташкил этишлари, меҳнатни муҳофаза қилиш ва бахтсиз ҳодисаларда жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича йўл-йўриқлар беришлари шарт.

14. Ишларни технологик регламент бўйича хавфсиз юритиш йўриқномалари Меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 870, 2000 йил 7 январь) мувофиқ ишлаб чиқилади ва ишловчилар ҳамда иш жойларини шу йўриқномалар билан таъминлаш ташкилот раҳбарияти зиммасига юклатилади.

3-§. Хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларининг рўйхати

15. Деворбоп материаллар, оҳак ва гипс ишлаб чиқариш учун қуйидаги асосий хавфли ва зарарли омиллар хосдир:

а) иш жойи ҳудуди ҳавосининг чангланиши (силикат таркибли чанг) ва газланиши (углерод оксиди, азот оксиди ва бошқалар);

б) шовқин, тебраниш, иссиқлик нурланиши ва ноқулай микроиқлим (юқори ҳарорат, нисбий намлик, ҳавонинг ҳаракатланиш тезлиги).

16. Иш ҳудудига ёки атроф муҳитга зарарли моддаларни буғ, газ, чанг кўринишида ажратиши мумкин бўлган технологиялардан фойдаланишда уларнинг кимёвий ва микробиологик таркиби ва ГОСТ 12.1.005-88 «Иш ҳуду-

дининг ҳавоси. Умумий санитария-гигиеник талаблар» бўйича рухсат этилган энг кўп миқдори кўрсатилган тўлиқ рўйхати тузилиши лозим.

17. Ишлаб чиқариш хоналарида иш жойи ҳудуди ҳавосининг ҳарорати, ҳавонинг ҳаракатланиш тезлиги, нисбий намлиги бажарилаётган ишнинг оғирлик даражасига кўра тоифаси ва йил мавсумини ҳисобга олган ҳолда, рухсат этилган амалдаги меъёрларга мувофиқ бўлиши керак. Ходимлар хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари, уларнинг тавсифи, юзага келиш манбалари, ишчиларга таъсир қилиш хусусиятлари ва саломатлик учун хавфлилик даражаси ва келгусидаги оқибатлари тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиши лозим.

18. Иш жойларидаги ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёнининг хавфли ҳамда зарарли омиллари тўғрисидаги маълумотлар ишлаб чиқариш муҳитининг физик, кимёвий, радиологик, микробиологик ва микроиклим ўлчови натижалари, шунингдек меҳнатнинг оғирлиги иш жойларини меҳнат шароитлари бўйича аттестация қилиш орқали тасдиқланиши лозим.

19. Ҳар битта ташкилот хавфли ва зарарли меҳнат шароитларига эга бўлган касблар, иш ўринлари ва ҳудудларининг Санитария қоидалари ва меъёрларига мувофиқ зарарлилик ва хавфлилик синфи кўрсатилган рўйхатига ҳамда ишлаб чиқариш омилларининг зарарлилик ва хавфлилик кўрсаткичлари, меҳнат жараёнининг оғирлик кўрсаткичлари бўйича меҳнат шароитларининг амалдаги гигиеник таснифига эга бўлиши лозим.

20. Янги зарарли моддалар пайдо бўлишига ёки хавфли ва зарарли омиллар йўқолишига олиб келадиган технологик жараёнлар ўзгаришларида ёхуд янги ишлаб чиқариш ускуналарини жорий қилишда рўйхатларга тегишли ўзгартиришлар киритилиши лозим.

4-§. Ўта хавфли касблар ва ишлар

21. Ташкилот ўта хавфли шароитда бажариладиган касблар ва ишлар рўйхатига эга бўлиши лозим.

Рўйхатда аниқ технологик жараён, ишлаб чиқариш ускунаси, ишлатиладиган хом ашё ва ишларни амалга ошириш хусусиятлари билан боғлиқ хавфлар ҳисобга олиниши лозим.

Рўйхатга хавфли моддалар билан бажариладиган ишлар, баландликда, ифлосланган ҳаво ва сув муҳитида, юқори ҳарорат ва намлик шароитида бажариладиган ишлар, буғ ва сув иситиш қозонлари, юк кўтариш механизмлари, босим остида ишлайдиган сифимлар, электр ускуналарга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ишлар ҳамда амалдаги тармоқ рўйхатларига мувофиқ бошқа ишлар киритилиши шарт.

22. Ўта хавфли ишларга фақат махсус ўқитилган, ушбу ишларни бажариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатга эга бўлган ходимлар қўйилади.

23. Барча ходимлар ўта хавфли ишларни бажариш топшириғини олишдан олдин, меҳнат муҳофазаси бўйича йўл-йўриқ олиши ва ишларни хавфсиз бажариш усулларини ўзлаштириб олиши шарт.

24. Ўта хавфли ишларни бажариш, фақат белгиланган тартибда масъул

ходим қўл қўйиб расмийлаштирилган махсус наряд-рухсатномага мувофиқ амалга оширилиши лозим.

25. Ташкилот (цех) раҳбарияти ўта хавфли ишларни режалаштиришда, ташкиллаштиришда ва хавфсиз бажаришда белгиланган талабларга мувофиқ амалга оширилишига тўла жавобгардирлар.

5-§. Жамоавий ва якка тартибдаги ҳимоя воситаларини қўллаш

26. Ишловчиларни зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш муҳити омилларидан ҳимоя қилиш тегишли стандартлар ва меъёрлар талабларига мос жамоавий ва шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш орқали таъминланиши лозим.

27. Жамоавий ҳимоя қилиш воситалари жумласига қуйидагилар киради:

ишлаб чиқариш хоналари ва иш жойларининг ҳаво муҳитини нормаллаштириш воситалари (шамоллатиш ва ҳаво тозалаш, иситиш, ҳаво ҳароратини, намлигини бир хил меъёрда сақлаш ва бошқалар);

ишлаб чиқариш хоналари ва иш жойларининг ёруғлигини нормаллаштириш воситалари (ёритиш асбоблари, ёруғлик ўринлари, ёруғликдан ҳимоя қилиш мосламалари ва бошқалар);

шовқин, тебранма, электр токи уриши, статик ток ва усқуналар юзасининг юқори даражадаги ҳароратдан ҳимоя қилиш воситалари;

механик ва кимёвий омилларнинг таъсиридан ҳимоя қилиш воситалари.

28. Жамоавий ҳимоя воситалари (вентиляция, аспирация, ерга улаш, маҳаллий сўрғичлар ва бошқалар) зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш муҳити омиллари хонадаги барча ишловчиларга таъсир қилганда қўлланиши шарт ва ташкилотни қуриш ёки реконструкция қилиш лойиҳаларига киритилиши лозим.

29. Жамоавий ҳимоя воситалари зарарли ва хавфли омилларни рухсат этилган миқдоргача камайтириш имконини бермаган ҳолларда шахсий ҳимоя воситалари қўлланиши лозим. Бундай ҳолларда шахсий ҳимоя воситаларисиз кишиларнинг иштироки ва ишлар амалга оширилиши тақиқланади.

30. Мехнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимлар белгиланган нормалар бўйича:

сут (шунга тенг бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари);

даволаш-профилактика озиқ-овқати;

газли шўр сув (иссиқ цехларда ишловчилар учун);

махсус кийим-бош, махсус пойабзал, бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан бепул таъминланиши лозим.

31. Шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланган ҳолда ишловчилар, уларнинг қўлланиши, ҳимоя хусусиятлари, амал қилиш муддати тўғрисида маълумотларга эга бўлиши ҳамда улардан фойдаланишга ўргатилиши лозим.

32. Ташкилот маъмурияти ёки иш берувчи қўйидагиларни таъминлаши шарт:

амалдаги меъёрлар бўйича мазкур ишлаб чиқариш учун талаб қилинадиган барча шахсий ҳимоя воситаларининг зарур миқдори ва номенклатурасини;

ҳимоя воситаларини қўллаш ва тўғри фойдаланиш устидан доимий назоратни амалга оширишни;

қўлланилаётган ҳимоя воситаларининг самарадорлиги ва созлигини текширишни;

шахсий ҳимоя воситаларидан хавфли ва заҳарли моддалар муҳитида фойдаланилганда уларни дегазация ва дезинфекция қилишни (бир марта қўлланиладиган ҳимоя воситалари бундан мустасно).

6-§. Касбий танлов

33. Ўта хавфли ишларга тегишли касбий маълумотга эга бўлмаган шахсларни қабул қилиш ман этилади.

34. Ўта хавфли ишларга хизмат кўрсатиш ишлари билан шуғулланиш фақат белгиланган тартибда тасдиқланган, махсус ўқитилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларга эга бўлган шахсларга рухсат этилиши лозим.

35. Ташкилот мутахассислари, ишлаб чиқариш участкаларининг раҳбарлари тегишли маълумотга ва иш тажрибасига, меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мос даражада ишларни ташкил этиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

36. Ташкилот ходимлари ишларни хавфсиз юриштишга ўқитилиб, олинган билимлари Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқишларни ташкил қилиш ва билимларни синаш тўғрисидаги намунавий низом (рўйхат рақами 272, 1996 йил 14 август)га мувофиқ синовдан ўтказилиши ва белгиланган тартибда расмийлаштирилиши лозим.

37. Касбий танловдан сўнг ишга қабул қилинган ходимларни касбий маҳорати юқори эканлигига ишонч ҳосил қилиш мақсадида назорат ўрнатиш, зарур бўлганда қайта йўл-йўриқдан ўтказиш лозим.

38. «Ўн саккиз ёшдан кичик шахсларнинг меҳнати қўлланиши тақиқланадиган ноқулай меҳнат шароитлари ишлари рўйхати»га (рўйхат рақами 1990, 2009 йил 29 июль) мувофиқ 18 ёшга тўлмаган шахслар зарарли ва ноқулай меҳнат шароитига эга ишларга қабул қилинмаслиги лозим.

39. «Хотин-қизлар меҳнати тўлиқ ёки қисман қўлланилиши тақиқланадиган меҳнат шароити ноқулай бўлган ишлар рўйхати»га (рўйхат рақами 865, 2000 йил 5 январь) мувофиқ аёллар зарарли ва ноқулай меҳнат шароитига эга ишларга қабул қилинмаслиги лозим.

40. Ташкилот маъмурияти ёки иш берувчи хавфлилик даражаси юқори бўлган ишларни режалаштириш, ташкиллаштириш ва уларга нисбатан белгиланган талабларга мувофиқ ҳолда амалга ошириш учун тўлиқ жавобгар ҳисобланади.

7-§. Ходимларнинг соғлиғини назорат қилиш

41. Ташкилот маъмурияти (ёки иш берувчи) касаба уюшмаси қўмитаси ва ваколатли соғлиқни сақлаш органлари билан биргаликда ҳар йили даврий тиббий кўриқдан ўтиши лозим бўлган ходимларнинг рўйхатини тузиши ҳамда ходимларнинг кўриқка келишини таъминлаши лозим.

42. Ташкилотларда ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2000 йил 6 июндаги 300-сонли «Ўзбекистон Республикасида ходимларни ишга қабул қилишда дастлабки ва даврий тиббий кўриқдан ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги (рўйхат рақами 937, 2000 йил 23 июнь) буйруғи асосида амалга оширилиши лозим.

43. Ходимлар тиббий кўриқдан ўтишдан бўйин товлашга ҳақли эмас.

44. Тиббий кўриқлар ташкилотнинг тиббий-санитария қисмлари ва поликлиникалари, улар мавжуд бўлмаган ҳолда даволаш-профилактика муассасаси томонидан ўтказилиши лозим. Тиббий кўриқлар даволаш-соғломлаштириш тадбирлари белгиланган текшириш далолатномаси билан яқунланиши лозим.

45. Ташкилот маъмурияти (ёки иш берувчи) ва касаба уюшмаси қўмитаси тиббий кўриқ далолатномаси билан танишиб чиқиши, иш берувчи эса далолатномада кўзда тутилган барча тадбирлар ва кўрсатмаларни бажариши лозим.

46. Даврий тиббий кўриқлар ўз вақтида, сифатли ўтказилиши ва уларнинг натижаларига кўра тавсиялар бажарилиши учун жавобгарлик ташкилотнинг маъмурияти зиммасига юкланади.

47. Ходимларни соғлиғи туфайли уларга рухсат этилмаган ишларда ишлатиш тақиқланади.

48. Ходим тиббий кўриқдан ўтишдан бўйин товлаган ёки тиббий комиссиялар томонидан ўтказилган текширишлар натижаларига кўра берилган тавсияларни бажармаган тақдирда маъмурият ушбу ходимни ишга қўйишга ҳақли эмас.

8-§. Ташкилот майдонларига бўлган хавфсизлик талаблари

49. Ташкилот майдонлари ва биноларни жойлашуви СанМваҚ II-89-80 «Саноат ташкилотларини бош плани» талабига мос бўлиши керак.

50. Ташкилотда транспорт воситаларини ва пиёдаларни ташкилот ҳудудида ҳаракатланиш чизмаси ишлаб чиқилган ва тасдиқланган бўлиши керак.

Транспорт воситалари ва ташкилот ҳудудида пиёдаларнинг ҳаракати чизмаси ташкилотга кириш ва чиқиш, ҳамда иш участкалари ва цехларнинг кўринарли жойларига осиб қўйилиши керак.

51. Ташкилотда автйўллар ёки пиёда йўлчалари билан туташган ички

ташкилот темир йўллари учрашган жойларда автойўллар ва пиёдалар учун ўтиш йўллари бўлиши лозим.

52. Ташкилот майдонлари кўкаламзорлаштирилган ва сув қуйиш қувурлари тармоқлари билан таъминланган бўлиши керак. Ташкилот майдонида ишчилар учун дам олиш жойлари бўлиши лозим.

Сутканинг қоронғу вақтларида ҳудудларнинг ёритилиши ҚМҚ 2.01.05-98 «Табийй ва сунъий ёритиш» талабларига жавоб бериши керак.

53. Ташкилот майдонидаги ўтиш жойлари мустаҳкам ёпқичлар, сувлар оқиб кетадиган иншоотлар билан жиҳозлангани бўлиши керак.

54. Йилнинг ёз вақтида йўлкалар ва ўтиш жойларига сув сепилган, қишда қордан тозаланиб, қум сепилган бўлиши керак.

55. Ташкилотларда ҳаракатланувчи темир йўл составларини интенсив ҳаракатланишига ўтиш жойлари автоматик сигнал билан таъминланиши лозим.

9-§. Ташкилотларнинг ишлаб чиқариш бинолари ва хоналарига қўйиладиган талаблар

56. Ишлаб чиқариш бинолари ҚМҚ 2.09.02 «Ишлаб чиқариш бинолари» талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

57. Ўтиш, чиқиш йўллари, коридор, тамбур, нарвонлар турли жисмлар ва асбоб-ускуналар билан тўсиб қўйилишига рухсат этилмайди. Эвакуация чиқиш йўлларининг барча эшиклари бинодан чиқиш йўналиши бўйича очилиши лозим.

58. Поллар текис, ёриқларсиз, тешиқларсиз ва шишиб чиққан жойлари бўлмаслиги, ҚМҚ 2.03.13 «Поллар» талабларига мувофиқ бажарилган бўлиши лозим.

59. Бошқариш пульталари-зарарли ва портлаш хавфи бўлган буғ, газ ва чанглар ажралиб, шунингдек юқори тебранишга эга бўлган технологик асбоб-ускуналар ўрнатилган ишлаб чиқариш хоналарида жойлаштирилиши мумкин эмас.

10-§. Шамоллатиш ва иситиш тизимига қўйиладиган талаблар

60. Шамоллатиш ва иситиш ҚМҚ 2.04.05-97 «Иситиш, шамоллатиш ва кондиционерлаш» талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

61. Бино ва иншоотларнинг ишлаб чиқариш хоналарида ҳаводаги зарарли моддалар миқдори СанҚваМ 0046-95 «Гигиеник нормативлар. Иш ҳудуди ҳавосида зарарли моддаларнинг рухсат этилган энг кўп миқдорлари» талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

62. Ўтиш жойларида (галереяларда, зиналар майдончаларида ва шунга ўхшаш) жойлашган иситиш жиҳозлари (қувурлар, регистрлар ва шунга ўхшашлар), рухсат этилган ўтиш йўлкаларининг энини камайтирмаслиги керак.

63. Ишчи жойларида ҳаво ҳарорати йилнинг совуқ даврида енгил жисмоний ишларда 21°C, оғирлиги ўрта жисмоний ишларда 17°C ва оғир жисмоний ишларда 16°C дан паст бўлмаслиги керак.

64. Ходимларни исиниши учун хоналарда ҳаво ҳарорати 22°C дан кам бўлмаслиги керак.

65. Биноларда жойлашган ишчи жойларидан, ходимларни исиниш хоналаригача бўлган масофа 75 м, ташкилот майдонидаги ишчи жойларидан 150 м дан кўп бўлмаслиги керак.

11-§. Сув таъминоти ва канализация тизимига қўйиладиган талаблар

66. Сув билан таъминлаш ва канализация тизими ҚМҚ 2.04.01-98 «Биноларни ички сув қузури ва канализацияси» талабларига мос келиши керак.

67. Ташкилотни ишлаб чиқариш оқова сувлари ташқи канализацияга етиб келгунча зарарли моддалардан тозаланиши керак.

68. Тозаланган сувда зарарли моддалар таркиби санитар нормаларига асосан чегараланган концентрациясидан ошиб кетиши керак эмас.

69. Ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун бериладиган сувнинг сифати технологик талабларга мос бўлиши керак.

70. Ичимлик сувидан фойдаланиш учун сув қузурига уланган фаввора-чалар бўлиши керак. Сув қузурлари йўқ бўлган ҳолларда бакларда қайнатилган сув бўлиши лозим.

71. Иш жойидан сув ичиш қурилмасигача бўлган масофа 75 м дан ошмаслиги керак.

72. Ичимлик сувининг ҳарорати 8°C дан 20°C гача бўлиши керак.

73. Ташкилот ҳудудидаги хожатхоналар иссиқ ва канализацияланган бўлиши лозим.

74. Ташкилотда канализация тизими йўқ бўлганда Давлат санитар назорати органлари билан келишилган ҳолда ташкилотда ер қатламини ифлослантирмасликка ва ишлаб чиқариш канализациясига душхоналардан ва юз-қўл ювгичлардан сув оқмайдиغان қурилмалар ахлат ўраларига рухсат этилади.

12-§. Ёритишга қўйиладиган талаблар

75. Ташкилот майдонида, ишлаб чиқариш ва ёрдамчи бинолар ва хоналарда табиий ва сунъий ёритишлар ҚМҚ 2.01.05-98 «Табиий ва сунъий ёритиш» талабларига мувофиқ бўлиши керак.

76. Ёритиш ускуналарини ўрнатишда қандилларнинг турлари, лампаларнинг қуввати ва уларнинг жойлашиши тасдиқланган лойиҳага мос бўлиши керак.

77. Ишлаб чиқариш цехларидаги, хом ашё омборлари ва юк тушириш-

ортиш майдонларидаги технологик ускуналар умумий ёритишга қўшимча равишда кўчма ёритиш мосламалари билан таъминланган бўлиши керак.

78. Авария ёритиш тармоқларига электр энергия истеъмолчиларини улаш тақиқланади. Авария ёритишларини созлиги камида чоракда бир марта текширилиши лозим.

79. Ёруғ тушувчи ойналарни йилда икки мартадан кам бўлмаган ҳолда тозалаш лозим.

80. Ёруғлик тушадиган дераза ва эшикларни бегона предметлар (ускуна, тайёр маҳсулот ва бошқалар) билан тўсиб қўйилишига рухсат этилмайди.

81. Юқори хавfli хоналарда кучланиши 36 В дан юқори бўлмаган кўчма электр ёриткичлар ишлатилиши керак. Ўта хавfli хоналарда, хоналардан ташқари, ҳамда ускуналар ва иншоотлар (бункерлар, силосослар, қудуқлар, буғлантириш камералари, туннеллар ва бошқалар)ни ёритиш учун кўчма электр ёриткичларни кучланиши 12 В дан ошмаслиги керак. Барча кўчма ёриткичларни металл ҳимояланиш тўри ҳамда шиша қалпоғи бўлиши керак.

13-§. Маиший ва қўшимча хоналарга, уларнинг сони, ҳолати ва жойлашувига қўйиладиган талаблар

82. Ҳар бир ташкилотда ҚМҚ 2.09.12-98 «Ташкилотларнинг маъмурий ва маиший хоналари» талаблари ва мазкур Қоидаларга мувофиқ санитария-маиший ва қўшимча хоналар бўлиши лозим.

83. Маиший ва қўшимча хоналарни (биноларни) лойиҳалаш ҳамда куриш уларни ишлаб чиқариш объектлари билан бир пайтда ишга тушириш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим.

84. Маиший хоналар имкон қадар иш жойларига яқин жойлаштирилиши зарур.

85. Маҳсус кийим-кечак ва баданнинг катта даражада ифлосланишини юзага келтирадиган муҳитдаги иш участкаларида ишловчи ходимлар учун маҳсус маиший хоналар жиҳозланиши лозим.

86. Уй ва иш кийимлари сақланадиган гардероблар, ҳожатхоналар, ювиниш ва чўмилиш хоналари эркаклар ва аёллар учун алоҳида бўлиши лозим.

87. Кийим алмаштириш хоналари, душхоналарнинг ўлчамлари, душ сеткалари, оёқ ванналари, бет-қўл ювгичлари, истеъмол сув таъминоти қурилмалари, ҳожатхоналар ва бошқа шу каби қурилмаларнинг сони, кўпчиликни ташкил этадиган сменада ишловчиларнинг сони ҳисобга олинган ҳолда белгиланиши лозим.

88. Душхоналар ва ҳожатхоналардаги тарновлар, каналлар, траплар, писсуарлар ва унитазлар мунтазам равишда тозаланиши, ювилиши ва дезинфекция қилиниши лозим. Ҳожатхоналарнинг поллари қуруқ ҳолда сақланиши лозим.

89. Ҳар бир ювиниш жиҳози иссиқ ва совуқ сув келадиган қувурларга уланган бўлиши лозим.

90. Ювиниш хоналарида электр қуритгичлар, кўзгу, кийим илгичлар, суyoқ совун учун идишлар ва қаттиқ совун солгичлар кўзда тутилиши лозим.

91. Махсус кийимни ювиш учун ташкилотларда кир ювиш хоналари бўлиши лозим.

92. Овқатланиш пунктлари умумий овқатланиш ташкилотлари учун белгиланган санитария қоидалари талабларига жавоб бериши лозим.

III. Ишлаб чиқариш (технологик) жараёнларига қўйиладиган талаблар

1 §. Технологик ҳужжатларда ҳисобга олиниши лозим бўлган хавфсизлик талаблари

93. Майдалаш, саралаш, фойдали қазилмаларни бойитиш жараёнлари «Фойдали қазилмаларни майдалаш, саралаш, бойитиш ҳамда руда ва концентратларни бўлакларда ишларнинг хавфсизлиги қоидалари» (рўйхат рақами 1575, 2006 йил 23 май) ва ГОСТ 12.3.002-75 «Ишлаб чиқариш жараёнлари. Умумий хавфсизлик талаблари»га мувофиқ бўлиши лозим.

94. Технологик жараёнлар хавфсизлигини таъминлаш учун қўйидаги чоралар назарда тутилиши лозим:

а) технологик жараённи танлаганда, зарарли ишлаб чиқариш омиллари энг кам ифодаланган технологик жараёнларни қўллаш;

б) зарарли ишлаб чиқариш омиллари бўлганда комплекс механизация, автоматизация, технологик жараёнларни ва операцияларни масофадан бошқаришни қўллаш;

в) химоя воситаларини қўллаш;

г) технологик ускуна қайта жиҳозланганда, тайёрланганда, йиғилганда ва фойдаланилганда хавфсизлик чоралари назарда тутилиши керак, иш хонаси ҳавосига зарарли чиқиндиларни чиқишини камайтириш ёки уларнинг олдини олиш;

д) иш хоналари ҳавосида зарарли чиқиндиларни тўлиқ камайтиришнинг иложи бўлмаса, хоналар ва участкаларнинг иш ҳудудларида мумкин қадар унинг тарқалишини камайтириш мақсадида, зарарли моддалар ажралиб чиқадиган жойдан ҳавони сўриш.

95. Технологик жараёнлар ташкил қилинганда ва олиб борилганда қўйидагилар талаб қилинади:

а) ишлаб чиқариш хоналарининг иш ҳудудидаги метеорологик шароитлар ва ҳавосидаги чанг миқдори ГОСТ 12.1.005-88 «Иш ҳудудининг ҳавоси. Умумий санитария-гигиеник талаблари»га мос келиши;

б) иш жойларида шовқин даражаси ГОСТ 12.1.003-83 «Шовқин. Умумий хавфсизлик талаблари»га мос келиши.

2-§. Хом ашёни тайёрлаш

96. Хом ашёни тайёрлаш норматив ҳужжатлар талабларига биноан олиб борилиши лозим.

97. Чангланувчи материалларни қайта юклаш узеллари аспирация тизимига уланган, ёпингичлар билан жиҳозланган бўлиши лозим.

98. Оҳак ва силикат массасини сўндирганда ишловчиларнинг хавфсизлик ҳимоясини таъминловчи чоралар назарда тутилган бўлиши лозим.

3-§. Қолиплаш-пресслаш

99. Пресс ва буғлатиш технологик бўлимлари оралигида иссиқ ҳаволи тўсиқлар бўлиши лозим.

100. Фиштни кесадиган автомат ва пресс столдан фиштни олиш, вагонеткаларга тахлаш ва хом ашё чиқиндисини олиш ишлари механизациялаштирилган бўлиши лозим.

101. Фишт устига минерал ушоқни сиқилган ҳаво билан амалга ошириш ҳаво тозалаш учун аспирация тизимига уланган камера ичида бажарилиши керак.

102. Гипс формаларни ажратиш амаллари механизацияланган бўлиши лозим.

103. Суюқ гипс аралашмаси билан формалар тўлдириб юборилиши ва суюқ аралашмаларнинг иш майдонига сачрашига йўл қўйилмаслиги лозим.

4-§. Хом фиштни қуритиш

104. Қуритиш ускуналарининг камера ва тунеллари пасайтирилган босим остида ишлаши лозим.

105. Қуритиш ускуналарида иссиқ билан таъминловчи ўрнида қуйидагилар қўлланиши лозим:

а) калориферда иситилган ҳаво;

б) ўтхоналарда табиий газ ёнишидан ҳосил бўлган иссиқлик билан ҳаво аралашмаси;

в) туннель печларни совутиш ҳудудидан олинган иситилган ҳаво;

г) табиий газда ишловчи туннель печлардан чиқиб кетаётган газлар.

106. Камерали қуритишларга фақат калориферларда қиздирилган иссиқ ҳаво ёки туннель печларни совутиш ҳудудидан чиққан исиган ҳаво бериш керак.

107. Қуритиш бўлими ва қуйдириш бўлимларининг технологик оралигида иссиқ ҳаволи тўсиқлар бўлиши лозим.

108. Туннель қуритувчи юкни бўшатиш томонида аспирация тизимига уланган зонт ўрнатилиши лозим. Аспирация тизимининг ёқилиши ва туннель вагонеткаларини юкдан бўшатиш автоматик тарзда амалга оширилиши керак.

5-§. Гишт, оҳак ва гипс тошни куйдириш

109. Гипс ва оҳак ишлаб чиқариш ташкилотларда айланма равишда амалга оширилиши лозим.

110. Чиқиб кетаётган газ таркибини текшириш тартиби ташкилот бош муҳандиси томонидан тасдиқланган йўриқномада белгиланади.

111. Вагонеткаларни печга ва печдан тайёр маҳсулот омборига олиб борилиши механизацияланган бўлиши лозим.

112. Хом гиштнинг айланма печга берилиши ва печдан гиштни олиб чиқишда тасма конвейер, вагонетка ва аккумуляторли юклагичдан фойдаланиш лозим.

113. Айланма печдан гиштни қўлда бўшатишда, унинг ҳарорати 40°C дан юқори бўлмаслиги лозим.

114. Куйдириш бўлимларида ишлаётган ишчиларни тузланган газли сув билан таъминлаш учун сатураторлар ўрнатилиши лозим.

115. Ташкилотларда печь агрегатларини ёқиш тартиби, хизмат кўрсатиш, ишлатиш ва тузатиш бўйича йўриқномалар ишлаб чиқилган ва ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланган бўлиши лозим.

6-§. Автоклавда ишлов бериш

116. Автоклав ўрнатилган хона орқали автоклавга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа цех ва иш жойларига ўтиш ман этилади. Автоклав ўрнатилган очиқ майдонлар баландлиги 1,5 м дан кам бўлмаган турли тўсиқлар билан тўсилган бўлиши лозим.

117. Автоклав ускунаси ўрнатилган хоналарга ва майдонларга киришда «Бегоналар кириши тақиқланади» ҳамда ГОСТ 12.4.026-76 «Сигнал ранглар ва хавфсизлик белгилари» талабларига мувофиқ хавфсизлик белгилари осиб кўйилиши лозим.

118. Автоклав хонасига ташқаридан кириш жойлари ҳаво-иссиқлик тўсиқлари билан жиҳозланган ёки тамбур-шлюз орқали амалга оширилиши лозим.

119. Автоклав ўрнатилган хоналарда маҳаллий сўрувчи вентиляция бўлиши лозим.

120. Автоклавларга металлни электролит конденсати таъсирида занглашдан сақлаш учун катодли химоя ўрнатиш лозим.

7-§. Гипс плита (блоклар) ва гипсбетон тўсиш панелларини ишлаб чиқариш

121. Гипс плита (блоклар) ва гипсбетон тўсиш панеллар учун гипс бетонни тайёрлашда компонентларни миқдорлаш механизациялашган бўлиши лозим.

122. Миқдорловчи аралаштиргичлар аспирация тизимига уланиши лозим.

123. Қолип машинадан гипс плиталарни ечиш, уларни қуриштириш, вагонеткаларга тахлаш ва ечиш, шунингдек қуриштириш вагонеткаларини транспортировка қилиш механизациялашган бўлиши лозим.

8-§. Ёнғин ва портлаш хавфсизлиги талаблари

124. Ишлаб чиқариш жараёнларининг ёнғин ва портлаш хавфсизлиги, уларни режалаштириш, ташкиллаштириш ва олиб бориш ГОСТ 12.1.004-91 «Ёнғин хавфсизлиги. Умумий талаблари»га, ГОСТ 12.1.010-90 «Портлаш хавфи. Умумий талаблари»га ва ушбу Қоидаларга мувофиқ таъминланиши лозим.

125. Ҳар бир цех, участка, омборларда мавжуд меъёрлар асосида маҳаллий ёнғин хавфсизлиги хизмати билан келишилган ёнғин хавфсизлиги бўйича йўриқнома ҳамда ёнғин содир бўлган вақтда ходимларни эвакуация қилиш чизмаси ишлаб чиқилиши ва кўринадиган жойга осиб қўйилиши лозим.

126. Ёнғин хавфсизлиги йўриқномаси талабларини ўрганиш ишлаб чиқаришдаги ўқитиш тизимига киритилган бўлиши лозим.

127. Ҳар бир ташкилотда маъмурият бўйруғи билан барча ишлаб чиқариш, ёрдамчи ва маиший хоналарда ёнғин хавфсизлигига масъул ходим таъинланиши лозим. Ёнғин хавфсизлигига масъул шахс фамилияси, ёнғин хавфсизлиги қутқарув хизмати телефонлари ёзилган пештахталар кўринадиган жойга осиб қўйилиши лозим.

128. Ёнғин хавфсизлигига масъул шахс мажбуриятлари ёнғин хавфсизлиги бўйича йўриқномада белгиланган бўлиши лозим.

129. Ҳар бир ташкилотда ёнғинга қарши асбоблар тўплами, ёнғин ўчириш воситалари, сони ва жойлаштирилиши ҳудудий ёнғин хавфсизлиги хизмати билан келишилган бўлиши лозим.

130. Барча ходимлар ишлаб чиқаришнинг ўқитиш тизимида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ўрганиш мақсадида, ташкилот, цех, ишлаб чиқариш участкаси, қурилма, бино ёки иншоот учун ёнғин хавфсизлиги бўйича махсус тайёргарликдан ўтадилар. Ходимларни ёнғинга қарши тайёргарлиги ёнғинга қарши йўриқномадан ўтказиш ва ёнғин-техник минимуми бўйича машғулотлар ташкил этишдан иборат.

131. Ёнғин-техник минимуми машғулотлари натижаси бўйича ходимларнинг олган билимлари синовдан ўтказилиши лозим. Ёнғин-техник минимуми бўйича ўтказилган синов натижалари ҳужжатлаштирилиб, унда ўтилган мавзулар бўйича баҳолар кўрсатилиши лозим.

132. Ёнғинга қарши тайёргарликдан ўтмаган шахслар ишга қўйилмайди.

133. Ишлаб чиқариш участкасида, лабораторияда, омборда ва маъмурий биноларда (эгаллаган лавозимидан қатъи назар) ишлаётган ҳар бир ходим ёнғин хавфсизлиги қоидаларини аниқ ва қатъиян бажариши, ёнғинга олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларга йўл қўймаслиги лозим.

134. 15 кишидан ортиқ ишловчи бўлган иш участкаларида кўнгилли

ёнғин ўчирувчи дружина (КЁЎД) ва техник-муҳандис ходимлар бўлганида эса, қўшимча равишда ёнғин-техник комиссияси (ЁТК) тузилади.

135. Кўнгилли ёнғин ўчириш дружина аъзоси, шунингдек жанговор ҳисобга киритилган шахслар ёнғин хавфсизлиги қоидаларини аниқ билиши, уларга риоя қилиши ва буни бошқалардан талаб қилиши, автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари ва бирламчи ёнғин воситаларининг созлигини назорат қилиши, ёнғин чиққанда эса, уни ўчириш бўйича ўз мажбуриятларини фаол бажариши лозим.

136. Ташкилотнинг барча бино ва иншоотларига кириш жойларининг бўш бўлиши таъминланиши лозим. Бино ва ёнғинга қарши сув манбаи йўлакларига олиб борувчи, ҳамда ёнғин ўчириш восита ва ускуналарига борадиган йўлаклар доимо бўш бўлиши керак. Бинолар оралиғидаги ёнғинга қарши ораликлар материаллар, ускуналар, бўш идишларни тахлаш ва автомобиль тўхтов жойи ташкил этишга рухсат этилмайди.

9-§. Бошланғич материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, тайёр маҳсулотлар ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини сақлаш ва транспортда ташишга бўлган талаблар

137. Бошланғич материаллар металл қўшилмаларсиз бўлиши ва зарур технологик тайёрловдан ўтиши лозим, чунки бу майдалагич ва машиналарда маҳсулотга ишлов берилаётганида тиккин пайдо қилиши ёки асбобни синишига ва ишловчиларнинг бахтсиз ҳодисасига олиб келиши мумкин.

138. Ишлов берилувчи материаллар ва ярим маҳсулотларнинг ҳажм ўлчамлари ишлов берувчи ускуна паспортининг кўрсаткичларига мувофиқ бўлиши лозим.

139. Материалларни майдалаш ва қуритиш учун қўлланиладиган норматив-техник ҳужжатда улар таркибидаги хавфли ва зарарли хусусиятга эга моддаларнинг микдори (фоиз ифодасида), шунингдек уларнинг портлаш ва ёнғин хавфлилигини тавсифловчи маълумотлар, токсикологик тавсифи ва у билан ишлашда хавфсизлик талаблари белгиланган бўлиши лозим.

140. Омборлар ва юк сақлаш учун майдончалар қурилма ва ускуналари, уларнинг қурилиши, санитария ва ёнғинга қарши меъёрлар ва қоидалар белгиланган тартибда тасдиқланган, технологик лойиҳа меъёрлари талабларига мувофиқ бўлиши лозим. Юклар-тушириш ишлари ва юкларни жойлаштириш «Юклар-тушириш ишларида юкловчилар учун меҳнат хавфсизлиги қоидалари» (рўйхат рақами 1582, 2006 йил 13 июнь) талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

141. Омборхона ва юк сақлаш майдончаларида барча юклар, тушириш ва оғир юкларни ташиш жараёнлари механизациялашган бўлиши лозим.

142. Юк сақлаш учун майдончалар сатҳи текис бўлиб, чуқурчаларсиз ва 5°C дан ошмайдиган нишаби бўлиши керак. Юк сақлаш учун майдончалар сатҳи унга келувчи йўллар сатҳига тенг бўлиши лозим. Йилнинг қиш ойларида юк сақлаш учун майдончалар доимо қор ва муздан тозаланиб, кум, кул ёки шлак сепилиши керак.

143. Омбор ва юк сақлаш учун майдончаларда автотранспорт ҳаракати, норматив ҳужжатлар талабига мувофиқ бошқарилиши лозим.

144. Омбор ёки юк сақлаш учун майдончалар ҳудудига кираверишда ҳаракат йўналиши, юклаш-тушириш жойи ёки транспорт воситаларининг тўхтаб туриш жойини кўрсатувчи чизма осилган бўлиши керак.

145. Ёғоч идишлар ва қоплардаги юклар омборда ағнамайдиган қилиб устма-уст тахланган бўлиши лозим. Қўлда бажарилган устма уст тахланиш баландлиги 3 м дан ошмаслиги, юк кўтариш механизми ёрдамида тахланганда 6 м дан ошмаслиги лозим. Йиртилган қоп ва носоз идишдаги юкни устма уст тахлаш тақиқланади.

146. Омборда устма уст тахланган ёки юк таралари стеллажлар оралигидаги йўлакнинг эни 1,5 м дан кам бўлмаслиги лозим. Омборда транспорт воситалари ишлатилганда, йўлакка қўшимча қўлланиладиган транспорт воситалари ўлчамлари кенглигидаги йўл бўлиши лозим.

147. Чангсимон ва тўкилувчи материаллар учун силослар, бункерлар ва бошқа сифимлар уларни тўлдириш ва бўшатиш вақтида чанг чиқишининг олдини олувчи мосламалар билан жиҳозланиши лозим.

148. Тўкилувчи материаллар уюмларини олиш устидан бошланиши керак, уларни тагидан қовлаб олиш тақиқланади.

149. Очиқ майдончалардаги материалларни бостирма остида сақлаш ва тахлаш лозим.

150. Вагонлардан тушириб тахланаётган ва вагонга юклашга тайёрланаётган материаллар ва ускуналар, юк билан темир йўл изининг рельсигача бўлган масофа 2 м дан яқин, юкни тахланган бандлиги 1,2 м дан ортиқ бўлганда 2,5 м дан кам бўлмаслиги керак.

151. Темир йўл изи, ўтиш йўлакчалари, йўлаклар ва омбор ҳудуди ҳамда юк сақлаш учун майдончаларни ифлослантириш ва унга нарса ташлаш тақиқланади.

152. Бўшаган идиш ва бошқа ўровчи материаллар доимо омбордан шу мақсадлар учун ажратилган жойга чиқарилиши лозим.

153. Ҳар бир омбор учун хавфсиз сақлаш ва омборда сақланаётган материаллар билан ишларни ўтказиш бўйича йўриқнома ташкилот маъмурияти томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

10-§. Ёнилғини сақлаш

154. Суюқ ёнилғини қуйиш бўйича майдончаларнинг портлаш хавфсизлигини таъминлаш учун ҚМҚ 2.09.19-97 «Нефть ва нефть маҳсулотлари омборлари» талабларига мувофиқ ёритгич билан жиҳозланган бўлиши лозим.

155. Ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари қолдигини ўлчашда, кузатишда, тозалашда ва резервуарларни таъмирлаш жараёнида ёритиш учун портлаш хавфсизлигини таъминлаш мақсадида аккумулятор фонари ишлатилиши керак.

156. Резервуарларни мазутдан тозалаганда ёғоч, резина ёки бошқа учкун чиқармайдиган материаллардан фойдаланиш зарур.

157. Мазутни қабул қилиш ва сақлаш билан боғлиқ ишларни бажаришда қуйидагилар тақиқланади:

а) темир йўл цистерналари ичига тушиш;

б) темир йўл цистерналарини ёритиш учун очиқ олов ёки кўчма электр ёритгичларни ишлатиш;

в) мазут қуйишда ва резервуар тозалашда металл қирғич ва учкун чиқарувчи асбобни ишлатиш.

11-§. Гипс ва оҳак сақлаш сиғимларига бўлган талаблар

158. Гипс ва оҳак сақлаш сиғимлари (силослар, бункерлар ва бошқалар) материалларни юклаш ва юк бўшатиш пайтида чанг тутиш мосламалари билан жиҳозланган бўлиши лозим. Чанг тутиш мосламалари ишга яроқсиз бўлганда силосларни ишлатиш ман этилади.

159. Сиғимларнинг тепаси периметри бўйича тўсилган бўлиши керак. Тўсиқлар ГОСТ 12.4.059-87 «Қурилиш. Инвентар химояловчи тўсиқлар. Техник шартлар» талаблари бўйича бажарилиши керак.

160. Сиғимлар галереясидаги ойнанинг ромларини очиқ ҳолатда ушлаб туриш учун мосламалар билан таъминланган бўлиши лозим. Ойна ромини очиш галерея полдан туриб амалга оширилиши керак.

161. Сиғимлар галереяси трубопроводларидан ўтиш учун ўтиш кўприкларини ўрнатилиши ГОСТ 12.4.059-87 «Қурилиш. Инвентар химояловчи тўсиқлар. Техник шартлар» талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

162. Сиғим люкларининг қопқоғи зичликка эга бўлиши ва қулф билан беркитилиши лозим. Қулфларнинг калитлари цех бошлиғида (смена устасида) бўлиб, силос ичида иш бажариш учун рухсат-наряд расмийлаштирилган ва ташкилот буйруғи билан масъул қилиб тайинланган техник-муҳандис ходимга берилади.

163. Юқори қисмида жойлашган люк орқали силос ичини кўздан кечириш, деворини ва тўсинини тозалаш фақат одамларни кўтариш ва тушириш учун мўлжалланган лебедкали кажавода бажарилади. Ўзи кўтариладиган кажавани қўллашга рухсат берилмайди.

164. Сиғим ичига тушиш олдидан қуйидаги хавфсизлик чоралари кўрилиши керак:

а) сиғимга кетаётган ҳамма пневмотрассалардаги тиқин жўмраклари ёпилиши ва ГОСТ 12.4.026-76 бўйича «Тиқин жўмраклари очилмасин — одамлар ишляпти» ёзувли тақиқловчи хавфсизлик белгиси осиб қўйилиши лозим.

б) сиғимга тушаётганларда иш бажариш учун асбоблар, шахсий химоя воситалари, сигнализация ёки боғловчи (сигнал, арқон, гаплашиш манбаи, радиоалоқа) воситалари билан таъминланиши лозим;

в) лебедка, канат ва кажавалар норматив ҳужжатлар талабига мувофиқ бўлиши лозим.

165. Кажавалар ўтиргич, оёқ учун тиргович, тўсиқ ва асбоб сақлаш ва қотириш анжомлари билан жиҳозланган (чўнтақлар, хомутлар ва бошқалар) бўлиши лозим.

166. Кажаватўсиғининг баландлиги 1,2 м дан кам бўлмаслиги, қўшимча тўсиқ планка баландлиги 0,6 м бўлиши лозим, люлькани осиб қўйиш воситалари унинг тўнкарилишини бартараф қилиши лозим.

167. Кажавани силосга туширишдан олдин қуйидагилар текширилиши лозим:

а) лебёдка силоснинг тўсинига қотирилишининг мустаҳкамлиги;

б) пўлат арқоннинг лебедка барабанига қотирилишининг мустаҳкамлиги;

в) пўлат арқон, блоклар, тормоз ва лебёдка юритувчи усқунанинг созлиги;

г) люлька тўсиғининг мустаҳкамлиги.

168. Ўсимталар, сода, дала шпати ёки сульфатни тозалаш ва соябони олиб ташланишида, олдин силос люк тўсини атрофи тозаланиб, кейин эса горизонтал поғоналар бўйича тепадан пастга қараб тозалаш ишлари бажарилиши лозим.

169. Соябон, ўсимталар олинаётганида, люлька шундай ҳолатда жойлаштириладики, бунда у материаллар тўкилиши ҳудудида бўлмаслиги лозим.

170. Қуйидагилар тақиқланади:

а) силосдаги материал, соябон ва осма қавати 0,5 м дан юқори бўлса, пастки ва ён люк қопқоғини очиш ва сифимга кириш;

б) кузатиш ва тозалаш ишлари пайтида люлькадан материал қавати устига тушиш;

в) материални пастдан ковлаш ҳисобига тушириб юбориш.

IV. Ишлаб чиқариш асбоб-усқуналарига қўйиладиган талаблар

1-§. Умумий талаблар

171. Барча қўзғалмас усқуналар, агрегат ва дастгоҳлар ишлаб чиқарган завод кўрсатмасига биноан мустаҳкам асосларга ва пойдеворларга ўрнатилиши лозим.

172. Усқуна ва автоматлаштирилган линиялар, уларнинг ишга тушганлиги ҳақида огоҳлантирувчи ёритиш ва товуш сигналлар тизими билан таъминланади. Сигнал элементлари (қўнғироқ, сирена, лампа) механик шикастланишдан ҳимояланган бўлиши ва кўринадиган қилиб жойлаштирилиши лозим.

173. Барча айланувчи ва ҳаракатланувчи қисмлар (валларнинг чиқиб турган учлари, ҳаракат узатувчи тасмалар ва бошқалар) тўсилган бўлиши керак.

174. Ечиладиган ҳимоя ва тўсиқ мосламалари фақат конструкция ёки

технологик сабаблар бўйича уларни стационар ўрнатиш имкони бўлмаганидагина қўлланилади.

175. Тўсиқлар мустаҳкам, енгил, ишончли равишда маҳкамланган бўлиши ва қисиб қолувчи тирқишлари, кесиб олувчи ва ўткир бурчаклари бўлмаслиги керак.

176. Оғирлиги 5 кг дан ортиқ бўлган тўсиқлар ушлаш учун қулай дастакларга эга бўлиши керак.

177. Электр токидан шикастланишнинг олдини олиш учун ишлаб чиқариш ускунаси қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

а) хавф манбаи бўлган ишлаб чиқариш ускунаси ток узатувчи қисми мустаҳкам, изоляцияланган, тўсилган ёки одамлар учун ўтиб бўлмас жойда ўрнатилган бўлиши лозим;

б) электр ускунанинг очиқ бўлган ток узатувчи қисмининг эшиги ёпилувчи бўлиши лозим;

в) ишлаб чиқариш ускунасининг металл қисми ерга сим орқали уланган бўлиши лозим;

г) ишлаб чиқариш ускунаси электр занжири схемасида бўлганда барча электр занжирни таъминлаш тармоғидан марказий ўчириш мосламаси мавжуд бўлиши назарда тутилиши лозим.

178. Ўзидан чангли ҳаво чиқарувчи ишлаб чиқариш ускуналари зичлаб беркитилиши ва чанг ҳавони сўриш мосламалари билан таъминланган бўлиши керак.

179. Янги ўрнатилган ёки капитал соzлашдан чиққан ускуналарни хавфсизлик техникаси муҳандиси иштирокида далолатнома тузилгандан кейин ишлатишга руҳсат берилиши лозим.

180. Машинани соzлаш, тоzалаш, мойлаш ва камчиликларини бартараф қилиш билан боғлиқ бўлган барча ишларни бажариш электр таъминотидан узиб қўйилган, бутунлай ҳаракатдан тўхтаган ва огоҳлантирувчи белги осиб қўйилган ҳолатда бажарилиши лозим. Машинани юргизиш белгини осиб қўйган шахс томонидан амалга оширилиши керак.

181. Тўсиқларнинг ва ҳимояловчи мосламаларнинг ҳамда асбобларнинг соzлиги цех (бўлинма) раҳбарияти томонидан мунтазам текшириб турилиши керак.

182. Монтаж ва демонтаж вақтида қўлланадиган тагликлар ва кўтариш механизмлари иш бошлашдан аввал синаб кўрилиши керак.

183. Ишлаб чиқариш ускуналаридан фойдаланишда:

а) механизациялаш, автоматлаштириш ва масофадан бошқаришни қўллаш;

б) эргономик талабларни қўллаш;

в) фойдаланиш, таъмирлаш, йиғиш, транспортда ташиш ва сақлаш бўйича хавфсизлик талабларига амал қилиш лозим.

184. Ишлаб чиқариш ускунасини тоzалаш ишлари махсус асбоблар ёрдамида (шётка, қирғич, илмоқ ва бошқалар) амалга оширилиши лозим. Ишлаб турган ускунада тоzалаш ва йиғиштириш ишларини бажариш тақиқланади.

185. Ускуна ишлаб турган вақтда унинг ҳаракатланувчи қисмларини қўлда мойлаш тақиқланади.

2-§. Ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарини жойлаштиришда хавфсизлик талаблари

186. Ишлаб чиқариш хоналарида ва иш жойларида ишлаб чиқариш ускуналарини жойлаштирилиши хизмат кўрсатувчи ходимлар учун хавф туғдирмайдиган бўлиши лозим.

187. Цехда ўтиш йўлаклари кенглиги қуйидагидан кам бўлмаслиги лозим:

- а) магистрал ўтиш йўлаклари — 1,5 м;
- б) ускуналар оралиғидаги ўтиш йўлакчалари — 1,2 м;
- в) деворлар ва ускуналар оралиғидаги ўтиш йўлаклари — 1,0 м;
- г) ускунага хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш учун мўлжалланган ўтиш йўлаклари — 0,7 м.

188. Ишлаб чиқариш бинолари, галерея, тунеллар ва эстакадаларда конвейерлар тузилмаси ва жойлаштирилиши ГОСТ 12.2.022-80 «Конвейерлар. Хавфсизлик умумий талаблари»га мувофиқ бўлиши лозим.

189. Ўтиш йўллариининг бир томонида жойлашган иш жойларидагидан ўтиш йўлакчаларининг кенглиги 0,75 м дан ва ўтиш йўлининг икки томонида жойлашган иш жойларидаги ўтиш йўллариининг кенглиги эса 1,5 м дан кам бўлмаслиги лозим.

190. Конвейерларга хизмат кўрсатиш учун ўтиш йўлаклари кенглиги қуйидагилардан кам бўлмаслиги лозим:

- а) бир томондан хизмат кўрсатиладиган конвейер учун — 0,7 м;
- б) параллел жойлашган конвейерлар оралиғида — 1,0 м;
- в) қаттиқ ёки тўрсимон тўсиқлар билан бутун трасса бўйича ёпилган параллел жойлаштирилган конвейерлар оралиғи — 0,7 м;
- г) конвейерлар оралиғида жойлашган ўтиш йўлакларидаги устунлар бўлганда устун ва конвейер оралиғи — 0,6 м;
- д) икки томондан хизмат кўрсатиладиган параллел жойлаштирилган пластинасимон конвейер оралиғи — 1,2 м;
- е) юк юкловчи ёки туширувчи қурилмалар устидан ўтувчи конвейер трасса участкалари икки томонида — 1 м.

191. Конвейер бўйлаб ўтиш йўлаги баландлиги қуйидагидан кам бўлмаслиги лозим:

- а) ишлаб чиқариш хоналарида — 2,2 м;
- б) галерея, тунел ва эстакадаларда — 1,8 м.

192. Ишлаганда чанг чиқарувчи (майдалаш, элаш, транспорт ва бошқа) ускуна зич ёпилган бўлиши лозим. Чанг чиқарувчи ускунани зич ёпиш учун мўлжалланган қопламалар аспирация (сўрма) тизимига уланган бўлиши лозим.

193. Газ-чанг ушловчи қурилмалардан фойдаланишда норматив ҳужжатлар талабига риоя этиш лозим.

194. Босим остида ишловчи қурилма, мослама ҳамда уларни таъмирлаш ва фойдаланиш норматив ҳужжатлар талабига мувофиқ бўлиши лозим.

195. Ишчи босими 0,07 МПа (0,7 kgс/см²)дан юқори бўлган буғ қозонлари, буғ иситгичлари, экономайзерлари ва сув ҳарорати 115⁰С дан юқори бўлган сув иситиш қозонларининг тузилиши, жойлаштирилиши ва улардан фойдаланиш, норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

196. Қуввати 14kW ва юқори бўлган стационар ва поршенли компрессорлар, шунингдек 0,2 дан 40 МПа гача босимли ҳаво ва инерт газларда ишловчи, ҳаво узатиш ва газ узатишларни жойлаштириш ва фойдаланиш, норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

3-§. Сўндирувчи барабанлар

197. Сўндирувчи барабанлар конструкцияси, ўрнатилиши, тузилиши ва улардан фойдаланиш норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

198. Сўндирувчи барабанларга буғ етказиб берувчи қувурлар норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

199. Параллел қўйилган сўндирувчи барабанлар оралиғидаги ўтиш кенглиги 1,2 м дан кам бўлмаслиги лозим.

200. Агарда ўтиш йўлаклари бўлмаса, барабанлар четидан ўтишни чегараловчи, сариқ рангга бўялган, баландлиги 1 м дан кам бўлмаган кўчма тўсиқлар қўйилиши лозим.

201. Сўндирувчи барабанлар пол сатҳидан корпуснинг айланувчи қисмигача 1,8 м дан кам бўлмаган баландликда ўрнатилган бўлса, ўтиш йўлаклари томонидан барабан бўйлаб тўсиб қўйилган бўлиши лозим.

202. Сўндирувчи барабан люкиннинг қопқоғи ва буғ билан сув тешиги зичланган бўлиши лозим.

203. Сўндирувчи барабандан ишчи босимни 1,5 бараваридан кам бўлмаган босимда буғ чиқишининг олдини оловчи зичлатгичлар бўлиши лозим.

204. Люк очилиб-ёпилиши ва одамларни корпус ичини кўздан кечириш, тозалаш ёки таъмирлаши учун, сўндирувчи барабаннинг люки тепага қаратилган бўлиши лозим. Ушбу амалларни бажариш учун доимий ёки нарвон билан бирга қўзғалувчан темир майдонча бўлиши лозим.

205. Сўндирувчи барабандаги люк қопқоғидаги болтлар ёрдамида бураб очиш ёки ёпиш технологик регламент асосида ўрнатилган бўлиши лозим.

206. Сўндирувчи барабанда буғ босими бўлганида люк қопқоғини очиш тақиқланади.

4-§. Бегунлар

207. Бегунларнинг айланувчи қисми ва катоги, майдалаш ҳудудини тўсувчи ва бегундан материаллар тўкилиб кетишини олдини оловчи яхлит темир қоплама билан ёпилган бўлиши лозим.

208. Қоплама қўйилмаган ёки нотўғри қўйилган бўлса, бегун юритувчи ускуна ишламайдиган қилиб, блокировка ўрнатилган бўлиши лозим.

209. Чангланувчи материаллар парчаланган ёки юкланганда бегун қопламасидан чиқаётган чанг ҳаво ишлаб чиқариш хонасига чиқмаслиги учун аспирация тизимига уланган бўлиши лозим.

210. Таъмирлаш, тозалаш ёки созлаш ишларини бажариш учун бегун қопламасига темир қопқоқли люк қилиниб, резина ёки юнг зичлагич билан ёпилувчи болт билан мустаҳкамланишига рухсат этилади.

211. Люк қопқоғи юритувчи билан шундай блокировка қилинган бўлиши керакки, у очилганида юритувчи автоматик тарзда тўхташи лозим.

212. Бегунлар юритувчиси тепада жойлашган пайтида, уни кузатиш ва хизмат кўрсатиш учун доимий темир майдончали нарвон бўлиши лозим.

213. Материал намланиб парчаланганида, суви бегундан ишлаб чиқариш хонасига хизмат кўрсатиш майдонига ёки бегуннинг остига оқиб тушмаслиги лозим.

214. Парчаланаятган материал намунаси бегуннинг юк туширувчи оқимидан олиниши лозим.

215. Бегунларга хизмат кўрсатиш майдонлари ва лой ишқаловчиларини бегунлардан юк тушириш майдонлари, овозли ёки чироқли сигнализация (электр қўнғироқ, милтиловчи электр лампа) билан боғланган бўлиши керак.

5-§. Валецлар

216. Валецлар валиги яхлит темир қоплама билан ёпилган бўлиши лозим.

217. Қоплама юритувчи билан шундай блокировка қилинган бўлиши керакки, у йўқлигида ёки нотўғри қўйилганида валецлар юритувчисини ёқиш мумкин бўлмасин.

218. Валецлар блокировка билан шундай жиҳозланган бўлиши керакки, у автоматик тарзда валиклар тўхтаб қолганида ва электрюрғизгич зўриққанда, юритувчини ўчириб, тўхтатиш учун овоз сигнали бериши лозим.

219. Тошни ишловчи валецлар цехини чиқиндилардан тозалаш учун мосламалар ва қурилмалар (лотоқлар, сифимлар, лента конвейерлари ва бошқалар) билан жиҳозлаш лозим.

220. Бўшатувчи жиҳозлар тўхтаганда автоматик тизим иш жараёни тўхташини таъминлаши лозим.

221. Валецлар ишлаб турганида валик ва тортиб турувчи пружиналар орасидаги ораликни созлаш, тўлдирувчи ва бўшатувчи воронкани тозалаш қопламасидан бегона предметларни олиш тақиқланади.

6-§. Лой ишқаловчилар

222. Лой ишқаловчиларга буғ етказиб берувчи қувурлар норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

223. Лой ишқаловчи корпусидан келаётган лойни йиғувчи айланма диск, лойни хизмат кўрсатаётган майдонга тўкилишини олдини олувчи яхлит темир қоплама билан ёпилган бўлиши лозим.

224. Лой ишқалағичнинг қопламаси бўлмаганда ёки нотўғри ўрнатилганда унинг ҳаракатга келишини олдини олиш учун блокировка қилиниши лозим.

7-§. Лой ковловчи

225. Лой ковловчи ишлаганида хизмат кўрсатиш майдонига лойнинг тўкилиши ва отилишини олдини олувчи қоплама бўлиши лозим.

226. Лой ковловчини таъмирлаш ишлари рухсатнома бўйича амалга оширилиши лозим.

227. Қўзғалувчи лой ковловчи таъмирланганида тормоз бошмаклари ўрнатилган бўлиши лозим.

8-§. Грохотлар

228. Грохотни ҳаракатланувчи элак ва рамаси чангланувчи материалларни (гипс, қум) элаганида яхлит темир қоплама билан ёпилган, ҳаво тозалаш аппаратлари эса аспирация тизимига уланган бўлиши лозим.

229. Текис грохотлар элагининг ён бортлари, хизмат кўрсатиш майдонларига материалларни отилиб кетмаслигини таъминлаши лозим.

230. Грохотни юргизувчи айланма валлар, бириктирувчи муфталар, маховиклар, кривошиплар, эксцентриклар ва камар клин узатмалари яхлит темир тўсиқ билан тўсилган ёки грохот қопламаси тагида жойлашган бўлиши лозим.

231. Грохот қопламасида элакни, оқим ва юритувчини кўздан кечириш, тозалаш ёки таъмирлаш учун, очиладиган люклар бўлиши лозим. Люк қопқоқлари грохот юритувчиси билан шундай боғланган бўлиши лозимки, у очилганида грохот автоматик тарзда тўхташи лозим.

232. Грохотлардан эланган чиқиндиларни олиш механизациялашган бўлиши лозим.

233. Барабан ва грохот қопламасининг оқимлар бункерлари билан боғланиш зичлиги, ишлаб чиқариш хонасига чангнинг чиқишини бартараф этадиган даражада бўлиши лозим.

9-§. Дезинтеграторлар

234. Дезинтегратор қопламаси ишлаб чиқариш хонасига чанг чиқишини бартараф этиш учун аспирация тизимига уланган бўлиши лозим.

235. Люк қопқоқлари дезинтегратор юритувчи билан шундай блокировка қилинган бўлиши лозимки, уларни очганда дезинтегратор автоматик равишда ўчиши лозим.

10-§. Майдалагичлар (шекалли, валикли, конусли, болғали)

236. Майдалагич машиналарини бошқариш кузатиш ва масофадан бошқариш кабиналарида жойлашган пультлар орқали амалга оширилиши лозим.

237. Майдалагич машиналар қабул қилиш ва транспортёр қурилмалари бошқариш пультлари билан боғланган овозли ёки чироқли сигнализация (электр қўнғироқ, милтиллолчи электр лампа) билан жиҳозланган бўлиши лозим.

238. Майдалагичлар қабул қилиш тешиклари ва тўлдириш механизмларига хизмат кўрсатиш учун майдонлар билан жиҳозланган бўлиши лозим.

239. Майдалагичларни тўлдириш ва бўшатиш жойлари бундан ташқари у билан боғлиқ таъминловчи бункер оқими ҳаво тозаловчи аспирация тизимига уланган бўлиши лозим.

240. Майдалагичларни тўлдириш тешиклари материал бўлақларини олиб кетишидан сақлаш учун темир тўсиқларга эга бўлиши керак.

241. Болғали майдалагичларни бошқариш тизимида майдалагич роторининг ишчи айланиш частотаси ишчи ҳолатга етгандагина, тўлдириш қурилмасининг ёкилиши назарда тутилиши лозим, валикли майдалагичларда валикларни темир қоплама билан тўсилган ва кўриш ойналари зич ёпилган бўлиши лозим.

242. Валикли майдалагичларнинг валиги тикилиб қолганда, юргизувчини автоматик равишда ўчириш қурилмаси бўлиши лозим.

243. Таъмирлаш ишларини бажариш учун майдалагич хонаси юк кўтариш ускуналари (кран, таль) билан таъминланган бўлиши лозим.

244. Қоплама корпусининг оғирлиги 50 кг дан ортиқ бўлса, унинг очилиб, ёпилиши механизациялашган бўлиши лозим.

245. Майдалагич машинаси ишлаётган пайтида қўйидагилар тақиқланади:

а) хом ашё бўлақларини итариш ва олиш, таъминловчи ва оқимлардаги уюмларни йўқотиш;

б) майдалагич ва оқимларни ёпишган нарсалардан тозалаш;

в) ишлаётган жиҳознинг корпусида бўлиш;

г) созлаш ишларини бажариш;

д) химоя тўсиғи ва сигнализация тизими йўқлигида ёки ишламаётганида ишлаш;

е) валикли майдалагичнинг кузатиш ойнасини очиш.

246. Майдалагичнинг қабул қилиш жойига ўтиш кўприкларини ўрнатиш ман этилади.

11-§. Гипс қайнатувчи қозонлар

247. Гипс қайнатувчи қозонлар, хом ашё уни ва тайёр гипс бункерлари ҳаво тозаловчи аппарат орқали аспирация тизимига уланган бўлиши лозим.

248. Гипс қайнатувчи қозондан ҳаво буғ аралашмасини сўриб олувчи қувурлар норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

249. Ишлаб чиқариш хонасига гипс тўкилиши ва бугнинг чиқишига йўл қўймаслик учун гипс қайнатувчи қозоннинг қопқоғи ва оқимлар оралиғи мустаҳкам бўлиши керак.

250. Гипс қайнатувчи қозон аралаштиргичи юритувчисига хизмат кўрсатиш учун доимий темир майдончали нарвон бўлиши лозим.

251. Гипс қайнатувчи қозонга хизмат кўрсатувчи майдонлари, қиздиришга хизмат кўрсатувчи, шахта тегирмонлари ва чанг тутиш қурилма майдонлари овозли ёки чироқли сигнализация (электр қўнғироқ, милтилловчи электр лампа) билан боғланган бўлиши керак.

252. Гипс қайнатувчи қозонни қиздириш, аспирация тизими, аралаштиргич, шнекни тўлдириш кетма-кетлигида ишга тушириш лозим.

253. Гипс қайнатувчи қозонлар гипс сатҳини билдирувчи сигнал берувчи жиҳозлар билан таъминланган бўлиши лозим. Қозондаги гипс сатҳи максимал йўл қўйилган даражага етганида тўлдирувчи шнек автоматик равишда ўчиши лозим.

254. Гипс қайнатувчи қозонни бўшатиш оқимининг очилиши ёки ёпилиши механизациялашган бўлиши лозим.

255. Гипс қайнатувчи қозон ўтхонасининг ишлаши технологик регламент билан ўрнатилган тартибда ишлаши лозим.

256. Қозон ўтхонасидаги технологик регламент бузилганда ёнилғини бериш ва пуфловчи вентилятор автоматик тарзда ўчиши лозим.

257. Гипс қайнатувчи қозон ўтхонасига кўмирни бериш ҳамда кўл ва шлакни ўтхонадан олиш механизациялашган бўлиши лозим.

258. Гипс қайнатувчи қозон, унинг ичидаги гипс ҳароратини ўлчовчи асбоб билан жиҳозланган бўлиши лозим.

259. Гипс қайнатувчи қозон ва ўтхонасининг ичи кўздан кечирилганда, таъмирлаш ва тозалаш ишлари бажарилганда ҳарорат 40°C дан ва исиган юзалар ҳарорати эса 45°C дан ошмаслиги лозим.

12-§. Тегирмонлар

260. Хом ашёни қуруқ парчалайдиган тегирмонлар ҳаво тозалаш аппаратлари орқали аспирация тизими билан жиҳозланган бўлиши лозим.

261. Тегирмон оқимини таъминловчи патрубкка ёки бўшатиш қопламаси бириктирилган жойи ишлаб чиқариш хонасига чанг чиқиб кетишининг олдини олиш мақсадида зичланган бўлиши лозим.

262. Тегирмонлар ишлаётганда шовқин даражасини камайтириш учун шовқиндан ҳимоя қилувчи эффе́ктив воситаларни қўллаш лозим.

263. Тегирмон ишга тушаётгани ва тўхтаётгани ҳақида хизмат кўрсатаётганларни огоҳлантириш учун товуш ва чироқли сигналлар билан жиҳозланган бўлиши лозим.

264. Тегирмон корпуси-ечиладиган металл секцияли баландлиги 1 м дан кам бўлмаган тўсиқ тегирмон ўқидан R+1 м (R — тегирмон радиуси) масо-

фада жойлашиши лозим. Тўсиқ ранги норматив хужжатлар талабига мувофиқ бўлиши лозим.

265. Тегирмон қопқоғи цапфа подшипниги томонидан яхлит ёки сеткали металл тўсиқ билан тўсилган бўлиши лозим. Тўсиқ радиуси тегирмон радиусидан 1 м дан кам бўлмаслиги лозим.

266. Тегирмонни сепараторларга, циклонларга, фильтрларга, вентиляторларга, таъминловчи ва цапфа подшипнигига хизмат кўрсатиш майдонлари норматив хужжатлар талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

267. Тегирмон хонасида люкларнинг қопқоғини таъмирлаш ишлари олиб борилганида очиш учун юк кўтариш қурилмаси ўрнатилган бўлиши лозим (кран, таль).

268. Тегирмон ускуналарини ишлатиш қўйидаги кетма-кетликда блокировка орқали амалга оширилиши лозим: чанг тутувчи ва аспирация тизими, тегирмон, бўшатиш қурилмаси, тўлдириш қурилмаси.

269. Тегирмон ёки бўшатиш қурилмаси бирданига тўхтаб қолган ҳолатида, блокировка тегирмонни ишлатишдан олдин ишлатиладиган ускунани автоматик тарзда ўчириши лозим.

270. Тегирмонни чанг тутиш ва аспирация тизими носоз ва ўчирилганида ишлаш тақиқланади.

271. Тегирмон ишлаётганида уни таъмирлаш, таъминловчидан, окимлардан ўлчами тўғри келмайдиган хом ашёни ва бегона предметларни олиш (металл ва бошқалар), тегирмон тўсиқлари орқасига ўтиш ёки уни ечиш тақиқланади.

272. Тегирмонни ишлатиш қўйидаги ҳолларда тақиқланади:

а) блокировка ёки сигнализация носоз бўлса;

б) тўсиқлар ечилган ёки мустаҳкамланмаган бўлса;

в) таглик ва корпусда ёрилган жой бўлса;

г) брон плитани қотирувчи болтлар бўшаганида ёки йўқ бўлганида;

д) парчаланаятган материал люк зичлиги орасидан ва болт тешигидан ажралиб чиққанида;

е) аспирация тизими носоз бўлса ёки самарали ишламаётганида.

273. Тегирмонни таъмирлаш кўздан кечириш ёки майдаланувчи маҳсулот билан тўлдирилаятганида юритувчи электр тармоқдан ажратилган бўлиши лозим.

274. Тегирмон люкларида тармоқдан зичлагичлар ва илиб қўйиш учун қурилмалар бўлиши лозим.

275. Шар тегирмонлар қопқоғи цапфа подшипниги томонидан металл яхлит ёки сеткали тўсиқлар билан тўсилган бўлиши лозим.

276. Шар тегирмонларини майдаловчи жисм билан тўлдириш механизациялашган бўлиши ва рухсат-наряд билан амалга оширилиши лозим.

277. Контейнерлар ёпилиш қурилмалари билан жиҳозланган бўлиши лозим. Ёпиш қурилмалари конструкцияси контейнернинг ўз-ўзидан очилиб кетмаслигини таъминлаш лозим.

278. Шар тегирмонига майдаланувчи жисм электромагнит юкловчи ор-

қали юклаганида тўлдирувчи воронканинг диаметри электромагнит юклагичнинг диаметридан 0,5 м дан кам бўлмаслиги лозим.

279. Аэробил, шахта, тебранма-роликли ва пурковчи тегирмонлари корпусининг қопқоғи юритувчи билан шундай блокировка қилинган бўлиши керакки, қопқоқ очилганида тегирмон юритувчиси автоматик тарзда тўхтасин.

280. Аэробил, шахта, тебранма-роликли ва пурковчи тегирмонларининг корпуси материални қуритишга ишлайдиган, тегирмонга иссиқлик берувчи ҳаво ўтказгичлари иссиқдан изоляция қилинган бўлиши лозим.

281. 45°C дан ошмаслиги лозим.

282. Майдаловчи жисмларни юкловчи қурилмалардан (кран, таль) фойдаланган ҳолда юклаш керак.

283. Майдаловчи жисмлар тегирмонга юкланаётганда юкловчи машинани ҳаракат қилаётган ҳудудида, ГОСТ 12.4.059-87 талаби бўйича инвентар тўсиқлар билан тўсилган бўлиши ва ГОСТ 12.4.026-76 талаби бўйича «Кириш мумкин эмас» ёзувли тақиқловчи хавфсизлик белгиси осиб қўйилиши лозим.

13-§. Таъминловчи

284. Таъминловчидан фойдаланиш ГОСТ 12.2.022-80 талабларига мувофиқ ва уни ишлаб чиқарган заводнинг фойдаланиш йўриқномаси асосида амалга оширилиши лозим.

285. Талинкасимон таъминловчилар ҳаво тозаловчи аппаратлари орқали аспирация тизимига уланган металл билан ёпилган бўлиши лозим

286. Таъминловчи ишлаётган пайтида тиқилиб қолган материал бўлақларини, металл ва бошқа предметларни туртиб чиқариш ва олиш, дозаторни, таъминловчини ва уларнинг бункерларига ёпишиб қолган материаллардан тозалаш тақиқланади.

287. Винтли таъминловчиларнинг бункер билан бириккан жойидан ишлаб чиқариш хонасига материалларнинг тўкилиши ва чанг чиқиб кетишининг олдини олиш учун улар зич бириккан бўлиши лозим.

288. Таъминловчи юклаш жойини ёпишга имкон берувчи қурилма (клапан шибер) билан жиҳозланган бўлиши лозим.

289. Винтли таъминловчининг қопқоғини қўл билан очиш ва ёпишда сарфланаётган куч 60 Н (6 кгс) ошмаслиги лозим.

290. Қоплама ечилганида ёки нотўғри қўйилганида юритувчи автоматик тарзда ўчишини таъминловчи блокировка билан таъминланган бўлиши лозим.

291. Таъминловчининг қабул қилиш бункерлари ишини назорат қилиш учун доимий темир майдончали нарвон билан жиҳозланган бўлиши лозим. Бункер майдони томонидан баландлиги 1 м дан кам бўлмаган сетка тўсиқ бўлиши лозим.

14-§. Пресслар

292. Лентали пресснинг қабул қилиш камераси ва ҳайдаш валиклари яхлит металл тўсиқ билан тўсилган бўлиши лозим.

293. Лентали пресснинг вакуум камераси камера ичидаги лой сатҳини текшириб туриш учун маном ва қурилма билан жиҳозланиши лозим. Вакуум камераси тўлиб қолганида, юритувчи автоматик тарзда ўчиши лозим.

294. Вакуум камерани пресс корпуси ва аралаштиргич билан уланган жойи, бундан ташқари вакуум камерани қопқоғи, лой массасини сатҳини назорат қилиб туриш ойнаси, аралаштиргич ва пресс вали ўтказилган жойлари зичланган бўлиши лозим.

295. Лента прессларининг вакуум жиҳозлари сўрувчи линиялари сўрилувчи ҳавони тозалаш учун филтёрлар билан жиҳозланган бўлиши лозим.

296. Қабул қилувчи ва вакуум камералари винтли валли ва лента пресс учини тозалаш рухсат-наряд бўйича амалга оширилиши керак.

297. Лента пресси муштугини хўллаб туриш учун берилаётган сувни йиғиш ва олиб ташлаш учун қурилма билан жиҳозланган бўлиши лозим.

298. Ярим қуруқ пресслаш пайтида пресс-формани тўлдириш даражаси созлаш қурилмаси билан созланган бўлиши лозим.

299. Ярим қуруқ пресслаганда пресслаш ҳудуди металл сетка тўсиқ билан тўсилган бўлиши лозим. Пресс юритувчиси ишлаётган пайтида тўсиқлар стол ва пресс-формани ҳимоялаши лозим. Пресслаш ҳудудининг тўсиғи юритувчи билан шундай блокировка қилинган бўлиши лозимки, тўсиқ ечилган ёки нотўғри ўрнатилган бўлса, юритувчи автоматик тарзда ўчиши лозим.

300. Пресснинг айланма столлари ишчи жойлар тарафидан металл сетка тўсиқ билан тўсилган бўлиши лозим. Пресс столлари ва пресс-формани механик тозалаш учун қурилма бўлиши лозим.

301. Пресслар бункердан чангланувчи аралашмалардан ғиштни пресслаганда ҳаво тозалаш аппаратлари орқали аспирация тизимига уланган бўлиши лозим.

302. Пресс бункерлари хом ашё аралашмасининг бункерда осилиб қолишини ва ёпишиб қолишининг олдини олиш мақсадида қурилма (мешалка, қирғич, электр тебраткич) билан жиҳозланган бўлиши лозим.

303. Пресс чуқурлари темир тўшама билан ёпилган ёки тўсилган бўлиши лозим. Чуқурликка кириш пресс юритувчиси билан шундай боғланган бўлиши лозимки, пресси люки ёки юритувчисининг эшиги очилганида автоматик тарзда ўчсин.

15-§. Иссиқлик тарқатувчи ускуналар

304. Ҳамма иссиқлик чиқарувчи (қуритиш қурилмалари, айланувчи туннель, шахта, ўчоқлар) ускуналар ишчи хоналардаги конвекцион ва нурланиш иссиғининг олдини олувчи ёки кескин камайтирувчи қурилма ва мосламалар билан таъминланиши лозим.

305. Канал тўсиқлари, ҳаво ўтказгичларининг фланец уланишларининг,

қуритиш қурилмасининг канали ва ҳаво ўтказгичлари люклари зичланган бўлиши лозим. Зичлатгичлар ишлаб чиқариш хонасига иссиқ чиқишини бартараф қилиши лозим.

306. Қуритиш қурилмалари сийракликда ишлаши лозим. Улар газ-чанг тутувчи қурилмалар ва портлашга қарши клапанлар билан жиҳозланган бўлиши лозим. Қуритиш қурилмалари камера ва туннелда сийраклик катталигини доимо текширувчи асбоб билан жиҳозланган бўлиши лозим.

307. Ишловчиларнинг қуритиш камера ва тунелларига кириши ҳавонинг ҳарорати 40°C дан ошганида рухсат этилмайди.

308. Газ печларининг автоматика тизими газни етказиб берилишини қуйидаги ҳолларда тўхтатиш керак:

а) газ босимининг ўрнатилган босимдан йўл қўйилмаган даражага (0,01 МПа (0,1 кгс/см²) етганида;

б) ҳаво тортишнинг бузилиши (вентилятор тўхташи);

в) горелкаларга ҳавони мажбурий етказиш тизими тўхтаганида.

309. Газ ёқилғисида ишлаётган печлар ёндириш учун запал қурилмаси билан жиҳозланган бўлиши лозим.

310. Печлар суюқ ёқилғида ишлаганида қуйидаги талабларга риоя қилиниши лозим:

а) мазут сақловчи омборлар резервуарлардаги мазутнинг сатҳи ва ҳароратини ўлчаб турувчи асбоб ёки мослама билан таъминланган бўлиши;

б) ишлаб чиқариш биноларида ўрнатилган сарфлаш сифимлари мазутни авариявий тўқиш қурилмаси билан жиҳозланган бўлиши;

в) мазут хўжалигидаги арматура ва резервуарларни иситиш учун ҳарорати 100°C дан ошмаган буғ ёки иссиқ сув қўлланиши;

г) ўтхоналарга олиб боровчи мазут қувурлари беркитувчи қурилмалар билан жиҳозланган бўлиши.

311. Айланма печнинг бош юритувчиси ёрдамчи ускуна ва механизмлар билан автоматик блокировка қилинган бўлиши лозим.

312. Айланма печларнинг марказлашган бошқариш тизими бўлмаган ҳолларда ўчоқлар боши, хом ашё аралашмасини таъминловчи ва ёқилғи тайёрлаш бўлимлари, электрофильтр кичик станцияси ўртасида телефон алоқа ўрнатилиши лозим.

313. Айланма печлар ишга тушиши ва ёқилиши ҳақидаги огоҳлантирувчи овоз ва ёруғлик сигнализацияси билан таъминланган (лампа, сирена) бўлиши лозим. Сигнализация сигналини хизмат кўрсатувчи ходимлар иш зонасида яхши эшитилиши ва кўриниши таъминланиши лозим.

314. Айланма печлар чанг кўмирли ёқилғида ишлаганида кўмир таъминловчи кичик айланишда ишга туширилиши лозим. Айланишларни кўпайтириш ёқилғи тўлиқ ёнишига қараб аста-секин амалга оширилиши лозим.

315. Айланма печлар суюқ ёқилғида ишлаганда цех мазут хўжалиги алоҳида хонада жойлашган бўлиши лозим. Мазут сарфлаш сифимлари авариявий тўқиш ускунасига эга бўлиши лозим.

316. Печ ичига кириш учун совутгичнинг шахтаси устига кенглиги 1 м

дан ва баландлиги 0,5 м дан кам бўлмаган тўсиқли қўшимча планкага эга трап ўрнатилиши лозим.

317. Печнинг қизиган учида прожекторли ёритгич ўрнатилиши лозим. Печ ичида 12 V дан ошмайдиган кучланишдаги кўчириладиган электр ёритгичлар бундан ташқари аккумулятор фонарлар қўлланиши лозим.

318. Туннел печ вагонеткалар составини печларга киритиш учун итаргич билан жиҳозланган бўлиши лозим. Печнинг юклаш ва юк бўшатиш томонлари икки томонлама овоз ва ёруғлик сигнализацияси билан жиҳозланган бўлиши лозим. Печнинг эшиклари фақат вагонеткаларни юклаш ва бўшатиш вақтида очилиши лозим.

319. Шахтали печ газ-чанг тутувчи қурилмалари ва портлашга қарши ҳимояловчи клапанлар билан жиҳозланган бўлиши лозим. Ёқилғи етказиб бериш қувурларидаги ёпувчи ва созлаш қурилмаларини печнинг тавақасидан ташқарида жойлаштириш керак.

320. Чанг ўтказиш камераларидан чангнинг олиниши механизациялашган бўлиши лозим. Чанг ўтказиш камераларини кўздан кечириш ва тозалаш ишлари, тахлама ва қопламани таъмирлаш рухсат-наряд асосида амалга оширилиши лозим.

16-§. Сепараторлар

321. Сепараторлар, шунингдек уларнинг юклаш ва юк бўшатиш қурилмалари ишлаб чиқариш хоналарига чанг кирмаслиги учун зичланган бўлиши лозим.

322. Сепараторлар виброизоляторларда ўрнатилган бўлиши лозим.

323. Ҳаволи марказга интилувчи сепараторлар металл майдончали доимий нарвонлар билан жиҳозланган бўлиши лозим.

324. Ҳаволи марказга интилувчи сепараторлар ротори балансировка қилинган бўлиши лозим.

325. Тебранувчи ҳаво сепараторларининг ечиладиган қопқоқлари зичланган, синмайдиган ойнадан ясалган бўлиши лозим.

326. Сепаратор тебратгичлари яхлит металл тўсиқлар билан тўсилган бўлиши лозим.

17-§. Иш жойларига қўйиладиган хавфсизлик талаблари

327. Иш жойлари кўтариш механизмлар ёрдамида ташилаётган юкларнинг кўчириш ҳудудидан ташқарида бўлиши, мослама ва асбобларни сақлаш учун жавон ёки шкафлар билан жиҳозланиши лозим.

328. Бир турдаги майда буюмлар, ярим тайёр маҳсулотлар ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини тараларга жойланган ҳолатда иш жойига тахлаш ва ташиш транспортда бажарилиши лозим.

329. Ускуна, дастгоҳ ва механизмларда бегона нарсалар бўлмаслиги лозим.

330. Буюмларни тозалаш, аспирацион тизими билан жиҳозланган махсус ажратилган участкаларда бажарилиши лозим.

331. Пулт ёки бошқарув шити олдидаги доимий иш жойида созланувчи (бурилиш ҳисобига, горизонтал ва вертикал бўйича созланувчи) ўриндиқ қўйилиши ва норматив ҳужжатлар талабига мувофиқ бўлиши лозим.

332. Камера ёки қудуқдаги ишлар юқори хавфли ишларга тенглаштирилади ва улар рухсат-наряд асосида амалга оширилиши лозим. Бунда, қўйидаги эҳтиёткорлик чораларига риоя қилиш лозим:

а) ишни икки ишловчидан кам бўлмаган ҳолда бажариш, шундан бири тепада туриб қудуққа ёки камерага тушган ходимнинг хавфсизлигини кузатиб туриши;

б) қудуққа ёки камерага тушишидан олдин, унда газ мавжудлиги синчиклаб текширилиши;

в) қудуқ ёки камерага тушиш олдидан газни тўла чиққанига ишонч ҳосил қилиши;

г) ишчини қудуққа ёки камерага тушиши фақат ҳимояловчи камар, хавфсизликни таъминловчи узунлиги қудуқ чуқурлигидан 2 м дан узунроқ бўлган арқон ва қудуқдан 2 м дан ёнига чиқувчи шлангли изоляцияланган противогаз бўлиши лозим.

18-§. Зарарли омиллар таъсир даражасини амалдаги белгиланган меъёрлар миқдоригача камайишини таъминловчи услублар ва чоралар

333. Ишлаётганларга шовқин ва тебранишнинг зарарли таъсирини бар-тараф этиш мақсадида, қўйидаги чора-тадбирларни кўриш керак:

а) шовқин ва тебранишни ҳосил қилувчи ускунани алмаштириш имконини берувчи технологик жараёнга ўзгартириш ёки шовқин ва тебранишни ютувчи тузилмаларни қўллаш;

б) стационар ўрнатилган машиналар ва механизмлар остидаги фундаментга, изоляцияловчи прокладкани жойлаштириш;

в) агрегатлар учун шовқин тутувчи ёки уни алоҳида қисмларини қўллаш, тебранаётган сиртни тебранишини тутувчи, юқори ички ишқаланишли материаллар (битум шимдирилган рубероид, махсус пластмасса ва мастикалар) билан қоплаш;

г) темир қисмларни, пластмасса деталларга ўзгартириш, хизмат кўрсатувчи ходимлар учун шовқин тутувчи кабиналарни жиҳозлаш;

д) агрегатларни чиқарувчи ва сўрувчи тешигига, шовқин пасайтиргичларни ўрнатиш, юк кўтарувчи конструкциялар (балка, фермалар)га турли шовқин ютувчи материаллар билан ишлов бериш;

е) хоналар ички сиртларини шовқин ютувчи материаллар билан қоплаш;

ж) қўл пневматик асбобида ишлашда, олдини олиш тадбирлари сифатида, ҳимоя қўлқопларини қўллаш.

334. Ишлаётганларга шовқин таъсирини бартараф этиш мақсадида, шунингдек қуйидагилар қўлланилади:

- а) машиналарни шовқин манбаида, уни пасайтирувчи техник воситалар;
- б) иш жойларида товуш босими даражаси меъёрлардан ошмайдиган технологик жараёнлар;
- в) шовқин машиналарни масофадан бошқариш;
- г) шахсий ҳимоя воситалари;
- д) ташкилий тадбирлар (иш ва дам олиш рационал режимини танлаш, шовқин шароитида таъсир вақтини қисқартириш, даволаб — олдини олиш ва бошқа тадбирлар).

335. Ишловчи организмга таъсир қиладиган тебраниш ҳосил қилувчи асбоб, механизм ва ускуналар билан ишлашда, тебранишни ҳосил қилувчи ишлаб чиқариш ускунаси норматив ҳужжатлар талабига мувофиқ бўлиши лозим.

19-§. Электр ускуналарни ишлатиш вақтида электр хавфсизлиги талаблари

336. Электр қурилмаларини ва тармоқларини монтаж қилиш ва ишлатиш вақтида «Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан техник фойдаланиш қоидалари» (рўйхат рақами 1383, 2004 йил 9 июль) ва «Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан фойдаланишда техника хавфсизлиги қоидалари» (рўйхат рақами 1400, 2004 йил 20 август) талабларига риоя қилиш керак.

337. Ҳар бир ташкилотда маъмурият буйруғи билан тегишли муҳандис-техник ходимлардан ташкилот электр хўжалигининг умумий ҳолати учун жавобгар шахс тайинланиши ва ундан мазкур Қоидаларни бажарилишини таъминлаш талаб этилиши лозим.

338. Шахснинг билими текширилиб, электр хавфсизлиги бўйича кучланиши 1000 V гача бўлган электр ускуналарга IV гуруҳ, электр хавфсизлиги бўйича кучланиши 1000 V ва ундан юқори бўлган ускуналар бўйича V гуруҳ берилгандан кейин жавобгар шахсни тайинлаш ҳақидаги буйруқ чиқарилади. Ташкилотда бош энергетик лавозими бўлса, электр хўжалиги бўйича жавобгарлик унга юкланади.

V. Таъмирлаш ишларини бажаришда меҳнат хавфсизлиги талаблари

1-§. Таъмирлаш ишларини ўтказиш тартиби ва шароити

339. Ташкилот худудида ишлаб чиқаришни (цех) ёки цехда қурилма, агрегат, айрим асбоб-ускуналарни таъмирлашга тўхтатиш учун ташкилот (цех) бўйича буйруқ (фармойиш) чиқарилиши лозим. Буйруқда пудратчилардан бевосита иш раҳбари, шунингдек кўрсатилган ишларга ускуналар ва объектни

тўлиқ тайёрлаш, ишларни хавфсиз амалга ошириш ва пудратчилар ёки буюртмачининг таъмирлаш хизмати билан тезкор алоқалар учун жавобгар шахслар ҳамда тегишли чора-тадбирлар белгиланади.

340. Барча ускуналарда ташкилот бош муҳандиси тасдиқлаган жадвал бўйича белгиланган муддатларда режали таъмирлаш ишлари ўтказилади.

341. Таъмирлаш ишларида банд бўлган пудратчининг барча ходимлари таъмирлаш ишлари бошланишидан олдин, ушбу цехда ишларни хавфсиз олиб бориш учун ходимлар хавфсизлик техникаси бўйича кириш йўриқномасидан ўтказилиши лозим. Йўриқномадан ўтказиш ишлари буюртмачи томонидан амалга оширилади.

342. Режалаштирилган ишларни бажаришдан олдин меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномадан ўтказиш ишлари пудратчи ташкилот томонидан ўтказилиши лозим.

343. Пудратчи ишлаётган ҳудудда буюртмачи томонидан зарарли ва ёниш хавфи бўлган моддаларни пайдо бўлишига йўл қўймайдиган норматив санитария-гигиеник шароитлар яратилиши керак.

344. Асбоб-ускуна ва коммуникацияларда таъмирлаш ишларини амалга оширишдан олдин, қуйидагилар бажарилиши лозим:

а) электр энергия таъминотидан ўчириш;

б) асбоб-ускуна ва коммуникацияларни технологик муҳит қолдиқларидан, асбоб-ускунани зарарли, заҳарли ва ёнувчи газ ва маҳсулотлардан бўша тиш;

в) таъмирланадиган асбоб-ускуна, коммуникация, қудуқ ва ўралардаги инерт, ёнувчи, заҳарли газлар ва кислород миқдорини тегишли таҳлилларини ўтказиш йўли билан текшириш.

345. Баландикдаги ишларда фақат таянч ёки резинали қопламалар билан таъминланган соз нарвонлардан фойдаланиш лозим.

346. Ташкилот ҳудудида қазиш ишларини бажаришда буюртмачи пудратчига наряд-рухсатнома билан бирга тегишли цех ва хизматлар билан келишилган рухсатномани ёзма тарзда топшириши керак.

347. Пудратчининг эҳтиёжлари учун электр энергияни улаш, шунингдек, иш тугаганидан кейин узиш, цех бошлигининг рухсати бўйича буюртмачининг бош энергетик хизмати томонидан бажарилади.

348. Таъмирлаш ишлари тугалланганидан сўнг асбоб-ускуна ва коммуникацияларни қабул қилиш далолатномаси икки томонлама имзоланиб, ушбу асбоб-ускуна ва коммуникацияларни ишга тушириш ҳақида фармойиш чиққандан сўнг, фойдаланишга қабул қилиниши лозим.

2-§. Ускуна ва мосламани таъмирлашга топшириш ва уни фойдаланишга қабул қилиш тартиби

349. Ишчилар бажариладиган иш хусусиятига мувофиқ соз асбоб ва мосламалар жамламаси билан таъминланиши лозим.

350. Асбоб ва мосламалар ҳолати ойига камида бир марта текширилиши лозим.

351. Техник хизмат кўрсатиш, даврий ва капитал таъмирлаш бўйича ишларни бажариш тартибида, ишлаб чиқарувчи завод тасдиқлаган таъмирлаш ва фойдаланиш ҳужжатида белгиланган зарур иш ҳажмини кўрсатиш лозим.

352. Технологик ускуна таъмирланганидан сўнг синаш ва ишлатиб кўриш зарур. Қисм ва агрегатларни ишлатиб кўриш аввало 2 соат давомида «салт» ҳаракатда, сўнг 10 соат давомида иш юклови остида бажарилади.

353. Ишлатиб кўриш учун механизмларни ёқишдан олдин, тармоқлар тўғри йиғилгани, бегона жисмлар йўқлигини кўриши ва ишонч ҳосил қилиши, ҳаво узатиш пневматик тизимнинг тўғри уланганлиги, қотириш мустаҳкам ва тўғри қилинганлигига ишонч ҳосил қилиш лозим.

354. Агрегатнинг юритувчи электр юргизгичларини ёқишдан олдин, айланма арралаш ва фуговал дастгоҳ вентиляторлар патрубкарларини кўздан кечириш лозим.

355. Синов ва ишлатиб кўриш даврида таъмирланган тармоқ ва агрегатларни барча йиғиш дефекти, электродвигател ва тармоқ подшипникларининг қизиши даражаси, мой оқиши баргараф қилиниши лозим.

356. Ускуна йиғилганидан ёки таъмирланганидан сўнг ундан фойдаланишдан олдин қуйидагиларни бажариш зарур:

- а) ишчиларни хавфсиз жойга ўтказиш;
- б) машина ташқариси ва ичидан бегона буюмларни олиб ташлаш;
- в) ҳимоя тўсиқлари мавжудлиги ва мустаҳкамлигини текшириш;
- г) ҳаракатланувчи қисмларни мойлаш ва созлаш;
- д) ҳимояловчи ва назорат ўлчов асбобларининг созлигини текшириш;
- е) ускуна йиғилишининг тўғрилигини текширишда, ўзаро боғлиқ ҳаракатланувчи механизмларнинг тўлиқ циклида уни ҳаракатланувчи қисмини айлантириш;

ж) усқунани салт ҳаракатда ва иш юклови остида синаш.

357. Усқунани таъмирлангандан сўнг фойдаланишга яроқлилиги қабул қилувчи комиссиянинг далолатномасида қайд қилинади.

VI. Меҳнат муҳофазаси қоидаларини бузганлиги учун жавобгарлик

358. Мазкур Қоидаларга амал қилиш учун жавобгарлик тегишли ишларни бажарувчи ташкилотлар зиммасига юклатилади.

359. Мансабдор шахслар ва ходимлар меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилмаганликлари учун қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ
БОШҚАРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

511 Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий
стандарти (10-сон МБМС) «Кўчмас мулк қиймати-
ни баҳолаш»ни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
18 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2044*

(2009 йил 28 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 26 апрелдаги ПҚ–335-сонли «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» ва 2008 йил 24 апрелдаги ПҚ–843-сонли «Баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифати учун уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандарти (10-сон МБМС) «Кўчмас мулк қийматини баҳолаш» иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб ўн кундан сўнг кучга киради.

Раис

Д. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 12 октябрь,
01/19-18/21-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат мулки қўмитасининг 2009 йил
12 октябрдаги 01/19-18/21-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий
стандарти (10-сон МБМС)
«Кўчмас мулк қийматини баҳолаш»**

Мазкур Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандарти (10-сон МБМС) «Кўчмас мулк қийматини баҳолаш» (кейинги ўринларда 10-сон МБМС деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг «Баҳолаш фао-

лияти тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 208-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 апрелдаги ПҚ–843-сонли «Баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифати учун уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 18-сон, 145-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикасидаги баҳолаш фаолиятини норматив жиҳатдан тартибга солинишини белгилайди.

I боб. Умумий қоидалар

1. 10-сон МБМСнинг мақсади кўчмас мулк қийматини баҳолашнинг атама ва тушунчаларини, ахборотга қўйиладиган талабларни, баҳолашни амалга ошириш тартибини, баҳолаш ёндашувлари ва усулларини, баҳолаш натижаларини расмийлаштиришга қўйиладиган талабларни ўрнатувчи нормалари ва қоидаларини белгилашдир.

2. 10-сон МБМСда қўйидаги атамалар ва тушунчалар қўлланилади:

аналог — асосий иқтисодий, физик, техник ва бошқа тавсифларга кўра баҳолаш объектига ўхшаш, нархи ўхшаш шартларда тузилган битимдан ёки рақобатли бозорда қилинган таклифдан маълум бўлган бошқа объект;

ялпи рента мультипликатори — кўчмас мулк объектининг сотув нархи ва ялпи (потенциал ёки ҳақиқий) даромади нисбатини акс эттирувчи кўрсаткич;

пул оқими — муайян давр мобайнида кўчмас мулк объектидан олинadиган пул маблағлари оқими;

ер участкаси — ер фондининг қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, ҳуқуқий режимга ҳамда давлат ер кадастрида акс эттириладиган бошқа хусусиятларига эга бўлган қисмидир;

ихтисослаштирилмаган кўчмас мулк — очик бозорда сотиб олинadиган, сотиладиган ва ижарага берилadиган кўчмас мулк;

кўчмас мулкка бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини юклаш — гаровга, ижарага бўлган ҳуқуқни, сервитутларни, чеклашларни, шартнома бўйича мажбуриятларни, мулкни ушлаб қолиш ҳуқуқини, суднинг мулкни хатлаш тўғрисидаги қарорини, ҳуқуқларни топширишни ва қонун ҳужжатларида белгиланган, кўчмас мулкка нисбатан олинadиган бошқа ҳуқуқларни ўз ичига олувчи кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ. Кўчмас мулкка бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини юклаш қонун ҳужжатларига ёки шартномага мувофиқ белгиланади;

капиталлаштириш умумий ставкаси — аналоглар соф операцион даромадларининг уларнинг нархларига нисбатлари таҳлили асосида белгиланadиган кўрсаткич;

қурилиши тугалланмаган объект — қурилиш ишлари бошланган, лекин баҳолаш санасида ҳали тугалланмаган ва (ёки) объект қурилишини молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, фойдаланишга қабул қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган объект;

ихтисослаштирилган кўчмас мулк — ўз хусусиятига (конструктив хусусиятлари, ихтисослиги, катта-кичиклиги, жойлашган ерига ёки мазкур омиллар бирикмасига) кўра ундан фойдаланишнинг муайян тури билан чекланган фойдали хоссаларга эга бўлган ва очиқ бозорда камдан-кам сотиладиган (корхонанинг бир қисми сифатида сотилган ҳоллар бундан мустасно) кўчмас мулк;

дисконтлаш ставкаси — баҳоланаётган кўчмас мулк объектини яратиш ёки ўзгартириш билан боғлиқ бўлган тахмин қилинаётган барча харажатларни ва ҳисоб-китобларга кўра у келгусида яратадиган даромадни мазкур объектни баҳолаш санасига келтириш учун фойдаланиладиган фоиз ставкаси;

капиталлаштириш ставкаси — баҳолаш объектига ўхшаш кўчмас мулк объектларининг жорий (муайян санадаги) даромаддорлик кўрсаткичи;

тиклаш қиймати — баҳолаш объектига ўхшаш янги объектни ўхшаш материаллар ва технологиялардан фойдаланиб яратиш харажатлари суммаси;

ўрнига белгилаш қиймати — баҳолаш объектига ўхшаш фойдали хоссаларга эга бўлган янги объектни замонавий материаллар ва технологиялар ёрдамида яратиш харажатлари суммаси;

жорий қиймат — тегишли дисконтлаш ставкасидан фойдаланиб муайян санага келтирилган бўлгуси даромадлар қиймати;

яхшилашлар — ер участкасини ундан кейинчалик фойдаланиш учун ўзгартириш борасидаги фаолият натижасида яратилган ва у билан узвий боғлиқ бўлган ер участкасидаги ўзгаришлар. Яхшилашлар бинолар, иншоотлар, муҳандислик системалари ва тармоқлари, кўп йиллик ўсимликларни ва улар билан жамулжам ҳолда конструктив ёки функционал яхлитликни ташкил этадиган бошқа объектларни ўз ичига олади;

соф рента мультипликатори — кўчмас мулк объектининг сотув нархи ва соф операцион даромади нисбатини акс эттирадиган кўрсаткич.

II боб. Қўлланиш соҳаси

3. Қуйидаги кўчмас мулк объектлари 10-сон МБМС қоидалари татбиқ этиладиган баҳолаш объектлари ҳисобланади:

бўш турган (яхшиланмаган) ер участкалари;

иморат қурилган ер участкалари (яхшилашлар амалга оширилган ер участкалари).

Баҳолаш объектлари қиймати уларга бўлган мулккий (ашёвий ва мажбурий) ҳуқуқлар, уларга бошқа шахслар ҳуқуқларининг юкланиши ва мазкур ҳуқуқларга доир чеклашларни ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

4. 10-сон МБМС баҳоловчи ташкилотлар, баҳоловчилар ҳамда баҳолаш хизматларининг буюртмачилари учун мўлжалланган ва кўчмас мулк қийматини баҳолаш бўйича хизматлар кўрсатишда ва кўчмас мулк қийматини баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ишончилигини текширишда қўлланилиши мажбурийдир.

5. 10-сон МБМС хусусийлаштириш мақсадида кўчмас мулкни баҳолашда, шунингдек мазкур мақсадда амалга ошириладиган баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ишончилигини текширишда қўлланилмайди.

6. 10-сон МБМСни амалиётда қўллашда ушбу 10-сон МБМСнинг иловасида келтирилган Услубий кўрсатмалардан фойдаланиш лозим.

III боб. Бухгалтерия ҳисоби стандартлари билан алоқадорлик

7. 10-сон МБМС талабларига мувофиқ бажарилган кўчмас мулк қийматини баҳолаш натижаларидан баҳолаш объекти қайси шахслар балансида турган бўлса, шу шахслар бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот маълумотларига тузатиш киритиш учун фойдаланишлари мумкин, башарти бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда активларни бошланғич (тарихий) қийматига мувофиқ баҳолаш умумий қоидаларидан чекиниш назарда тутилган бўлса.

8. Молиявий ҳисобот тузиш мақсадида баҳолашни бажаришда кўчмас мулк унга эгалик қилиш мақсадларига қараб қуйидаги тоифаларга ажратилади:

корхона (бизнес) фаолиятида фойдаланиладиган кўчмас мулк;

ҳозирги ёки бўлғуси ижара даромадини олиш учун ёки капитал қийматини сақлаб туриш ёки кўпайтириш учун фойдаланиладиган инвестицион кўчмас мулк;

ишлаб чиқариш (бизнес) эҳтиёжлари учун ортиқча бўлган кўчмас мулк;

ўзлаштириш ва ривожланиш мақсадлари учун мўлжалланган кўчмас мулк;

товар захиралари сифатида фойдаланиладиган кўчмас мулк.

9. Корхона (бизнес) фаолиятида фойдаланиладиган кўчмас мулкни баҳолашда қуйидагилар баҳолаш базаси сифатида қабул қилинади:

мавжуд фойдаланишдаги бозор қиймати — ихтисослаштирилмаган кўчмас мулк, шу жумладан тижоратга оид имкониятларига мувофиқ баҳоланаётган кўчмас мулк учун;

ўрнига белгилаш қолдиқ қиймати — ихтисослаштирилган кўчмас мулк учун.

Инвестицион кўчмас мулкни ва ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун ортиқча бўлган кўчмас мулкни баҳолашда баҳолаш базаси сифатида бозор қиймати қўлланилади.

Ўзлаштириш ва ривожланиш мақсадлари учун мўлжалланган кўчмас мулкни баҳолашда баҳолаш базаси сифатида:

ихтисослаштирилмаган кўчмас мулк учун — бозор қиймати;

ихтисослаштирилган кўчмас мулк учун — ўрнига белгилаш қолдиқ қиймати қўлланилади.

Товар захиралари сифатида фойдаланиладиган ва жорий активлар ҳисобланадиган кўчмас мулкни баҳолашда мазкур активларнинг бухгалтерия ҳисоби хусусиятларини эътиборга олиш лозим.

IV боб. Стандарт талаблари

10. Кўчмас мулк қийматини баҳолаш қўйидаги босқичлардан ташкил топади:

баҳолашга оид вазифани белгилаш ва баҳолаш объектини баҳолаш тўғрисида шартнома тузиш;

ахборот йиғиш ва уни таҳлил қилиш;

кўчмас мулкдан энг мақбул ва энг самарали фойдаланишнинг таҳлили;

баҳолаш ёндашувлари ва усулларини танлаш, асослаш ва қўллаш;

баҳолаш натижаларини, қўлланилган баҳолаш ёндашувларини мувофиқлаштириш ва баҳолаш объектининг якуний қийматини аниқлаш;

баҳолаш тўғрисида ҳисобот тузиш.

1-§. Баҳолашга оид вазифани белгилаш

11. Баҳолашга оид вазифа буюртмачи томонидан баҳоловчи ташкилот билан ҳамкорликда тузилади ва баҳолаш объектини баҳолаш тўғрисидаги шартномага илова сифатида расмийлаштирилади. Баҳолашга оид вазифада қўйидагилар кўрсатилиши лозим:

баҳолаш объектининг тавсифи;

баҳолаш санаси;

баҳолаш мақсади (мақсадлари) ва баҳолаш натижаларидан фойдаланиш мўлжали;

баҳолаш мақсадига мувофиқ бўлган қиймат тури;

фаразлар ва чекловчи шартлар;

буюртмачи ёки унинг вакили тақдим этиши лозим бўлган бошланғич ахборот рўйхати;

баҳолаш ишларини бажариш муддатлари.

Баҳолаш мақсадига ва баҳолаш объектининг хусусиятларига қараб баҳолашга оид вазифа қўшимча шартларни ўз ичига олиши мумкин.

12. Баҳолаш объектининг тавсифи қўйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

баҳолаш объектининг номини;

баҳолаш объектининг манзили (жойлашган ери)ни;

баҳоланаётган кўчмас мулк таркиби ҳақидаги унинг ҳар бир таркибий қисмини идентификация қилиш учун етарли бўлган ахборот кўрсатилган маълумотларни;

баҳоланаётган кўчмас мулкка бўлган мулккий ҳуқуқлар, шунингдек мазкур ҳуқуқларга доир чеклашлар ва уларга бошқа шахслар ҳуқуқларининг юкланиши ҳақидаги маълумотларни.

Баҳолаш объектига нисбатан учинчи шахсларнинг мулккий ҳуқуқларини, мазкур объектдан фойдаланишдаги чеклашларни ва унга бошқа шахслар ҳуқуқларининг юкланишини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаган тақдирда, унинг қийматини баҳолаш, агар баҳолашга оид вазифада ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўлса, баҳоловчи томонидан кўрсатилган ҳуқуқлар, чек-

лашлар ва бошқа шахслар ҳуқуқларининг юкланиши йўқлиги ҳақидаги фарздан келиб чиқиб амалга оширилади.

13. Баҳолаш мақсади сифатида баҳолаш натижаларидан ёки баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботдан фойдаланишнинг буюртмачи томонидан мўлжалланаётган усули кўрсатилади.

14. Кўчмас мулк қийматини баҳолашда баҳолаш объектининг бозор қиймати аниқланиши лозим, агар баҳолаш объектини баҳолашда қўлланилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ёки баҳолаш объектини баҳолаш тўғрисидаги шартномада ўзгача тартиб ўрнатилган бўлмаса. Бозор қийматидан бошқача қиймат аниқланиши лозим бўлган ҳолатларда қўлланиш сабаблари ҳамда аниқланаётган қиймат ва бозор қиймати ўртасидаги фарқлар баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда баён этилиши ва ёритиб берилиши лозим.

Баҳолаш объектининг бозор қиймати олди-сотди битимини тузиш харажатлари ва битим билан боғлиқ бўлган солиқларни ҳисобга олмасдан аниқланади.

2-§. Ахборот йиғиш ва уни таҳлил қилиш

15. Баҳоловчи баҳолаш ёндашувлари ва усулларини асосли равишда танлаш ва қўллаш учун зарур ва етарли бўлган ҳажмда баҳолаш объекти ҳақида ахборот ва бозорга оид ахборотни йиғиш ва таҳлил қилишни амалга оширади.

16. Қўйидагилар баҳолаш объекти ҳақидаги ахборот манбалари ҳисобланади:

буюртмачи ёки ўзга ваколатли шахс томонидан тақдим этиладиган бошланғич ахборот;

баҳоловчи баҳолаш объектини кўздан кечириш жараёнида ҳамда баҳолаш объекти мулкдори ва (ёки) ундан фойдаланувчилар билан суҳбатлашиш натижаларига кўра олган ахборот;

учинчи шахслар ва ташкилотлардан олинган, шунингдек оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғида эълон қилинган ахборот.

17. Бошланғич ахборот қўйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у билан тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномани;

ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатни;

ҳокимият органларининг ер участкасини бериш (ажратиш) тўғрисидаги қарорини;

бинолар ва иншоотларга доир кадастр ҳужжатларини;

баҳолаш объектига бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини юклашлар (баҳолаш объектига бўлган ҳуқуқларга нисбатан чеклашлар) мавжудлиги ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган ҳужжатларни;

баҳоланаётган яхшилашларнинг ҳажмий-режалаштириш ва конструктив тавсифларига доир ахборотни ўз ичига олган ҳужжатларни;

баҳолаш объектидан мавжуд фойдаланишга доир ахборотни;

кўчмас мулк объектнинг келиб чиқиши ва ривожланиш тарихи ҳақидаги маълумотларни;

баҳолаш объекти ва унинг қисмларининг ривожланиш режалари (янги қурилиш, реконструкция, таъмирлаш) ҳақидаги маълумотларни;

юримдик шахсларга қарашли бўлган объектларга нисбатан баҳолаш объектнинг сўнгги ҳисобот санасидаги баланс (қолдиқ ва бошланғич) қиймати тўғрисидаги маълумотномани;

ретроспектив ва прогноз молиявий ахбороти, шу жумладан объектдан тижорат мақсадида фойдаланишнинг асосий кўрсаткичлари (харажатлар моддалари бўйича йиллик фойдаланиш харажатлари, даромадлар манбалари бўйича объектдан фойдаланишдан олинган даромадлар)ни.

Тақдим этилаётган бошланғич ахборот баҳолаш объекти мулкдорининг (агар баҳолаш объекти юримдик шахсга қарашли бўлса) имзоси ва муҳри билан тасдиқланган ҳолдагина ҳақиқий ҳисобланади.

Баҳолаш мақсадига ва баҳолаш объектнинг хусусиятларига қараб, баҳоловчи бошланғич ахборот рўйхатини кенгайтириши ёки баҳолашни амалга ошириш жараёнида керакли ахборотни талаб қилиб олиши мумкин.

18. Баҳолаш объектни кўздан кечириш чоғида баҳоловчи яхшилашларнинг тавсифлари ва амалдаги ҳолати ҳақида маълумотлар йиғиш мақсадида объектни текширишни амалга оширади. Бунда қуйидагилар аниқланиши лозим:

асосий қурилиш конструкцияларининг типи;

асосий қурилиш материалларининг тури;

геометрик кўрсаткичлар;

қурилиш конструкциялари ва муҳандислик асбоб-ускуналарининг амалдаги ҳолати.

Лойиҳа-смета ҳужжатлари мавжуд бўлган тақдирда амалдаги конструктив ечимлар, ишлатилган қурилиш материаллари ва қурилиш-монтаж ишлари ҳажмларини ҳужжатларда кўрсатилган маълумотлар билан таққослаш амалга оширилади.

Лойиҳа-смета ҳужжатлари мавжуд бўлмаса, баҳолаш объектнинг геометрик кўрсаткичлари ўлчаш ишларини бажариш йўли билан аниқланади.

Конструктив элементлар, муҳандислик системалари ва асбоб-ускуналарнинг амалдаги ҳолати сиртдан кўздан кечириш йўли билан аниқланади.

19. Баҳоловчи қуйидагиларни тавсифловчи бозорга оид ахборотни қўшимча равишда йиғиши ва таҳлил қилиши лозим:

баҳолаш объектнинг қийматига таъсир этувчи макроиқтисодий (ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, экологик ва бошқа) омилларни аниқлаш учун баҳолаш объекти жойлашган мамлакат ва минтақадаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни;

баҳолаш объекти жойлашган минтақадаги кўчмас мулк бозорини ва унинг баҳолаш объекти мансуб бўлган сегментини;

баҳолаш объекти жойлашган ерни (объектнинг яқин атрофидаги муҳитнинг жорий тавсифи, объект атрофидаги ҳудудни ривожлантириш режалари).

3-§. Энг мақбул ва энг самарали фойдаланиш таҳлили

20. Энг мақбул ва энг самарали фойдаланиш таҳлили кўчмас мулк бозор қийматини аниқлашнинг ажралмас қисми ҳисобланади ва баҳолаш объектдан фойдаланишнинг унинг энг катта қийматини таъминлайдиган, юридик жиҳатдан йўл қўйиладиган, физик жиҳатдан амалга ошириш мумкин бўлган ва молиявий жиҳатдан ўзини оқлайдиган вариантини танлашдан иборатдир.

21. Энг мақбул ва энг самарали фойдаланиш таҳлилини амалга ошириш чегараси ва кўриб чиқилиши лозим бўлган муқобил фойдаланиш вариантлари сони баҳолашга оид вазифа шартлари ва баҳолаш объектнинг хусусиятларига қараб белгиланади.

Баҳолаш объектдан энг мақбул ва энг самарали фойдаланиш таҳлили баҳоловчи томонидан икки босқичда амалга оширилади:

бўш турган (яхшиланмаган) деб қараладиган ер участкаси учун; яхшилашлар мавжуд бўлган ер участкаси учун.

22. Яхшилашлар мавжуд бўлган ер участкасидан фойдаланиш унинг бозор қиймати бўш турган ер участканинг қийматидан ортиқ бўлган тақдирда энг самарали деб эътироф этилади.

Баҳолаш объекти бозор қийматининг олинган миқдори ер участкасидан фойдаланиш вариантларининг қайси бирига мувофиқ эканлиги баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда кўрсатилиши лозим.

4-§. Баҳолаш ёндашувлари ва усулларини танлаш, асослаш ва қўллаш

23. Баҳолаш объектини баҳолашни амалга оширишда баҳоловчи баҳолашнинг даромадга оид, қиёсий ва харажатга оид ёндашувларидан фойдаланиши (ёки фойдаланишдан воз кечиш сабабларини асослаши) лозим.

24. Ҳар бир баҳолаш ёндашуви доирасида 10-сон МБМСда белгиланган усулларни танлашни баҳоловчи баҳолаш мақсади, баҳолаш объектнинг хусусияти ва ривожланиш имкониятлари, чекловчи шартлар, ахборот базаси мавжудлиги ва унинг тўлиқлигини ҳисобга олиб мустақил амалга оширади.

25. Баҳолаш объекти қийматини даромадга оид ёндашув билан аниқлаш учун баҳоловчи баҳолаш объектдан кутилаётган даромадларни баҳолаш санасида қийматнинг ягона миқдорига ўзгартиришга асосланган қуйидаги усуллардан бирини қўллайди:

тўғридан-тўғри капиталлаштириш усули;
пул оқимларини дисконтлаш усули.

26. Тўғридан-тўғри капиталлаштириш усули жорий фойдаланиш кўрсаткичи энг самарали фойдаланиш кўрсаткичига мувофиқ бўлган амалдаги кўчмас мулк объектини баҳолаш учун қўлланилади.

Тўғридан-тўғри капиталлаштириш усулини қўллаганда баҳоловчи:

баҳолаш объектидан кутилаётган даромадни ҳисоблайди;
капиталлаштириш ставкаси ёки рента мультипликаторини ҳисоблайди;
баҳолаш объекти қийматини даромадни капиталлаштириш ставкасига бўлиш ёки ялпи ёки соф рента мультипликаторига кўпайтириш йўли билан аниқлайди.

27. Ўзгартирилиши лозим бўлган кутилаётган даромад сифатида унинг қуйидаги турларидан бири олинади:

эҳтимол тутилган ялпи даромад, яъни кўчмас мулкдан у тўлиқ юкланган шароитда ҳамда барча йўқотишлар ва харажатларни ҳисобга олмаган ҳолда олиниши мумкин бўлган даромад;

эҳтимол тутилган ялпи даромаддан майдонлардан тўлалигича фойдаланмаслик туфайли юз берган йўқотишларни айириш ва ижара ҳақи олинганда кўчмас мулк объектидан бозор мақсадларида нормал фойдаланишдан олинган бошқа даромадларни қўшиш йўли билан олинadиган ҳақиқий ялпи даромад;

ҳақиқий ялпи даромаддан амортизация ажратмаларини ўз ичига олмайдиган операцион харажатларни айириш йўли билан олинadиган соф операцион даромад.

28. Капиталлаштириш ставкаси баҳоланаётган актив даромадлари тuzилиши ва мавжуд ахборотга қараб, қуйидаги усуллардан бири билан ҳисобланади:

бозорни сиқиш усули билан;

боғлиқ инвестициялар усули билан;

капитал харажатлар қопланишини ҳисобга олиш усули билан.

Капиталлаштириш ставкаси ва ялпи ёки соф рента мультипликатори ўзгартирилаётган даромад турига мувофиқ бўлиши лозим.

29. Кўчмас мулк объектининг таркибий қисмларидан бири (ер участкаси ёки яхшилашлар) қиймати ҳақида зарурий бошланғич маълумотлар мавжуд бўлса, бошқа таркибий қисм қиймати кўчмас мулкнинг қийматини унга мувофиқ бўлган капиталлаштириш ставкасидан фойдаланиб ҳисоблаш талаб этиладиган таркибий қисмига мансуб бўлган даромадни тўғридан-тўғри капиталлаштиришдан иборат бўлган қолдиқ техникасини йўллаш йўли билан аниқланади.

30. Пул оқимларини дисконтлаш усули даромадлар ва харажатларнинг ўзгариш динамикаси мунтазам бўлмаган кўчмас мулк объектларини баҳолаш учун қўлланилади. Баҳолаш объекти қиймати пул оқимларини дисконтлаш усули билан баҳолаш объектидан фойдаланишдан келган пул оқимларининг прогноз давридаги жорий қийматлари ва баҳолаш объектининг прогноз даври тугаганидан кейинги жорий қиймати йиғиндиси сифатида аниқланади.

Пул оқимларини дисконтлаш усулини қўллаганда баҳоловчи:

прогноз даври муддатини аниқлайди;

прогноз даврида олинadиган пул оқимлари қийматларини ҳисоблайди;

баҳолаш объектининг прогноз даври тугаганидан кейинги қийматини ҳисоблайди;

дисконтлаш ставкасини ҳисоблайди;

баҳолаш объекти қийматини пул оқимларининг жорий қийматлари ва баҳолаш объектининг прогноз даври тугаганидан кейинги жорий қийматини қўшиш йўли билан аниқлайди.

31. Прогноз даври сифатида, қоида тарикасида, шундай бир давр муддати олинадики, унинг мобайнида кўчмас мулк объекти харажатлар ва даромадларнинг мунтазам бўлмаган оқимларини яратади.

32. Прогноз даврида олинadиган пул оқимлари ўлчови сифатида қуйидаги даромад турларидан бири олинади:

эҳтимолий ялпи даромад;

хақиқий ялпи даромад;

соф операцион даромад;

солиқлар тўлангунга қадар қарзга хизмат кўрсатиш бўйича харажатлар чегириб ташланган соф операцион даромадга тенг бўлган пул оқими;

Пул оқимлари номинал ёки реал ўлчовларда ҳисобланади.

33. Баҳолаш объектининг прогноз даври тугаганидан кейинги қиймати: баҳолаш объектининг прогноз даври тугаганидан кейинги қиймати унинг баҳолаш санасидаги қиймати билан солиштириганда қанчага ўзгаришини тахмин қилиш йўли билан;

прогноз даври қайси йилда тугаган бўлса, шу йилдан кейин келадиган йил учун даромад қийматини тўғридан-тўғри капиталлаштириш йўли билан аниқланади.

34. Дисконтлаш ставкаси қуйидаги усуллардан бири билан ҳисобланади:

кумулятив тузиш усули билан;

муқобил инвестицияларни таққослаш усули билан;

ўхшаш объектларнинг сотилиши ҳақидаги бозор маълумотларини ажратиш усули билан.

Дисконтлаш ставкаси қўлланилаётган пул оқимининг турига мувофиқ бўлиши ва у билан бир хил қийматларда ҳисобланиши лозим.

35. Баҳолаш объекти қийматини қиёсий ёндашув билан аниқлаш учун баҳоловчи ўхшаш объектлар билан битимларнинг бозор нархларига доир ахборот таҳлиliga асосланган қуйидаги усуллардан бирини қўллайди:

сотувларни таққослаш усули;

нарх ва даромад нисбати усули.

Битимларнинг нархларига доир ахборот етарли бўлмаган ҳолда, нархнинг пасайишига скидкани ҳисобга олиб, таклиф нархларига доир ахборотдан фойдаланишга йўл қўйилади.

36. Сотувларни таққослаш усулини қўллаганда баҳоловчи:

кўчмас мулк бозорининг бир сегментига мансуб бўлиши ва улар билан битимлар бозорнинг шу сегментига хос бўлган шартларда амалга оширилиши лозим бўлган аналоглар тўпламини шакллантиради;

баҳолаш объекти бозорига хос бўлган таққослаш бирликларини танлайди;

аналогларни баҳолаш объекти билан таққослаш элементлари (нарх белгиловчи омиллар)га кўра, таққослаш бирликларидан фойдаланган ҳолда со-

лиштиради ва ҳар бир таққослаш элементи бўйича баҳолаш объектига нисбатан ҳар бир аналог нархига тузатишлар киритади;

аналоглар нархларининг тузатиш киритилган қийматларини мувофиқлаштириш йўли билан баҳолаш объекти қийматининг ягона миқдорини чиқаради.

37. Таққослашнинг ҳисобга олиниши шарт бўлган асосий элементларига қуйидагилар киради:

топширилаётган мулкӣ ҳуқуқлар;

молиялаштириш шартлари;

сотув шартлари;

хариддан кейинги харажатлар;

бозор шартлари;

жойлашган ери;

баҳолаш объектининг физик тавсифлари;

баҳолаш объектининг иқтисодий тавсифлари;

фойдаланиш тури;

кўчмас мулк таркибига кирмайдиган қиймат компонентлари.

Юқорида кўрсатилган таққослаш элементларининг дастлабки бештаси бўйича аналогларнинг нархларига тузатишлар киритиш бирин-кетин бажарилади — ҳар бир кейинги тузатиш олдинги тузатиш натижасига қўлланилади. Қолган таққослаш элементлари бўйича тузатишлар киритиш мустақил асосда — ҳар бир таққослаш элементи учун алоҳида бажарилади.

38. Таққослама сотувларнинг тузатишлар киритилган қийматларини ягона қийматга мувофиқлаштириш, қоида тариқасида, ўртача ўлчанган қийматни ҳисоблаш йўли билан амалга оширилади, бунда аналоглар нархларининг энг кам тузатишлар киритилган қийматларига энг катта оғирлик берилади.

39. Нарх ва даромад нисбати усули ўхшаш объектлар бўйича нарх ва даромад нисбатининг таҳлиллиги ва мазкур таҳлил натижасидан баҳолаш объектини баҳолашда фойдаланишга асосланади. Даромад турига қараб ялпи рента мультипликатори ёки капиталлаштириш умумий ставкаси қўлланилади.

Нарх ва даромад нисбати усулини ялпи рента мультипликатори ёрдамида қўллаганда баҳоловчи:

баҳолаш объектининг ялпи (потенциал ёки ҳақиқий) даромадини ҳисоблайди;

сотув нархи ва тегишли даромад қиймати ҳақида ахборот мавжуд бўлган аналоглар тўпламини шакллантиради;

зарур ҳолда аналогларнинг баҳолаш объекти билан қиёсийлигини оширадиган тузатишлар киритади;

ҳар бир аналог бўйича сотув нархини ялпи даромадга бўлиш йўли билан ялпи рента мультипликаторини ҳисоблайди;

барча аналоглар бўйича ялпи рента мультипликаторининг ўртача ўлчанган қийматини аниқлайди;

баҳолаш объектининг ялпи даромадини ялпи рента мультипликаторининг

ўртача ўлчанган қийматига кўпайтириш йўли билан баҳолаш объекти қийматини ҳисоблайди.

Капиталлаштириш умумий ставкаси фойдаланилган ҳолда нарх ва даромад нисбати усулини қўллаганда баҳоловчи:

баҳолаш объектининг соф операцион даромадини ҳисоблайди;

сотув нархи ва соф операцион даромад қиймати ҳақида ахборот мавжуд бўлган аналоглар тўпламини шакллантиради;

зарур ҳолда аналогларнинг баҳолаш объекти билан қиёсийлигини оширадиган тузатишлар киритади;

хар бир аналог бўйича соф операцион даромадни сотув нархига бўлиш йўли билан капиталлаштириш умумий ставкасини ҳисоблайди;

барча аналоглар бўйича капиталлаштириш умумий ставкасининг ўртача ўлчанган қийматини аниқлайди;

баҳолаш объектининг соф операцион даромадини капиталлаштириш умумий ставкасининг ўртача ўлчанган қийматига бўлиш йўли билан баҳолаш объекти қийматини ҳисоблайди.

40. Баҳолаш объекти қиймати харажатга оид ёндашув билан ер участкасига бўлган мулкӣ ҳуқуқлар қиймати ва яхшилашлар тиклаш қиймати (ўрнига белгилаш қиймати)нинг йиғилган эскириш ҳажми чегириб ташланган йиғиндиси сифатида аниқланади.

Баҳолаш объекти қийматини харажатга оид ёндашув билан аниқлашда баҳоловчи қуйидагиларни ҳисоблайди:

ер участкасига бўлган мулкӣ ҳуқуқлар қийматини;

яхшилашларни тиклаш ёки ўрнига белгилаш харажатларини;

кўчмас мулк объектини яратишда хусусий капиталдан (инвестициялардан) фойдаланиш таваккали учун тадбиркорга (инвесторга) тўланадиган мукофотдан иборат бўлган тадбиркор даромадини;

яхшилашларнинг йиғилган эскириши ҳажмини;

яхшилашларни тиклаш ёки ўрнига белгилаш харажатлари ва тадбиркор даромадининг йиғилган эскириш ҳажмига камайтирилган йиғиндиси сифатида яхшилашлар қийматини;

ер участкасига бўлган мулкӣ ҳуқуқлар қиймати ва яхшилашлар қийматининг йиғиндиси сифатида баҳолаш объекти қийматини.

41. Бўш турган (яхшиланмаган) деб қараладиган ер участкасига бўлган мулкӣ ҳуқуқлар қиймати мазкур ер участкасидан энг самарали фойдаланиш йўли тахмин қилинганда қуйидаги усуллардан бири билан ҳисобланади:

сотувлар қиёсий таҳлили усули билан;

тақсимлаш усули билан;

ажратиш усули билан;

ер рентасини капиталлаштириш усули билан;

ер учун қолдиқ усули билан;

мўлжалланаётган ер участкасидан фойдаланиш усули билан.

42. Яхшилашларни тиклаш ёки ўрнига белгилаш харажатлари қурилиш билан бевосита боғлиқ бўлган тўғридан-тўғри харажатлар ва яхши-

лашларни амалга оширишда қилинадиган, лекин қурилиш-монтаж ишлари таркибига киритилмайдиган билвосита харажатлар йиғиндиси сифатида аниқланади.

Яхшилашларни тиклаш ёки ўрнига белгилаш харажатлари қийматини ҳисоблаш учун қуйидаги усуллардан бири қўлланилади:

қиёсий бирлик усули;

компонентларга ажратиш усули;

айрим нархлар усули, у икки хил асосий турларга эга — ресурсли усул ва базисли-индексли усул;

аналоглар усули.

43. Тадбиркор даромадининг қиймати бозор ахборотига мувофиқ қуйидаги усуллардан бири билан аниқланади:

аналоглар усули билан;

эксперт баҳолаш усули билан;

киритилган харажатлар усули билан.

44. Йиғилган эскириш ҳажми физик, функционал ва ташқи (иқтисодий) эскиришлар натижасида бозор қийматидаги йўқотишлар йиғиндиси сифатида аниқланади. Йиғилган эскиришни баҳолаш учун, баҳолашни бажариш мақсадларига ва мавжуд ахборотга қараб, қуйидаги усуллардан бири қўлланилади:

яхшилашларнинг ҳақиқий ёши ва уларнинг иқтисодий хизмат муддатини таққослашга асосланган иқтисодий ёш усули;

йиғилган эскириш ҳажми яхшилашларнинг тиклаш қиймати ёки ўрнига белгилаш қиймати билан ер участкасининг сотув нархидан мазкур участкага бўлган мулкӣ ҳуқуқлар қийматини айириш йўли билан ҳисобланган яхшилашлар қиймати ўртасидаги тафовут сифатида аниқланадиган ўхшаш объектларнинг сотув нархлари таҳлилига асосланган бозор экстракцияси усули;

йиғилган эскиришни физик (бартараф этиладиган ва бартараф этиб бўлмайдиган) эскириш, функционал (бартараф этиладиган ва бартараф этиб бўлмайдиган) ва ташқи (иқтисодий) эскириш йиғиндиси сифатида баҳолашга асосланган ажратиш усули.

5-§. Баҳолаш натижаларини қўлланилган баҳолаш ёндашувларини мувофиқлаштириш ва баҳолаш объектининг якуний қийматини аниқлаш

45. Баҳоловчи баҳолаш объектининг якуний қийматини аниқлаш учун баҳолашда қўлланилган ёндашувларнинг натижаларини мувофиқлаштиришни амалга оширади.

Турли хил баҳолаш ёндашувлари билан олинган баҳолаш натижалари ўртасида жиддий тафовут мавжуд бўлса, баҳоловчи олинган тафовут сабабларининг таҳлилин баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда келтириши лозим. Баҳолаш натижасининг юқори чегарасидан 30 фоиздан ортиқ қийматга эга бўлган тафовут жиддий тафовут деб ҳисобланиши лозим.

46. Мувофиқлаштириш, қоида тариқасида, турли баҳолаш ёндашувлари билан олинган баҳолаш натижалари учун таққослама ўлчовларни аниқлаш орқали амалга оширилади, бунда баҳоловчи:

баҳолаш мақсадини ва баҳолаш натижаларидан фойдаланиш мўлжалини;
баҳолаш объектнинг хусусиятини;

қиймат турини;

баҳолаш ёндашувларини қўллашда фойдаланилган ахборот ҳажми ва сифатини ҳисобга олиши лозим.

47. Мувофиқлаштириш усули ва таққослама ўлчовларнинг танланиши ҳамда бунда, баҳоловчининг барча мулоҳазалари ва фаразлари баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда асосланиши лозим.

48. Баҳолаш объектнинг якуний қиймати пул ҳисобида ягона катталик сифатида ифодаланиши лозим.

6-§. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботга қўйиладиган талаблар

49. Баҳолаш натижалари баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилган ва баҳоловчи ташкилотнинг баҳолаш объекти қиймати хусусидаги йиғилган ахборот ва ҳисоблашлар асосида тасдиқланган профессионал мулоҳазасини ўз ичига олган баҳолаш тўғрисида ҳисобот сифатида расмийлаштирилиши лозим.

50. Ҳисобот баҳолаш миллий стандартлари талабларига мувофиқлик тўғрисидаги баёнотни ва улардан ҳар қандай четга чиқиш ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозим.

51. Баҳолаш тўғрисида ҳисоботни тузишда қуйидаги қоидаларга риоя этиш лозим:

баҳолаш объекти қийматини аниқлаш учун етарли бўлган барча очик ахборот ҳисоботда баён этилиши лозим;

баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг мазмуни мазкур ҳисоботдан фойдаланувчиларни чалғитмаслиги ҳамда икки хил талқинга йўл қўймаслиги керак;

баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда ифодаланган материаллар таркиби ва кетма-кетлиги, баҳолаш жараёни тавсифи, ҳисоблашлар ва ҳисоблашларга изоҳлар баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботдан фойдаланувчига қийматни ҳисоблашни амалга ошириш имкониятини бериши ва уни айни шу натижаларга келтириши лозим;

баҳолаш жараёнида оралик ва якуний натижаларни аниқлашда фойдаланилмаган ахборот, агар у баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига биноан мажбурий бўлмаса, баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда келтирилиши мумкин эмас.

52. Кўчмас мулк қийматини баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот қуйидаги асосий бўлимлардан иборат бўлиши лозим:

титул варағи;

мундарижа;

умумлаштирувчи қисм (илова хат);
баҳолашга оид вазифа ҳамда асосий фактлар ва хулосалар;
баҳолаш объектининг тавсифи;
баҳолаш объекти бозорининг таҳлили;
энг мақбул ва энг самарали фойдаланиш таҳлили;
баҳолаш ёндашувлари ва усулларининг танланиши ва қўлланилиши тавсифи;
баҳолаш объектининг якуний қийматини аниқлаш;
иловалар.

Бўлимларни жойлаштириш кетма-кетлиги, уларни номлаш ва бўлимлар доирасида ахборотни гуруҳлаш баҳоловчининг ваколатига киради ва баҳоловчи томонидан бажарилган баҳолаш ҳамда таҳлил ва ҳисоб-китобларнинг натижаларини баён этиш мантиқига мувофиқ амалга оширилади.

53. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг иловаларига қуйидагилар кирилади:

фойдаланилган ҳужжатларнинг нусхалари, шу жумладан баҳолаш объектига ҳуқуқларни белгиловчи ҳужжатларнинг нусхалари, кадастр ҳужжатлари бўлимларининг нусхалари;

баҳоланаётган объектнинг унинг баҳолаш санасидаги техник ҳолати акс эттирилган фотоматериаллари;

баҳоловчи ташкилотини лицензиясининг нусхаси, баҳоловчиларнинг малака сертификатлари ва баҳоловчи ташкилотнинг фуқаролик мажбурияти суғурта полисининг нусхалари;

баҳоловчининг ихтиёрига қараб бошқа материаллар.

54. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг ҳар бир бети рақамланиши ва баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказган баҳоловчи (баҳоловчилар) томонидан имзоланиши, шунингдек, баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот ип ўтказиб тикилиши ҳамда баҳоловчи ташкилот раҳбарининг имзоси ва шу ташкилот муҳри билан тасдиқланиши лозим. Агар баҳолаш бир нечта баҳоловчилар томонидан бажарилган бўлса, баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда мазкур ҳисоботни тайёрлаш жараёнида улар бажарган иш кўрсатилади.

V боб. Айрим турдаги кўчмас мулкни баҳолаш хусусиятлари

55. Тижорат салоҳиятига мувофиқ баҳоланадиган кўчмас мулк учун баҳолаш базаси мавжуд фойдаланишдаги бозор қийматидир. Мазкур тоифадаги кўчмас мулкка меҳмонхоналар, ресторанлар, барлар, тижорат тиббий-соғломлаштириш муассасалари, спорт, дам олиш, кўнгилочар объектлари ва бошқа шунга ўхшаш объектлар киради.

Тижорат салоҳиятига мувофиқ баҳоланадиган кўчмас мулк объектлари олиниши мумкин бўлган даромаддан келиб чиқиб (фоизлар, солиқлар ҳамда моддий ва номоддий активлар эскириши чегириб ташлангунга қадар) пул оқимларини дисконтлаш усули ёки тўғридан-тўғри капиталлаштириш усули билан баҳоланади.

Тижорат салоҳиятига мувофиқ баҳоланаётган кўчмас мулк баҳосига ер участкасига бўлган мулкӣ ҳуқуқлар ва яхшилашлардан ташқари кўчмас мулк билан бириктирилган асбоб-ускуналар ва жиҳозлар ҳамда бериладиган гудвилл (товар-моддий захиралардан ташқари) киритилади.

Бериладиган гудвилл номоддий актив бўлиб, у ўзига хос ном, бизнес обрўси, миҳозларнинг афзалликлари, жойлашган ер, сервис маҳсулоти ва иқтисодий самара келтирадиган бошқа шунга ўхшаш омиллар туфайли вужудга келади.

56. Қурилиши тугалланмаган объектнинг қиймати харажатга оид ёндашув билан қуйидаги усуллардан бири ёрдамида ҳисобланади:

қурилиши тугалланмаган объектнинг тиклаш қиймати ёки ўрнига белгилаш қиймати йиғилган эскириш чегириб ташланган ҳолда ҳисобланади;

қурилиш тугалланган кўчмас мулк объектнинг қиймати қурилишни тугаллаш харажатлари чегириб ташланган ҳолда ҳисобланади.

Ҳисобланган қийматга ер участкасига бўлган ҳуқуқларнинг бозор қиймати қўшилади.

Қурилиши тугалланмаган объектнинг қиймати даромадга оид ёндашув билан пул оқимларини дисконтлаш усули ёрдамида, баҳолаш объектини тугаллаш ёки реконструкция қилиш (қайта ихтисослаштириш)га инвестицияларни ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Қурилиши тугалланмаган объектнинг қийматини баҳолашга қиёсий ёндашув аналогларнинг сотилиши ҳақида зарур маълумотлари мавжуд бўлган ҳолда қўлланилади.

57. Табиий ёки техноген хусусиятга эга бўлган омиллар таъсири туфайли шикастланган кўчмас мулк қиймати мазкур кўчмас мулкнинг тиклаш қийматига ёки тиклаш харажатлари чегириб ташланган ўрнига белгилаш қийматига мувофиқдир. Тиклашдан воз кечилган тақдирда, кўчмас мулк қиймати бўш турган деб қараладиган ер участкасига бўлган мулкӣ ҳуқуқлар қиймати билан уни шикастланган мулкдан тозалаш харажатлари ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади.

58. Бинонинг ички қисмида қурилган унинг бир қисми ҳисобланадиган хоналар қийматини аниқлашда ер участкасига бўлган мулкӣ ҳуқуқлар қиймати ҳисобга олинмайди

VI боб. Ахборотни ошкор этишга қўйиладиган талаблар

59. Баҳолаш жараёнида фойдаланилган ахборотни баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда ошкор этиш шундай амалга оширилиши лозимки, мазкур ҳисоботнинг баҳолаш фаолияти соҳасида махсус билимларга эга бўлмаган фойдаланувчилар баҳолаш жараёни мантиқини ва баҳолаш объектнинг қийматини аниқлаш учун баҳоловчи бажарган амалларнинг аҳамиятини тушуниши керак.

60. Баҳолаш жараёнида қўлланилган барча ахборот ошкор этилиши лозим, махфий хусусиятга эга бўлган ахборот бундан мустасно. Махфий ахборотни баҳоловчи фақат буюртмачи ва (ёки) мазкур ахборотни тақдим

этган шахслар билан келишган ҳолда ёки суднинг тегишли қарорига биноан ошкор этади. Фойдаланилаётган ахборотнинг махфийлик даражаси буюртмачи ва (ёки) мазкур ахборотни тақдим этувчи ёки унга бевосита алоқадор бўлган шахслар томонидан белгиланади.

61. Баҳолашда фойдаланилган ва баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда келтирилган ахборот унинг манбасига ҳавола қилинган бўлиши лозим, бунда мазкур манба ёзма ёки оғзаки эканлиги аҳамиятсиз.

VII боб. Стандартдан четга чиқиш шартлари

62. 10-сон МБМСнинг баҳолаш жараёни ва олинган натижани баён этиш, баҳолашга ва якуний қиймат ҳақидаги хулосага дахлдор бўлган ҳар қандай фаразлар ва чекловчи шартларни ошкор этиш билан боғлиқ талабларидан бирон-бир тарзда четга чиқилишига йўл қўйилмайди.

63. Баҳолаш талаблари мазкур стандарт талабларидан фарқ қиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатга мувофиқ амалга оширилган тақдирда, баҳоловчи мазкур фарқларни, аниқланаётган қиймат турини танлашга уларнинг таъсирини аниқлаши ва олинган натижани қўллашга чеклашлар белгилаши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш
миллий стандарти (10-сон МБМС)
«Кўчмас мулк қийматини баҳолаш»га
ИЛОВА

10-сон МБМС «Кўчмас мулк қийматини баҳолаш»ни қўллаш бўйича услубий кўрсатмалар

Мазкур Услубий кўрсатмалар 10-сон МБМСни қўллаш тартибини белгилайди.

I боб. Атамалар ва тушунчалар

1. Мазкур Услубий кўрсатмаларда қуйидаги атамалар ва тушунчалардан фойдаланилади:

таваккалсиз ставка — кўчмас мулкка инвестицияланган капиталдан олинадиган, таваккалчиликнинг энг паст даражаси билан тавсифланадиган даромад меъёри;

ҳақиқий ёш — яхшилашларнинг уларнинг ҳолати ва фойдали хоссаларига мувофиқ бўлган, яхшилашларнинг иқтисодий хизмат муддатидан уларнинг қолган иқтисодий хизмат муддатини айириш йўли билан ҳисобланадиган ёши. Фойдаланиш шароитларига қараб яхшилашларнинг ҳақиқий ёши уларнинг амалдаги (хронологик) ёшидан кичкина, унга тенг ёки ундан катта бўлиши мумкин;

ташқи (иктисодий) эскириш — кўчмас мулк объекти қиймати мазкур объектдан ташқи омиллар таъсири натижасида пасайиши;

йиғилган эскириш — кўчмас мулк объектининг жисмоний, функционал ва ташқи эскириш билан боғлиқ умумий қийматининг йўқолиши (кадр-сизланиши);

бартараф этиб бўлмайдиган эскириш — шундай бир эскириш бўлиб, уни бартараф этиш харажатлари бартараф этиш натижасида кўчмас мулк объектига қўшиладиган қийматидан кўпроқдир;

бартараф этиб бўладиган эскириш — шундай бир эскириш бўлиб, уни бартараф этиш харажатлари бартараф этиш натижасида кўчмас мулк объектига қўшиладиган қийматидан камроқ ёки унга тенгдир;

жисмоний эскириш — табиий қариш, нотўғри фойдаланиш, конструктив нуқсонлар, шунингдек яхшилаш элементларининг механик шикастланишлари билан белгиланган яхшилашлар қийматидаги йўқотиш;

функционал эскириш — яхшилашлар тўлалигича ёки айрим элементларига кўра бозор талабларига мувофиқ эмаслиги билан белгиланган яхшилашлар қийматидаги йўқотиш;

таваккалчилик учун мукофот — таваккалсиз ставка бўйича қўйилмалар билан таққослаганда, кўчмас мулкка қўйилмаларга хос бўлган таваккалчилик даражасини акс эттирадиган даромаднинг қўшимча нормаси;

иктисодий хизмат муддати — шундай бир давр муддати бўлиб, унинг ўтиши мобайнида яхшилашлар кўчмас мулк объектининг қийматига хисса қўшади;

хизмат муддати узоқ элементлар — яхшилашнинг хизмат муддати билан тенг бўлган муддатга эга яхшилаш элементлари;

хизмат муддати қисқа элементлар — яхшилашнинг хизмат муддати мобайнида вақти-вақти билан алмаштириб туришни талаб этадиган яхшилаш элементлари.

II боб. Баҳолашга оид вазифани белгилаш

2. Баҳолашга оид вазифани белгилашда баҳоловчи баҳолаш объектини белгилайди ва унга тавсиф беради. Бунда, баҳолаш объекти сифатида бўш турган (яхшиланмаган) ер участкаси ёки иморат солинган ер участкаси (яхшилашлардан иборат ер участкаси) олинади.

Баҳолаш объектининг қиймати унга бўлган мулкый (ашёвий ва мажбуриятга оид) ҳуқуқлар, мазкур ҳуқуқларга доир чеклашлар ва уларга бошқа шахслар ҳуқуқларининг юкланишини ҳисобга олиб аниқланади. Бундай ҳуқуқларга қуйидагилар киради:

тўла мулкдорлик ҳуқуқи;

эгаллик қилиш ҳуқуқи;

тасарруф этиш ҳуқуқи;

фойдаланиш ҳуқуқи;

ер участкасига умрбод мерос қилиб қолдириладиган эгаллик ҳуқуқи;

уч участкасидан доимий (муддатсиз) фойдаланиш ҳуқуқи;

ижарага олиш ҳуқуқи;
сервитут;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа ҳуқуқлар.

Баҳолаш шартномаси шартларига ва баҳолаш объектининг хусусиятларига қараб тўла мулкдорлик ҳуқуқини ёки айрим мулкый ҳуқуқларни баҳолаш белгиланиши мумкин.

3. Ер участкасини яхшилашларга қўйидагилар киради:

ер участкасида жойлашган алоҳида бинолар, иншоотлар ва уларнинг гуруҳлари, мазкур участкага тегишли бўлган ер ости иншоотлари ёки уларнинг қисмлари;

биноларга барча узоқ муддатли уланишлар, чунончи: ички сув таъминоти, иситиш ва совутиш системалари, электр таъминоти, газ тармоқлари, шунингдек ўрнатилган стационар қурилмалар (машиналар, асбоб-ускуналар);

ер участкасига ва биноларнинг ички тармоқларига уланган муҳандислик иншоотлари, коммуникациялар ва тармоқлар;

мазкур участкага тегишли бўлган, лекин унинг чегарасидан ташқарида жойлашган хўжалик, транспорт ва муҳандислик таъминоти элементлари;

участка ҳудудини ободонлаштириш объектлари, шу жумладан кўп йиллик ўсимликлар;

инфратузилма объектларидаги мулк улушлари;

баҳоланаётган мулк билан яхлит мажмуани ҳосил қилувчи, конструктив ёки функционал жиҳатдан унинг ажралмас қисми бўлган бошқа объектлар.

4. Бинода ва ер участкасида ўрнатилган стационар қурилмалар баҳолаш мақсадларида икки тоифага ажратилади:

бино хизмат кўрсатиш системаларининг кўчмас мулк баҳосига киритиладиган таркибий элементлари;

кўчмас мулк объектида олиб борилаётган бизнесда фойдаланиладиган, ер участкаси ва яхшилашлардан алоҳида баҳоланадиган стационар қурилмалар.

Кўчмас мулк баҳосига киритиладиган стационар қурилмалар, машиналар ва асбоб-ускуналар биноларнинг қўйидаги хизмат кўрсатиш системаларига киради:

электр таъминоти — ноишлаб чиқариш эҳтиёжларини кондириш учун мўлжалланган марказий қувватлантирувчи кабеллар, трансформаторлар, қалқонли, захирадаги генераторлар ва электр тармоқлари;

газ таъминоти — газ станцияларигача ва уларнинг доирасидаги газ қувур йўллари, шунингдек ноишлаб чиқариш эҳтиёжларини кондириш учун мўлжалланган бинолар доирасидаги газ қувур йўллари;

сув таъминоти — резервуарлар, қудуқлар ва скважиналар, насослар, сув тозалаш ускуналари, баклар, тақсимлаш тармоқлари, дренаж қурилмалари ва канализация системалари;

иситиш ва ҳаво ҳароратини мақбуллаштириш — қозонлар ва тегишли асбоб-ускуналар, ёнилғи баклари, радиаторлар, калориферлар, кондиционер-

лар учун асбоб-ускуналар, ҳаво йўналтириш қувурлари, вентиляторлар ва ноишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланиладиган бошқа асбоб-ускуналар;

лифтлар ва юк кўтаргичлар — бино тузилишининг ажралмас қисмини шакллантирадиган ва нотижорат мақсадларида фойдаланиладиган йўловчи ва юк лифтлари, эскалаторлар, транспортёрлар, юк кўтаргичлар ва таянчлар.

5. Қиймат турини танлашнинг асосий мезони баҳолаш мақсадидир. Кўчмас мулкни баҳолашда аниқланадиган қийматнинг асосий тури бозор қийматидир. Кўчмас мулк қийматини баҳолашда аниқланиши мумкин бўлган бозор қийматидан бошқа турдаги қийматларга қуйидагилар киради:

- инвестиция қиймати;
- алмаштириш қолдиқ қиймати;
- суғурта қиймати;
- утилизация қиймати;
- тугатиш қиймати;
- солиқ солинадиган қиймат.

6. Баҳолаш санаси баҳолаш мақсадларидан келиб чиқиб белгиланади ва, қоида тариқасида, баҳоловчи томонидан баҳолаш объектини кўздан кечириш санасига мувофиқ бўлади. Баҳоловчи баҳолаш санасидагина мавжуд бўлган ҳолатларни ва баҳолаш санасига қадар юз берган воқеаларни эътиборга олиши лозим.

III боб. Ахборот йиғиш ва уни таҳлил қилиш

7. Баҳолаш объектининг бозор қиймати тўғрисида асослантирилган хулоса чиқариш учун баҳоловчи минтақадаги ижтимоий-иқтисодий вазият, кўчмас мулк бозори, баҳолаш объекти жойлашган ер ва баҳолаш объектининг тавсифлари ҳақида ахборот йиғиши ва уни таҳлил қилиши лозим.

8. Минтақадаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни таҳлил қилишда баҳоловчи:

- минтақанинг табиий-иқлим хусусиятларини;
- асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни;
- иқтисодиёт тармоқлари бўйича асосий кўрсаткичлар, уларнинг ўзгариш динамикаси ва баҳолаш объектининг бозордаги ҳолатига таъсирини;
- ижтимоий ривожланишнинг асосий кўрсаткичлари, уларнинг ўзгариш динамикаси ва баҳолаш объектининг бозордаги ҳолатига таъсирини ўрганади.

Минтақадаги ижтимоий-иқтисодий вазият таҳлилининг натижаларига кўра баҳоловчи баҳолаш объектининг бозордаги жорий ва бўлғуси ҳолатини асослайди, эҳтимол тутилган одатдаги харидор ва унинг инвестицион мотивацияси аниқланади.

9. Кўчмас мулк бозорини таҳлил қилишда баҳоловчи:

- баҳолаш объекти жойлашган минтақадаги кўчмас мулк бозорининг умумий тавсифларини;
- кўчмас мулк бозорининг тузилиши ва иштирокчиларини;

кўчмас мулк бозорининг айрим сегментлари бўйича талаб ва таклиф омилларини миқдорий таҳлил ва тенденциялар таҳлили билан бирга ўрганади.

Бозор тенденцияларининг таҳлили учун зарур бўлган бозорни сегментларга ажратиш кўчмас мулкнинг қуйидаги тоифалари бўйича амалга оширилади:

- тураржой кўчмас мулки;
- тижорат кўчмас мулки;
- саноат кўчмас мулки;
- қишлоқ хўжалиги кўчмас мулки;
- махсус аҳамиятга молик кўчмас мулк.

Баҳолаш объектига ва баҳолаш шартномасининг шартларига қараб кўчмас мулк тоифаларининг ҳар бири муайян белгиларга кўра янада кичикроқ сегментларга ажратилиши мумкин.

Кўчмас мулк бозорининг таҳлили натижаларига кўра баҳоловчи кўчмас мулк бозорида юз бериши мумкин бўлган ўзгаришларни, баҳолаш объектининг кўчмас мулк бозоридаги жорий ва бўлгуси ҳолатини муқобил фойдаланиш имкониятини ҳисобга олган ҳолда асослайди.

10. Баҳолаш объектининг жойлашган ерини таҳлил қилишда баҳоловчи: атрофдаги ердан фойдаланишнинг типи хусусиятини;
- транспортда қатнаш жиҳатидан қулайликни;
- муҳандислик тармоқлари ва коммунал хизмат кўрсатишни;
- ижтимоий инфратузилмани;
- иқтисодий ўрнини;
- туташ ҳудуднинг экологик ҳолатини;
- ижтимоий обрўсини;
- бошқа қулай ва ноқулай таъсирларни ўрганади.

Баҳолаш объекти жойлашган ер таҳлилининг натижаларига кўра баҳоловчи баҳолаш объекти жойлашган ернинг мазкур объект қийматига таъсир этиши мумкин бўлган ижобий ва салбий тавсифлари ҳамда имкониятларини асослайди.

11. Баҳолаш объекти тавсифларини таҳлил қилишда баҳоловчи:

баҳолаш объектининг ҳажмий-режалаштириш ва конструктив ечими хусусиятларини;

баҳолаш объектининг муҳандислик таъминоти хусусиятларини;

конструктив элементлар ва муҳандислик асбоб-ускуналарининг техник ҳолатини ўрганади.

Баҳолаш объекти тавсифларининг таҳлили натижаларига кўра баҳоловчи баҳолаш объекти техник тавсифларининг фойдали хоссалари ўхшаш бўлган кўчмас мулкка фойдаланиш ва функционаллик жиҳатидан қўйилади-ган ҳозирги бозор талабларига мувофиқлигини аниқлайди.

Юзаки кўздан кечиришни амалга ошириш вақтида баҳоловчи айрим конструктив элементлар бўйича яхшилашларни текширади. Мазкур конструктив элементларга қуйидагилар кириди:

- ер ости қисми қурилмалари;

кўтариб турувчи асосни ташкил этадиган қурилмалар;
каватлараро боғланишларнинг элементлари;
ёпма (том) қурилмалари;
девор ва эшик тирқишларининг тўлдиргичлари;
поллар;
ташқи пардоз;
ички пардоз;
ички муҳандислик системалари ва асбоб-ускуналари.

IV боб. Кўчмас мулкдан энг мақбул ва энг самарали фойдаланиш таҳлили

12. Баҳолаш объектдан энг мақбул ва энг самарали фойдаланиш таҳлили икки босқичда амалга оширилади:

бўш турган (яхшиланмаган) деб қараладиган ер участкаси учун;
яхшилашлар мавжуд бўлган ер участкаси учун.

Энг мақбул ва энг самарали фойдаланиш таҳлилини амалга оширишда ҳар бир босқичда баҳоловчи:

кўчмас мулк объектдан фойдаланишнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган эҳтимол тутилган вариантларини зоналарга ажратиш меъёрлари, шаҳарсозликка оид чеклашлар, қурилиш меъёрлари ва қондалари ҳамда юридик чеклашларни ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилади;

фойдаланишнинг рухсат этилган вариантларидан мазкур ер участкасида жисмонан амалга ошириш мумкин бўлганларини ер участкасининг физик тавсифлари, атрофдаги иморатлар ва ер участкасига туташ ҳудуддаги ижтимоий вазиятни ҳисобга олган ҳолда қолдиради;

ер участкасидан фойдаланишнинг жисмонан амалга ошириш мумкин бўлган ва қонун йўли билан рухсат этилган вариантларининг молиявий самарадорлигини қурилиш ёки яхшилашларни реконструкция қилиш харажатларини ва кўчмас мулк объекти яратиши мумкин бўлган даромадларни ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилади;

жорий қиймати энг катта бўлган кўчмас мулк объектдан фойдаланиш вариантини энг самарали фойдаланиш сифатида танлайди.

13. Энг мақбул ва энг самарали фойдаланиш таҳлилини амалга оширишда баҳоловчи баҳолаш санасида кўчмас мулк объектига хос бўлган ва одатдаги инвесторлар томонидан қабул қилинадиган фойдаланиш вариантларини ўрганиши лозим.

14. Яхшилашлар мавжуд бўлган ер участкасидан энг мақбул ва энг самарали фойдаланиш таҳлили мавжуд қурилмаларни ўзгартиришнинг қуйидаги вариантларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади:

мавжуд яхшилашлардан ўзгартирмасдан фойдаланиш;
мавжуд яхшилашларни реконструкция қилиш;
мавжуд яхшилашларни бузиб ташлаш.

15. Энг мақбул ва энг самарали фойдаланиш таҳлили натижаларига кўра баҳоловчи ер участкасидан жорий фойдаланиш ундан энг самарали фойда-

ланишга қай даражада мувофиқ эканлиги тўғрисида хулоса чиқаради ва шунга қараб баҳолашнинг энг мақсадга мувофиқ ёндашувлари ва усулларини танлаш амалга оширилади:

яхшилалашлар мавжуд бўлган ер участкасидан энг мақбул ва энг самарали фойдаланиш бўш турган деб қараладиган ер участкасидан энг мақбул ва энг самарали фойдаланиш билан мувофиқ бўлган тақдирда баҳолашнинг барча ёндашувлари қўлланилади;

яхшилалашлар мавжуд бўлган ер участкасидан энг мақбул ва энг самарали фойдаланиш бўш турган деб қараладиган ер участкасидан энг мақбул ва энг самарали фойдаланиш билан мувофиқ бўлмаган тақдирда баҳолашнинг харажатга оид ва даромадга оид ёндашувлари қўлланилади;

яхшилалашлар мавжуд бўлган ер участкасидан энг мақбул ва энг самарали фойдаланиш бўш турган деб қараладиган ер участкасидан энг мақбул ва энг самарали фойдаланиш билан мувофиқ бўлмаган, мавжуд яхшилалашларни реконструкция қилиш зарур бўлган ҳолда харажатга оид ёндашув ва даромадга оид ёндашувнинг пул оқимларини дисконтлаш усули қўлланилади;

яхшилалашлар мавжуд бўлган ер участкасидан энг мақбул ва энг самарали фойдаланиш бўш турган деб қараладиган ер участкасидан энг мақбул ва энг самарали фойдаланиш билан мувофиқ бўлмаган, мавжуд яхшилалашларни бузиб ташлаш зарур бўлган ҳолда бузиш харажатларини ҳисобга олиб қиёсий ёндашув ва даромадга оид ёндашувнинг пул оқимларини дисконтлаш усули қўлланилади.

V боб. Баҳолаш ёндашувлари ва усулларини танлаш, асослаш ва қўллаш

1-§. Даромадга оид ёндашув

16. Тўғридан-тўғри капиталлаштириш усули энг типик йиллик даромад-ни қийматга уни даромаднинг баҳолаш объектига ўхшаш кўчмас мулк объектлари қийматига нисбати ҳақидаги бозор маълумотлари таҳлили асосида ҳисобланган капиталлаштириш ставкасига бўлиш йўли билан тўғридан-тўғри ўзгартиришга асосланган:

$$V = \frac{I}{R}, \text{ бу ерда:}$$

V — баҳолаш объектининг қиймати;

I — соф операцион даромад;

R — капиталлаштириш умумий ставкаси.

Агар даромад оқимлари даврнинг узок муддати мобайнида барқарор бўлса ёки даромад оқимлари барқарор мўътадил суръатларда ўзгарса, тўғридан-тўғри капиталлаштириш усули қўлланилади.

Агар даромад оқимлари бекарор бўлса ёки баҳолаш объекти жиддий

таъмирлашни (реконструкция қилишни) талаб қилса ёки тугалланмаган қурилиш ҳолатида бўлса, тўғридан-тўғри капиталлаштириш усули, қоида тариқасида, қўлланилмайди.

17. Кўчмас мулк қийматини тўғридан-тўғри капиталлаштириш усули билан ҳисоблаш учун даромаднинг асосий манбаи баҳолаш объекти ижарасидир.

Кўчмас мулк объектидан бошқа даромадлар кўчмас мулк фаолиятдан олиниши ва ижара ҳақиға кирмаслиги мумкин (масалан, гараж ёки автотранспорт учун тўхташ жойидан фойдаланганлик учун ҳақ, сақлаш камераларини тақдим этишдан олинган даромад). Бунда, даромад манбаи баҳолаш объекти билан бевосита ва узвий боғлиқ бўлиши лозим.

18. Қуйидаги ижара ставкалари фарқланади:

мазкур минтақада баҳолаш объекти мансуб бозор сегментига хос бўлган бозор ижара ставкалари;

ижара шартномаси билан белгиланадиган контракт ижара ставкалари.

Бозор ижара ставкасидан кўчмас мулк объектига бўлган тўла мулкдорлик ҳуқуқини баҳолашда фойдаланилади. Контракт ижара ставкаси ижарага берувчининг қисман мулкый ҳуқуқларини баҳолаш учун қўлланилади.

19. Даромад қиймати сифатида, қоида тариқасида, кутилаётган соф операцион даромад (кейинги ўринларда матнда СОД деб юритилади)дан фойдаланилади. СОД қуйидаги кетма-кетликда ҳисобланади:

кўчмас мулк объектидан йил давомида олинадиган потенциал ялпи даромад (ПЯД) ижарага бериш учун мўлжалланган майдонни ижара ставкасига кўпайтириш йўли билан баҳоланади;

ҳақиқий ялпи даромад (ХЯД) майдондан тўла фойдаланмасликдан ва ижара ҳақини йиғишдаги йўқотишларни ПЯДдан айириш ва бошқа даромадларни қўшиш йўли билан аниқланади;

ХЯДдан операцион харажатларни айириб, соф операцион даромад олинади.

20. Майдондан тўла фойдаланмасликдан ва ижара ҳақини йиғишдаги йўқотишлар мазкур бозордаги бошқарувнинг типик даражаси учун бозор кўрсаткичлари бўйича ҳисобланади. Қиёсий объектлар бўйича бозор кўрсаткичларини ҳисоблаш учун зарур ахборот бўлмаса, йўқотишлар қиймати баҳолаш объектига доир ретроспектив ва жорий ахборот таҳлили асосида, улар келгусида ўзгариши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

21. Операцион харажатлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

миқдори кўчмас мулкнинг эксплуатацион юкланганлик даражасига боғлиқ бўлмаган шартли ўзгармас харажатларни;

миқдори кўчмас мулкнинг эксплуатацион юкланганлик даражасига қараб ўзгарадиган шартли ўзгарувчан (эксплуатацион) харажатларни;

алмаштириш харажатлари (захиралар)ни.

Шартли ўзгармас харажатларга қуйидагилар киради:

мол-мулк солиғи;

мол-мулкни суғурталаш харажатлари;

хизмат кўрсатувчи ходимлар маоши (агар у бинонинг юкланишига боғлиқ бўлмаса) ва унга солинадиган солиқлар.

Шартли ўзгарувчан харажатларга қуйидагилар киради:

бошқарув харажатлари;

коммунал харажатлар;

худудни сақлаш харажатлари;

жорий таъмирлаш ишлари учун харажатлар;

хизмат кўрсатувчи ходимлар маоши ва унга солинадиган солиқлар;

хавфсизликни таъминлаш харажатлари.

Алмаштириш харажатларига том, пол тўшами, электроарматура каби ва бошқа тез эскирадиган яхшилашларни вақти-вақти билан алмаштириш харажатлари киради.

22. Капиталлаштириш ставкасини бозорни сиқиш усули билан ҳисоблаш қиёсий кўчмас мулк объектларининг сотув нархлари ва СОД қийматлари ҳақидаги бозор маълумотларига асосланади ва қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$R = \sum_{i=1}^n \left(\frac{I_i}{V_i} * w_i \right), \text{ бу ерда:}$$

R — капиталлаштириш ставкаси;

n — қиёсий кўчмас мулк объектлари сони;

I_i — i-чи кўчмас мулк объектнинг соф операцион даромади;

V_i — i-чи кўчмас мулк объектнинг сотув нархи;

w_i — i-чи натижанинг ўлчови (салмоғи).

23. Капиталлаштириш ставкасини капитал харажатлар қопланишини ҳисобга олиш усули билан ҳисоблаш кўчмас мулк қийматининг ўзгариши прогноз қилинган ҳолда қўлланади ва икки қисм:

пул маблағларидан фойдаланганлик учун таваккалчиликларни ва муайян инвестициялар билан боғлиқ бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда инвесторга тўланиши лозим бўлган компенсация ҳисобланадиган капитал учун даромаддорлик ставкаси $R_{он}$;

бошланғич қўйилмалар суммасининг қайтишини белгилайдиган ва активларнинг эскирадиган қисмига қўлланиладиган капиталнинг қайтиш меъёри $R_{оф}$ дан иборат бўлган капиталлаштириш ставкасини ҳисоблашни назарда тутати.

$$R = R_{он} + R_{оф}$$

Капитал учун даромаддорлик ставкаси кумулятив тузиш усули билан ҳисобланади:

$R_{он}$ = таваккалсиз ставка + кўчмас мулкка қўйилмалар таваккалчилиги

учун мукофот + ликвидликнинг пастлиги учун мукофот + инвестицион менежмент учун мукофот.

Капиталнинг қайтиш меъёрини ҳисоблаш учун қуйидаги усулларнинг биридан фойдаланилади:

инвестицияланган капитал тенг улушларда қопланишини назарда тутадиган Ринг усулидан (тўғридан-тўғри қайтиш):

$$R_{of} = \frac{1}{n}, \text{ бу ерда:}$$

n — инвестициялар қайтарилиши назарда тутилаётган вақт даври; капиталнинг қайтиш суммаларини капитал учун даромаддорлик ставкаси бўйича қайта инвестициялашда фойдаланиладиган Инвуд усулидан:

$$R_{of} = \text{sff} (n, R_{on}), \text{ бу ерда:}$$

sff — R_{on} ставкада қоплаш фонди омили; капиталнинг қайтиш суммалари таваккалсиз ставка бўйича қайта инвестицияланган ҳолда фойдаланиладиган Хоскольд усулидан:

$$R_{of} = \text{sff} (n, R_6), \text{ бу ерда:}$$

R_6 — таваккалсиз ставка.

24. Капиталлаштириш ставкасини боғлиқ инвестициялар усули билан ҳисоблаш кўчмас мулк объекти жалб қилинган маблағлардан фойдаланиб харид қилинган ҳолда амалга оширилади. Капиталлаштириш умумий ставкаси ўртача ўлчанган қиймат сифатида ҳисобланади:

$$R = m \cdot R_m + (1 - m) R_e, \text{ бу ерда:}$$

R_m — жалб қилинган маблағлар учун капиталлаштириш ставкаси (ипотека ўзгармас ставкаси) бўлиб, у кредит бўйича ҳар йилги тўловларнинг ипотека кредити суммасига нисбати сифатида аниқланади;

R_e — хусусий капитал учун капиталлаштириш ставкаси бўлиб, у қиёсий объектларнинг сотилиши ҳақидаги бозор маълумотларига кўра даромаднинг солиқ солингунга қадар қийматини хусусий капитал миқдорига бўлиш йўли билан аниқланади;

m — ипотека қарзи коэффиенти бўлиб, у инвестицияларнинг умумий суммасида жалб қилинган маблағлар улушини кўрсатади ва ипотека кредити суммасини инвестицияларнинг умумий суммасига бўлиш йўли билан аниқланади.

25. Қўлланилаётган капиталлаштириш ставкаси даромад тури, валютаси ва қиймати (номинал ёки реал)га мувофиқ бўлиши лозим. Капиталлаштириш ставкасини номинал қийматдан реал қийматга ва реал қийматдан

номинал қийматга қайта ҳисоблаш қуйидаги формулалар ёрдамида амалга оширилади:

$$R_n = R_p + I_{\text{инф}} + R_p * I_{\text{инф}},$$

$$R_p = (R_n - I_{\text{инф}})/(1 + I_{\text{инф}}), \text{ бу ерда:}$$

R_n — капиталлаштириш номинал ставкаси;

R_p — капиталлаштириш реал ставкаси;

$I_{\text{инф}}$ — инфляция индекси (инфляциянинг йиллик суръати).

Бунда, инфляция индекси ҳисоблаш учун танланган валютага мувофиқ бўлиши лозим.

26. Кўчмас мулк элементларидан бирининг қийматини тўғридан-тўғри капиталлаштириш усули билан ҳисоблаш учун, зарур маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда, қолдиқ техникаси қўлланилади. Ер участкаси қиймати қолдиқ техникаси ёрдамида қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$V_e = \frac{I - V_y * R_y}{R_e}, \text{ бу ерда:}$$

V_e — ер участкаси қиймати;

V_y — яхшилашлар қиймати;

I — кўчмас мулк объектидан олинган соф операцион даромад;

R_e — ер участкасидан олинган даромадлар учун капиталлаштириш ставкаси;

R_y — яхшилашлардан олинган даромадлар учун капиталлаштириш ставкаси.

Яхшилашлар қиймати қолдиқ техникаси ёрдамида қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$V_y = \frac{I - V_e * R_e}{R_y}$$

27. Баҳолаш объектининг қиймати пул оқимларини дисконтлаш усули (кейинги ўринларда матнда ПОД усули деб юритилади) ёрдамида дисконтлаш йўли билан, шундан сўнг баҳоланаётган кўчмас мулкдан фойдаланишнинг ҳар бир йилидаги пул оқимларини, шу жумладан мазкур кўчмас мулкка эгалик даврининг охирида уни қайта сотишдан келадиган пул оқимини қўшиш орқали аниқланади:

$$V = \sum_{i=1}^n \frac{I_i}{(1+D)^i} + \frac{V_n}{(1+D)^n}, \text{ бу ерда:}$$

V — баҳолаш объектининг қиймати;

I_i — прогноз даври i -чи йилининг пул оқими;

D — дисконтлаш ставкаси;

V_n — реверсия (баҳолаш объектининг прогноз даври тугаганидан кейинги қиймати);

i — прогноз даври йилининг рақами;

n — прогноз даврининг охириги йили.

28. Дисконтлаш ставкаси кумулятив тузиш усули билан таваккалсиз ставка ва таваккалчилик учун мукофотларни қўшиш орқали аниқланади. Бунда таваккалчилик учун мукофотларга қўйидагилар киради:

мазкур қўйилмага хос бўлган ноликвидлик (активнинг пул маблағларига айланиш) таваккалчилиги учун мукофот;

мазкур турдаги қўйилмалар учун талаб этиладиган бошқарув иши ҳажми билан белгиланган инвестицион менежмент таваккалчилиги учун мукофот;

баҳолаш объектига хос бўлган қўшимча (сурункали) таваккалчилик учун мукофот.

Таваккалсиз ставка сифатида давлат қимматли қоғозлари бўйича фоиз ставкаси ёки банкларнинг фоиз ставкалари олинади.

Таваккалчилик учун мукофотларни белгилаш экспертиза йўли билан амалга оширилади. Қийматларни ва бунда қабул қилинган фаразларни асослантириш баҳоловчи томонидан баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда келтирилиши лозим.

29. Дисконтлаш ставкасини ўхшаш объектларнинг сотилиши ҳақидаги бозор маълумотларидан ажратиш усули билан ҳисоблаш учун баҳоловчи:

аналогларни танлайди;

ҳар бир аналог учун прогноз давридаги пул оқимларини ва прогноз давридан кейинги қийматни ҳисоблайди;

маълум сотув нархини ва ҳисобланган кўрсаткичларни пул оқимларини дисконтлаш формуласига солиб, олдинма-кетин яқинлашиш йўли билан ҳар бир аналог бўйича дисконтлаш ставкасини аниқлайди;

баҳолаш объекти учун дисконтлаш ставкасини барча аналоглар бўйича ўртача ўлчанган қиймат сифатида аниқлайди.

30. Дисконтлаш ставкасини муқобил инвестицияларни таққослаш усули билан ҳисоблаш, қоида тариқасида, қўчмас мулкнинг инвестиция қийматини аниқлаш вақтида амалга оширилади, бунда дисконтлаш ставкаси сифатида:

инвестор томонидан талаб қилинаётган даромаддорлик даражаси;

муқобил лойиҳаларнинг ва инвестор ихтиёрида мавжуд бўлган молиявий воситаларнинг кутилаётган даромаддорлик даражаси олинади.

31. Қўлланилаётган капиталлаштириш ставкаси даромад тури, валютаси ва қиймати (номинал ёки реал)га мувофиқ бўлиши лозим. Капиталлаштириш ставкасини номинал қийматдан реал қийматга ва реал қийматдан номинал қийматга қайта ҳисоблаш капиталлаштириш ставкасини қайта ҳисоблаш билан айни бир тартибда амалга оширилади.

2-§. Қиёсий ёндашув

32. Баҳолаш объекти қийматини аниқлашда қиёсий ёндашувдан фойдаланиш учун баҳоловчи камида учта аналогни танлаб олиши лозим. Таққослаш аналогларини танлаш учун асосий мезон баҳолаш объектига ўхшаш бўлган энг самарали фойдаланишдир.

33. Баҳолаш объекти қийматини сотувларни таққослаш усули билан баҳолашда таққослаш бирлигини танлаш, қоида тариқасида, кўчмас мулк типи билан белгиланади. Таққослаш бирлиги сифатида қуйидагилар қўлланади:

бино ёки ер участкасининг майдон бирлиги (квадрат метр, сотих, гектар) нархи;

бинонинг ҳажм бирлиги (куб метр) нархи;

тижорат салоҳиятига мувофиқ баҳоланадиган баҳолаш объектлари учун ўрин, номер нархи ва бошқа ўлчов birlikлари.

34. Баҳоловчи қайси таққослаш элементи бўйича аналог ва баҳолаш объекти ўртасидаги фарқни аниқлаган бўлса, шу таққослаш элементи аналогининг нархига тузатишлар киритади.

Топшириладиган мулккий ҳуқуқларга тузатишларни ҳисоблаш учун аналог даромадининг манбалари, тузилиши ва уни ижарага бериш шартлари ҳақида ахборот мавжуд бўлиши лозим.

Молиялаштириш шартларига қараб тузатишлар киритиш аналог билан битимлар тузишда баҳолаш объектига нисбатан кредитлаш схемалари ва ҳақ тўлаш шаклларида фарқлар мавжуд бўлган ҳолда амалга оширилади.

Сотув шартларига қараб киритиладиган тузатишлар харидор ва сотувчи ўзара муносабатларининг таҳлили асосида аниқланади.

Хариддан кейинги харажатларга, масалан, бино ёки унинг бир қисмини демонтаж қилиш харажатлари, ер участкасининг ифлосланишини барта раф этиш харажатлари каби харажатлар киради.

Бозор шартларига қараб тузатишлар киритиш аналог билан битим тузилган санадан баҳолаш объектини баҳолаш санасига қадар ўтган вақтга қараб сотувларнинг нархларига тузатишлар киритишни назарда тутати.

Аналог жойлашган ерга қараб унинг нархига тузатиш киритишни амалга ошириш учун баҳоловчи таққосланаётган объектлар жойлашган ер билан боғлиқ фарқларни аниқлаши ва кўчмас мулк объектининг нархига бу фарқлар қўшган ҳиссани ҳисоблаши лозим.

Физик тавсифлар фарқига қараб тузатиш киритиш қийматга мазкур фарқ қўшган ҳисса билан белгиланади. Тузатиш киритишни амалга ошириш чоғида ўрганиладиган физик тавсифларга қуйидагилар киради: бинонинг катта-кичиклиги, қурилиш сифати, қурилиш материаллари, архитектуравий услуби, бинонинг ёши ва ҳолати, функционал жиҳатдан фойдалилиги, ер участкаси ҳажми ва унда қурилган иморатлар майдони, жалб қилувчанлиги, ободонлаштирилганлиги ва қулайликлари, участка экологияси.

Физик тавсифлар фарқига қараб тузатиш киритишда объектнинг унинг даромадига таъсир этадиган тавсифлари, чунончи: фойдаланиш харажатла-

ри, бошқариш сифати, ижарачиларнинг ишончилиги, ижара нархидаги чегирмалар, ижара шартномаси шартлари, ижара шартномаси тугайдиган муддат, ижарани узайтириш вариантлари ўрганилади.

Фойдаланиш турига қараб тузатиш киритиш аналог сифатида баҳолаш объекти билан мувофиқ келмайдиган энг самарали фойдаланишли объект танланган ҳолда қўлланилади.

Агар аналог қийматига кўчмас мулк ҳисобланмайдиган компонентлар (масалан, бизнес учун асбоб-ускуналар, мебель) киритилган бўлса, уларнинг қиймати аналог қийматидан чегириб ташланиши лозим.

35. Аналоглар сони билан тузатишлар киритиш амалга ошириладиган таққослаш элементларининг нисбатига доир мавжуд ахборотга қараб, баҳоловчи тузатишларни ҳисоблашнинг миқдорий ва сифатга оид усулларини қўллайди.

Агар аналоглар сони аналогларни бирликка қўпайтирилган баҳолаш объекти билан таққослашни амалга оширишда қўлланиладиган таққослаш элементлари сонидан кўпроқ ёки унга тенг бўлса, баҳолаш учун тузатишларни ҳисоблашнинг миқдорий усулларидан фойдаланилади. Мазкур усулларга қуйидагилар киради:

таққослаш элементига қараб киритилмайдиган тузатишни мазкур элементга кўра фарқ қиладиган икки объектни таққослаш йўли билан аниқлаш имкониятини берадиган маълумотлар жуфтлигини таҳлил қилиш усули;

вақт ёки жой белгисига кўра қиймат ўзгаришининг статистик қонуниятларини аниқлаш мақсадида маълумотларни сотув нархи ёки жойлашган ер каби ўзгарувчилар бўйича гуруҳлашни назарда тутадиган маълумотлар гуруҳларини таҳлил қилиш усули;

чизиқли тенгламалар системаларини матрица сифатида ечишга асосланган чизиқли алгебра усули;

кўчмас мулк объектларини корреляцион-регрессион ёки кластерли таҳлил ёрдамида баҳолаш усулини аналоглар сони таққослаш элементлари сонидан беш барабар кўпроқ бўлган ҳолда қўллаш мақсадга мувофиқдир;

график таҳлил усули, бунда баҳоловчи нархларнинг ўзгариш графиклари таҳлили асосида қийматнинг ўзгариш хусусияти ҳақида хулосалар чиқаради;

харажатларни таҳлил қилиш усули. У аналогнинг техник ёки ҳуқуқий тавсифларини баҳолаш объектига келтириш учун мазкур аналогга нисбатан қилиниши лозим бўлган харажатлар ҳақидаги маълумотлардан фойдаланишга асосланади. Бунда тузатишлар ўртача бозор кўрсаткичларига мувофиқ келиши лозим;

кўчмас мулк бўйича ихтисослашган нашрларда келтирилган тавсияларга асосланган иккиламчи маълумотларни таҳлил қилиш усули;

баҳолаш объекти билан таққослаганда аналогнинг камчиликлари ёки афзалликлари билан белгиланган ижара ставкаларидаги тафовутни капиталлаштириш йўли билан тузатишларни ҳисоблашга асосланган ижара фарқларини капиталлаштириш усули.

Агар аналоглар сони аналогларни бирликка қўпайтирилган баҳолаш

объекти билан таққослашни амалга оширишда қўлланилаётган таққослаш элементлари сонидан камроқ бўлса, баҳолаш учун тузатишларни ҳисоблашнинг сифатга оид усулларидан фойдаланилади. Мазкур усулларга қуйидагилар киради:

аналоглар нархларининг ўсиб ёки камайиб борувчи қаторида баҳолаш объектининг ўрнини аниқлаш мақсадида баҳолаш объекти ва аналогларнинг қиёсийлиги таҳлиliga асосланган нисбий қиёсий таҳлил усули;

баҳоловчининг ёки жалб қилинган мутахассисларнинг баҳолаш объекти ва аналоглар хусусидаги субъектив фикрига асосланган экспертиза йўли билан баҳолаш усули.

36. Баҳолаш объектини баҳолаш учун қўлланиладиган тузатишларни ҳисоблаш усулларининг турлари ва сонини танлаш баҳоловчининг ваколатига киради ва баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда баҳоловчи томонидан асослангирилиши лозим.

3-§. Харажатга оид ёндашув

37. Харажатга оид ёндашув билан аниқланадиган баҳолаш объектининг қиймати ер участкасига бўлган мулкый ҳуқуқлар қийматидан ва йиғилган эскириш чегириб ташланган яхшилашларни тиклаш қиймати ёки тадбиркор даромадини ўз ичига оладиган алмаштириш қийматидан иборатдир.

Баҳолаш объекти таркибига кирувчи ер участкасига бўлган мулкый ҳуқуқлар қийматини аниқлаш мазкур ер участкасини бўш турган (яхшиланмаган) деб қараш ва ундан энг самарали фойдаланишни тахмин қилиш йўли билан амалга оширилади.

38. Ер участкасига бўлган мулкый ҳуқуқлар қийматини қиёсий таҳлил усули билан ҳисоблаш учун баҳоловчи:

баҳоланаётган ер участкасига ўхшаш ер участкаларининг сотувларига доир ахборотни таҳлил қилади;

баҳоланаётган ер участкасини ўхшаш ер участкалари билан таққослашда қўлланиладиган таққослаш элементларини аниқлайди;

хар бир таққослаш элементи бўйича тузатишлар киритишни амалга оширади;

ер участкасига бўлган мулкый ҳуқуқлар қийматини ўхшаш ер участкаларининг тузатиш киритилган нархларини мувофиқлаштириш йўли билан ҳисоблайди.

39. Ер участкасига бўлган мулкый ҳуқуқлар қиймати тақсимлаш усули билан ер участкасига бўлган мулкый ҳуқуқлар ва яхшилашлар нархининг кўчмас мулк типлари бўйича гуруҳланган кўчмас мулкнинг умумий нархидаги типик нисбатига доир статистик ахборот асосида аниқланади. Ер участкасига бўлган мулкый ҳуқуқлар қийматини тақсимлаш усули билан ҳисоблаш учун баҳоловчи:

аналоглар рўйхатини тузади;

баҳолаш объекти ва аналогларни таққослашда қўлланиладиган таққослаш элементларини аниқлайди;

хар бир аналог учун таққослаш элементлари бўйича тузатишлар киритишни амалга оширади;

аналогларнинг тузатишлар киритилган нархларини мувофиқлаштириш йўли билан баҳолаш объектининг қийматини аниқлайди;

ер участкасига бўлган мулкый ҳуқуқлар қийматини кўчмас мулк ягона объектининг қийматида ер участкасига бўлган мулкый ҳуқуқларнинг энг типик улуши асосида аниқлайди.

40. Ер участкасига бўлган мулкый ҳуқуқлар қийматини ажратиш усули билан ҳисоблаш учун баҳоловчи:

баҳолаш объекти билан таққослаганда ер участкаларининг тавсифлари айниқса яқин бўлган аналогларни танлайди;

хар бир аналог бўйича яхшилашлар қийматини харажатга оид ёндашув усуллари билан тадбиркор даромадини ҳисобга олган ҳолда аниқлайди;

хар бир аналог бўйича ер участкасига бўлган мулкый ҳуқуқлар қийматини сотув нархидан яхшилашлар қийматини айириш йўли билан аниқлайди;

баҳоланаётган ер участкасига бўлган мулкый ҳуқуқлар қийматини сотувларни қиёсий таҳлил қилиш усули билан олинган натижалардан фойдаланган ҳолда аниқлайди.

41. Ер участкасига бўлган мулкый ҳуқуқлар қиймати ер рентасини капиталлаштириш усули билан баҳолаш санасидан кейинги биринчи йил учун ер рентаси қийматини капиталлаштириш ставкасига бўлиш йўли билан аниқланади.

Ер рентаси сифатида ер участкасини ижарага беришдан олинган, бозор маълумотларига кўра ҳисобланган даромад олинади.

Капиталлаштириш ставкаси аналоглар бўйича капиталлаштириш ставкаларини мувофиқлаштириш йўли билан ёки таваккалсиз ставкани мазкур ер участкасига инвестициялаш билан боғлиқ бўлган таваккалчилик учун мукофот қийматига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

42. Ер участкасига бўлган мулкый ҳуқуқлар қийматини ер учун қолдиқ усули билан ҳисоблаш учун баҳоловчи:

баҳолаш объектининг соф операцион даромадини ижара ҳақининг бозор ставкалари асосида ҳисоблайди;

яхшилашлар қийматини ер участкасидан энг самарали фойдаланишга мувофиқ бўлган яхшилашларни тиклаш қиймати ёки алмаштириш қиймати сифатида ҳисоблайди;

яхшилашлар учун капиталлаштириш ставкасини аниқлайди;

яхшилашларга тўғри келадиган соф операцион даромадни яхшилашларни тиклаш қиймати ёки алмаштириш қийматини яхшилашлар учун капиталлаштириш ставкасига кўпайтириш йўли билан ҳисоблайди;

ер рентаси қийматини баҳолаш объектининг соф операцион даромадидан яхшилашларга тўғри келадиган соф операцион даромадни айириш йўли билан ҳисоблайди;

ер участкаси учун капиталлаштириш ставкасини аниқлайди;

ер участкасига бўлган мулкый ҳуқуқлар қийматини ер рентаси қийма-

тини ер участкаси учун капиталлаштириш ставкасига бўлиш йўли билан ҳисоблайди.

Зарур ахборот мавжуд бўлса, ер участкасига бўлган мулкый ҳуқуқлар қиймати ер учун қолдиқ усули билан баҳолаш объекти қийматидан яхшилашлар қийматини айириш йўли билан аниқланади.

43. Ер участкасига бўлган мулкый ҳуқуқлар қиймати мўлжалланаётган фойдаланиш усули билан қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$V_z = \sum_{i=1}^j \frac{E_i}{(1+D)^i} + \sum_{i=j+1}^n \frac{I_i}{(1+D)^i} + \frac{V_n}{(1+D)^n}, \text{ бу ерда:}$$

V_e — ер участкасига бўлган мулкый ҳуқуқлар қиймати;

i — йил рақами;

j — ер участкасида яхшилашларни яратиш бўйича харажатларни амалга ошириш даврининг сўнгги йили;

E_i — харажатларни амалга оширишнинг i -чи йилида ер участкасидан фойдаланишнинг танланган вариантга мувофиқ мазкур участкада яхшилашларни яратиш бўйича харажатлар;

I_i — прогноз даврининг i -чи йилида яхшилашлардан фойдаланишдан олинган даромад;

D — дисконтлаш ставкаси;

n — прогноз даврининг охириги йили;

V_n — баҳолаш объектининг прогноз даври тугаганидан кейинги қиймати.

44. Яхшилашларни тиклаш қиймати ёки алмаштириш қиймати тўғридан-тўғри ва билвосита харажатлар йиғиндиси сифатида аниқланади.

Қурилиш билан бевосита боғлиқ бўлган тўғридан-тўғри харажатларга қуйидагилар киради:

қурилиш материаллари, жиҳозлар, қурилмалар ва муҳандислик асбоб-ускуналари қиймати;

ишчилар меҳнатига тўланадиган ҳақ;

қурилиш машиналари ва механизмларидан фойдаланиш қиймати;

қурилишга йўлдош бўлган вақтинчалик бинолар, иншоотлар ва муҳандислик тармоқлари, қурилиш давридаги коммунал хизматлар қиймати;

пудратчининг даромади ва қурилиш ишлаб чиқаришининг умумий шароитларини яратиш, уни ташкил этиш ва унга хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган устама харажатлари;

қурилиш жараёни ва қурилиш объектини ишга тушириш устидан назорат тадбирларининг қиймати.

Қурилишга бевосита тааллуқли бўлмаган билвосита харажатларга қуйидагилар киради:

ерга қилинган инвестициялар қиймати ва ер участкасини ажратиш харажатлари (шу жумладан рухсат этувчи ҳужжатлар тўпламига харажатлар);

лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертиза харажатлари;
ишчиларга қўшимча тўловлар ва нафақалар;
барча турдаги солиқлар ва мажбурий ажратмалар;
кредитга хизмат кўрсатиш харажатлари;
маркетинг, суғурта ва реклама харажатлари;
ижарага олинган мол-мулкка қўшимча инвестициялар;
уй-жой қурувчининг маъмурий харажатлари.

45. Яхшилашларни тиклаш қиймати ёки алмаштириш қийматини қиёсий бирлик усули билан ҳисоблаш бундай яхшилашлар учун қабул қилинган қиёсий бирликни яратиш харажатларига доир маълумотлардан фойдаланишга асосланади. Яхшилашларни тиклаш ёки алмаштириш харажатлари қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$ТХ = ТХ_i * N \text{ ёки } АХ = АХ_i * N$$

ТХ — яхшилашларни тиклаш харажатлари;

АХ — яхшилашларни алмаштириш харажатлари;

ТХ_i — i-чи қиёсий бирликка тўғри келадиган тиклаш харажатлари;

АХ_i — i-чи қиёсий бирликка тўғри келадиган алмаштириш харажатлари;

N — қиёсий бирликлар сони.

i-чи қиёсий бирликка тўғри келадиган тиклаш ёки алмаштириш харажатлари ўхшаш яхшилашларнинг қурилиш қиймати ҳақидаги бозор маълумотларига кўра ёки тиклаш қийматининг яхлитланган кўрсаткичлари тўпلامларидан фойдаланган ҳолда, тегишли тузатишлар киритиш йўли билан ҳисобланади.

46. Яхшилашларни тиклаш қиймати ёки алмаштириш қийматини компонентларга ажратиш усули билан ҳисоблаш қурилиш-монтаж ишларининг умумий ҳажмини йирик компонентларга (масалан, тупроқ ишлари, пойдеворлар, деворлар) ажратишдан иборат. Мазкур усулга мувофиқ бир ёки бир нечта асосий компонентларни яратиш харажатлари ҳисобланади ва уларнинг фоиз ҳисобидаги улуши аниқланади, мазкур улушга мувофиқ яхшилашнинг умумий қиймати ҳисоблаб чиқарилади.

47. Яхшилашларни тиклаш қиймати ёки алмаштириш қийматини айрим нархлар усули билан ҳисоблаш баҳоланаётган объектни тиклаш (алмаштириш) учун тўғридан-тўғри ва билвосита харажатларни муфассаллаштирилган ҳисоблашдан иборатдир. Қўлланилаётган нархларнинг турига қараб айримлар нархлар усулининг қуйидаги хиллари фарқланади:

ҳисоблаш жорий нархларда амалга оширилганда ресурсли усул;

ҳисоблаш базис (муайян йилдаги) нархларда амалга оширилганда базисли-индексли усул.

Ресурсли усулдан фойдаланганда баҳоловчи:

баҳоланаётган яхшилашни қуришга асосий қурилиш материаллари, қурилмалар ва жиҳозлар сарфини аниқлайди;

минтақада қурилиш материаллари билан улгуржи ва майда улгуржи савдо

маълумотларига кўра қурилиш материаллари, қурилмалар ва жиҳозларнинг жорий қийматини ҳисоблайди;

бошқа тўғридан-тўғри ва билвосита харажатларни ҳисоблайди;

яхшилаларни тиклаш қиймати (алмаштириш қиймати)ни тўғридан-тўғри ва билвосита харажатлар йиғиндиси сифатида ҳисоблайди.

Жорий нархларда тузилган лойиҳа-смета ҳужжатлари мавжуд бўлган тақдирда, мазкур ҳужжатларнинг маълумотларидан улар тузилган санадан баҳолаш санасига қадар нархларнинг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда фойдаланилади.

Базисли-индексли усулни қўлланиши:

лойиҳа-смета ҳужжатларининг базис нархлардаги маълумотларидан фойдаланишни;

базис нархлардан жорий нархларга қайта ҳисоблаш коэффициентлари (индекслари)ни қўллашни назарда тутати.

48. Яхшилаларни тиклаш қиймати ёки алмаштириш қийматини аналоглар усули билан ҳисоблаш ўхшаш яхшилаларни қуриш харажатларига доир ахборотдан фойдаланишга ҳамда техник тавсифларга кўра баҳолаш объектининг аналогдан фарқларига қараб ва қурилиш вақтига қараб мазкур ахборотга тузатишлар киритишга асосланади.

49. Тадбиркор даромади қийматини аналоглар усули билан ҳисоблаш аналогларнинг бозор қийматидан яхшилаларни яратиш харажатлари ва ер участкасига бўлган мулкӣ ҳуқуқлар қийматини айириш йўли билан амалга оширилади.

Тадбиркор даромади қийматини экспертиза сўрови усули билан ҳисоблаш баҳолаш объектига инвестициялаш таваккалчиликлари хусусида инвесторлар ўртасида сўров ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Тадбиркор даромади қийматини киритилган харажатлар усули билан ҳисоблаш баҳолаш объектига инвестициялар билан боғлиқ бўлган киритилган харажатларни баҳолашга асосланади. Бунда, киритилган харажатлар деганда шартли равишда ҳисобланадиган харажатлар (масалан, мазкур пул суммасига, агар у баҳолаш объектига инвестицияланмаганда, олиниши мумкин бўлган фоизлар) тушунилади.

50. Йиғилган эскириш қиймати иқтисодий ёш усули билан қўйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\mathcal{E}_n = (\mathcal{X}\mathcal{E} / \text{ИХМ}) * \text{ЯҚ}, \text{ бу ерда:}$$

$\mathcal{X}\mathcal{E}$ — яхшилаларнинг ҳақиқий ёши;

ИХМ — иқтисодий хизмат муддати;

ЯҚ — яхшилалар қиймати.

51. Йиғилган эскириш қийматини бозор экстракцияси усули билан ҳисоблаш учун баҳоловчи:

ҳақиқий ёш жиҳатидан баҳолаш объекти билан мувофиқ келадиган аналогларни танлайди;

хар бир аналог учун ер участкасига бўлган мулкый ҳуқуқлар қийматини аниқлайди;

хар бир аналог учун яхшилашлар қийматини сотув нархларидан ер участкасига бўлган мулкый ҳуқуқлар қийматини айириш йўли билан аниқлайди;

хар бир аналог учун яхшилашларни тиклаш қиймати ёки алмаштириш қийматини ҳисоблайди;

аналоглар учун йиғилган эскириш қийматини яхшилашларни тиклаш қиймати (алмаштириш қиймати) ва яхшилашларнинг сотув нархидан ажратилган қиймати ўртасидаги фарқ сифатида аниқлайди;

хар бир аналог учун йиғилган эскириш қийматини фоиз ҳисобида, йиғилган эскириш қийматини яхшилашларни тиклаш қиймати ёки алмаштириш қийматига бўлиш йўли билан аниқлайди;

баҳолаш объектнинг йиғилган эскириши қийматини фоиз ҳисобида барча аналоглар бўйича йиғилган эскиришнинг ўртача ўлчанган қиймати сифатида ҳисоблайди.

52. Йиғилган эскириш қиймати ажратиш усули билан қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\mathcal{E}_y = \mathcal{E}_{\text{жис}} + \mathcal{E}_{\text{функ}} + \mathcal{E}_{\text{юз}}, \text{ бу ерда:}$$

\mathcal{E}_y — йиғилган эскириш;

$\mathcal{E}_{\text{жис}}$ — жисмоний эскириш;

$\mathcal{E}_{\text{функ}}$ — функционал эскириш;

$\mathcal{E}_{\text{юз}}$ — юзаки (иқтисодий) эскириш.

Ажратиш усулидан бозор экстракцияси усули ёки иқтисодий ёш усулини қўллаш учун зарур ахборот бўлмаганида фойдаланилади.

53. Жисмоний эскириш ёшини аниқлашда баҳоловчи бартараф этиб бўладиган жисмоний эскириш ва бартараф этиб бўлмайдиган жисмоний эскиришни ҳисоблайди.

Қоида тариқасида, яхшилашлардан қониқарсиз фойдаланилганда вужудга келадиган бартараф этиб бўладиган жисмоний эскириш қиймати яхшилашнинг нормал фойдаланиш тавсифларини тиклаш харажатлари асосида ҳисобланади.

Бартараф этиб бўлмайдиган жисмоний эскириш қиймати жисмоний эскиришни аниқлашга доир норматив ҳужжатлардан фойдаланиш асосида, хизмат муддати узоқ ва қисқа элементлар бўйича алоҳида ҳисобланади.

Хизмат муддати, қоида тариқасида, яхшилашнинг хизмат муддатига тенг бўлган хизмат муддати узоқ элементлар бўйича бартараф этиб бўлмайдиган жисмоний эскириш қийматини ҳисоблаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

бартараф этиб бўлмайдиган жисмоний эскириш даражаси яхшилаш ҳақиқий ёшининг унинг умумий жисмоний хизмати (фойдаланиш норматив муддати)га нисбати сифатида ҳисобланади;

эскиришни ҳисоблаш базаси элементнинг тиклаш қиймати (алмашти-

риш қиймати) билан унинг бартараф этиб бўладиган жисмоний эскириши ва хизмат муддати қисқа элементларнинг қолдиқ тиклаш қиймати йиғиндисига ўртасидаги фарқ сифатида ҳисобланади;

бартараф этиб бўлмайдиган жисмоний эскириш қиймати эскириш даражасининг эскиришни ҳисоблаш базасига кўпайтмаси сифатида ҳисобланади.

Хизмат муддати қисқа элементлар, яъни яхшилашнинг хизмат муддати мобайнида вақти-вақти билан алмаштиришни талаб этадиган элементлар бўйича бартараф этиб бўлмайдиган жисмоний эскириш қийматини ҳисоблаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

бартараф этиб бўлмайдиган жисмоний эскириш даражаси элементлар ҳақиқий ёшининг уларнинг умумий жисмоний хизмати (фойдаланиш норматив муддати)га нисбати сифатида ҳисобланади;

эскиришни ҳисоблаш базаси элементнинг тиклаш қиймати (алмаштириш қиймати) билан унинг бартараф этиб бўладиган жисмоний эскириши ўртасидаги фарқ сифатида ҳисобланади;

бартараф этиб бўлмайдиган жисмоний эскириш қиймати эскириш даражасининг эскиришни ҳисоблаш базасига кўпайтмаси сифатида ҳисобланади.

Хизмат муддати қисқа элементлардан фойдаланиш муддатлари турли аҳамиятга молик бинолар ва иншоотларни таъминлаш ва улардан фойдаланишга доир тегишли маълумот материаллари бўйича олинади.

54. Функционал эскириш қийматини аниқлашда баҳоловчи бартараф этиб бўладиган функционал эскириш ва бартараф этиб бўлмайдиган функционал эскиришни ҳисоблайди. Яхшилаш айрим элементларининг йўқлиги, етарли эмаслиги ёки керагидан ортиқлигига қараб функционал эскиришнинг қуйидаги типлари ҳисобланади:

яхшилашлар бозорнинг ҳозирги талабларига мувофиқлигининг муқаррар омили саналган элементнинг йўқлиги билан боғлиқ ва мавжуд яхшилашларда етишмаётган элементни ўрнатиш харажатлари билан баҳолаш санасидаги янги қурилишда мазкур элементни яхшилашларга ўрнатиш харажатлари ўртасидаги фарққа тенг бўлган бартараф этиб бўладиган функционал эскириш;

яхшилашлар бозорнинг ҳозирги талабларига мувофиқлигининг муқаррар омили саналган элементнинг йўқлиги билан боғлиқ ва соф операцион даромад йўқотишларининг жорий қийматлари билан яхшилаш элементининг йўқлиги билан боғлиқ ҳар қандай харажатлар йиғиндисига тенг бўлган бартараф этиб бўлмайдиган функционал эскириш;

кўчмас мулк объектнинг истеъмол хоссаларини пасайтирадиган яхшилашлар элементининг керагидан ортиқлиги билан белгиланган ва мазкур элементни унинг жисмоний эскиришини ҳисобга олган ҳолда тиклаш қиймати ва уни демонтаж қилиш харажатларининг қайтариладиган материаллар қиймати чегириб ташланган йиғиндисига тенг бўлган бартараф этиб бўладиган функционал эскириш;

кўчмас мулк объектнинг истеъмол хоссаларини пасайтирадиган яхши-

лашлар элементининг керагидан ортиқлиги билан белгиланган ва мазкур элементни унинг жисмоний эскиришини ҳисобга олган ҳолда тиклаш қиймати, соф операцион даромад йўқотишларининг жорий қийматлари ва яхшилашнинг керагидан ортиқ элементи мавжудлиги туфайли қилинган харажатлар билан мазкур элемент мавжудлиги билан боғлиқ иқтисодий самаранинг жорий қиймати ўртасидаги фарққа тенг бўлган бартараф этиб бўлмайдиган функционал эскириш;

яхшилашларнинг фойдаланишга яроқли бўлган, лекин бозорнинг ҳозирги талабларига мувофиқ келмайдиган элементларини алмаштириш ёки модернизация қилишни талаб этадиган бартараф этиб бўладиган функционал эскириш. Яхшилашларнинг алмаштириладиган ёки модернизация қилинадиган элементларининг уларнинг жисмоний эскириши чегириб ташланган қиймати, мазкур элементни демонтаж қилишнинг қайтариладиган материаллар қиймати чегириб ташланган харажатлари ва мавжуд яхшилашларда етишмаётган элементларни ўрнатиш харажатлари билан баҳолаш санасидаги янги қурилишда мазкур элементни яхшилашларга ўрнатиш харажатлари ўртасидаги фарқ йиғиндиси сифатида ҳисобланади;

яхшилашларнинг фойдаланишга яроқли бўлган, лекин бозорнинг ҳозирги талабларига мувофиқ келмайдиган элементларини алмаштириш ёки модернизация қилишни талаб этадиган ва соф операцион даромад йўқотишларининг жорий қийматлари билан яхшилашларнинг маънавий эскирган элементлари мавжудлиги туфайли қилинган харажатлар йиғиндисига тенг бўлган бартараф этиб бўлмайдиган функционал эскириш.

55. Ташқи (иқтисодий) эскириш қиймати, мавжуд ахборот хусусиятига қараб, қуйидаги усуллардан бири билан ҳисобланади:

жуфт маълумотларни таҳлил қилиш усули билан;

ижарага оид зарарларни капиталлаштириш усули билан.

Ташқи эскиришни жуфт маълумотларни таҳлил қилиш усули билан ҳисоблашда баҳоловчи кўчмас мулк объектларининг сотувларига доир ахборотни ташқи эскиришга эга бўлган кўчмас мулк объектлари ва ташқи эскиришга эга бўлмаган кўчмас мулк объектларининг нархларини таққослаш йўли билан таҳлил қилади.

Ташқи эскиришни ижарага оид зарарларни капиталлаштириш усули билан ҳисоблашда баҳоловчи:

ижарага оид зарарларни аниқлаш учун бозор маълумотларини таҳлил қилади;

баҳолаш объекти қийматининг пасайишини ижарага оид зарарларни капиталлаштириш йўли билан ҳисоблайди;

ҳисобланган қийматнинг пасайишини баҳолаш объектининг элементлари — ер участкаси ва яхшилашлар ўртасида тақсимлайди.

Агар баҳоловчи ижарага оид зарарлар ўзгармас хусусиятга эга бўлишни прогноз қилган бўлса, уларни капиталлаштириш тўғридан-тўғри капиталлаштириш усули билан амалга оширилади.

Агар баҳоловчи ижарага оид зарарлар вақтинчалик хусусиятга эга бўли-

шини прогноз қилган бўлса, уларни капиталлаштириш пул оқимларини дисконтлаш усули билан амалга оширилади.

VI боб. Баҳолаш натижаларини, қўлланилган баҳолаш ёндашувларини мувофиқлаштириш ва баҳолаш объектининг якуний қийматини аниқлаш

56. Баҳолаш натижаларини мувофиқлаштириш — баҳолашнинг турли ёндашувлари ёрдамида олинган натижаларни ўлчаш ва таққослаш йўли билан баҳолаш объектининг якуний қийматини аниқлаш қўйидаги усуллардан бири билан амалга оширилади:

мантиқий мувофиқлаштириш усули билан. У баҳоловчи амалга оширадиган таҳлил асосида, барча муҳим параметрларни ҳисобга олган ҳолда таққослама ўлчовларни танлашдан иборат. Баҳоловчи устун ёндашувни аниқлайди, қолган ёндашувларнинг натижаларидан эса устун ёндашув ёрдамида олинган натижани текшириш ва унга тузатиш киритиш учун фойдаланилади;

математик ўлчаш усули билан. Бунда турли баҳолаш ёндашувлари билан олинган натижаларнинг таққослама ўлчовларини аниқлаш учун бир нечта мезонлардан фойдаланилади ва уларнинг ёрдамида қўлланилган ҳисоблаш усулининг афзалликлари ёки камчиликлари конкрет объектни баҳолаш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тавсифланади.

57. Таққослама ўлчовларни аниқлашда баҳоловчи қўйидаги асосий омилларни таҳлил қилиши лозим:

таҳлил ва ҳисоблашларга асос бўлган ахборотнинг ишончлилиги ва етарлилигини;

фойдаланилган ҳисоблаш усуллари мавжуд бозор ахборотига мувофиқлигини;

баҳолаш ёндашуви ҳисобланаётган қиймат тури, баҳолаш мақсади ва баҳолаш натижаларидан фойдаланиш мўлжалига мувофиқлигини;

баҳолаш ёндашуви баҳолаш объектига ўхшаш объектларнинг одатдаги харидорлари ва сотувчилари мотивациясини акс эттиришга қодирлигини;

баҳолаш объекти типига ва ундан фойдаланиш хусусиятига мувофиқлигини;

баҳолаш ёндашуви бозор конъюнктурасини ҳисобга олишга қодирлигини.

58. Баҳолаш объекти қийматининг якуний миқдори қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$K_{\text{як}} = K_{\text{хар}} * C_1 + K_{\text{дар}} * C_2 + K_{\text{қиёс}} * C_3, \text{ бу ерда:}$$

$K_{\text{як}}$ — баҳолаш объектининг якуний қиймати;

$K_{\text{хар}}$, $K_{\text{дар}}$, $K_{\text{қиёс}}$ — тегишинча харажатга оид, даромадга оид ва қиёсий ёндашувлар билан аниқланган қийматлар;

C_1 , C_2 , C_3 — ҳар бир баҳолаш ёндашуви учун танланган тегишли таққослама ўлчовлар.

Бунда қуйидаги шарт бажарилиши лозим:

$$C_1 + C_2 + C_3 = 1$$

VII боб. Баҳолаш тўғрисида ҳисобот тузиш

59. Кўчмас мулк қийматини баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот тузилиш жиҳатидан қуйидаги асосий бўлимларни ўз ичига олиши лозим:

титул варағи;

мундарижа;

умумлаштирувчи қисм (илова хат);

баҳолашга оид вазифа ҳамда асосий фактлар ва хулосалар;

баҳолаш объектининг тавсифи;

баҳолаш объекти бозорининг таҳлили;

энг мақбул ва энг самарали фойдаланиш таҳлили;

баҳолаш ёндашувлари ва усулларининг танланиши ва қўлланилиши тавсифи;

баҳолаш объектининг якуний қийматини аниқлаш;

иловалар.

60. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг титул варағида қуйидагилар кўрсатилади:

баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг рўйхатга олиш рақами;

баҳолаш объектининг номи ва манзили;

аниқланаётган қиймат тури;

баҳолаш санаси;

баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот тузилган сана;

буюртмачи ва баҳоловчининг номи.

61. Мундарижада баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг саҳифалар рақамлари кўрсатилган барча бўлимлари ва кичик бўлимлари сарлавҳалари санаб ўтилади.

62. Илова хат мухтасар шаклда тузилади ва қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозим:

хат рақами ва санасини;

баҳоланаётган мулкӣ ҳуқуқлар кўрсатилган баҳолаш объектининг номи;

баҳолаш объектининг манзили (жойлашган ери)ни;

баҳолашни амалга ошириш учун асосни;

баҳолаш мақсадини;

баҳолаш санасини;

баҳоланаётган қиймат турини;

энг муҳим фаразлар ва чекловчи шартларни;

баҳолаш натижасини;

баҳоловчи ташкилот раҳбарининг имзосини.

63. «Баҳолашга оид вазифа ҳамда асосий фактлар ва хулосалар» бўлими амалга оширилган баҳолашнинг асосий қоидалари билан баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботдан фойдаланувчини қисқача таништириш учун мўлжалланган. Ушбу бўлимда қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

баҳолаш объектининг қисқача тавсифи;

баҳолашни амалга ошириш учун асос;

баҳоловчи ташкилот ва баҳолаш объектини баҳолашда иштирок этган баҳоловчилар ҳақида қисқача маълумотлар;

бюртмачи ҳақида қисқача маълумот;

баҳолаш санаси;

баҳолаш тўғрисида ҳисобот тузилган сана;

баҳолаш мақсади ва баҳолаш натижаларидан фойдаланиш мўлжали;

аниқланаётган қиймат тури;

бўш турган деб қараладиган ер участкасидан ва яхшилашлар мавжуд бўлган ер участкасидан энг самарали фойдаланиш хусусида чиқарилган хулосалар;

ер участкасига бўлган мулкӣ ҳуқуқлар қиймати;

баҳолаш объектининг баҳолашга нисбатан харажатга оид ёндашув билан аниқланган қиймати;

баҳолаш объектининг баҳолашга нисбатан даромадга оид ёндашув билан аниқланган қиймати;

баҳолаш объектининг баҳолашга нисбатан қиёсий ёндашув билан аниқланган қиймати;

баҳолаш объектининг якуний қиймати;

баҳолаш миллий стандартлари талабларига мувофиқлик ҳақида баёнот;

баҳолашни бажаришда қабул қилинган фаразлар ва чекловчи шартлар;

фойдаланилган ахборотлар рўйхати;

баҳоловчи мазкур бўлимга киритишни лозим деб топган қўшимча ахборот.

64. «Баҳолаш объектининг тавсифи» бўлими баҳолаш объекти ва уни қуршаган муҳитнинг сифат ва миқдор жиҳатларини тавсифлаш учун мўлжалланган ва қуйидаги ахборотни ўз ичига олади:

баҳолаш объекти таркиби (ер участкаси ҳамда баҳолаш объекти таркибидаги яхшилашлар);

баҳолаш объектининг вазифаси ва ундан жорий фойдаланиш;

баҳолаш объекти мулкдорининг реквизи́тлари;

баҳолаш объектига бўлган мавжуд ва баҳоланаётган ҳуқуқлар (шу жумладан ер участкасига бўлган ҳуқуқ) тавсифи мазкур объектга бошқа шахслар ҳуқуқларининг юкланиши ва чеклашлар кўрсатилган ҳолда;

ер участкасининг тавсифи, шу жумладан унинг майдони ва шакли, муҳандислик-геологик, гидрогеологик, топографик тавсифлари, шунингдек фойдаланиш рухсат этилган ерлар тоифаси, муҳандислик коммуникацияларининг мавжудлиги ва таркиби, ободонлаштириш элементларининг мавжудлиги ва таркиби, тўсиқлар;

яхшилашлар тавсифи, шу жумладан иморатлар солиш даври, ҳажмий-

режалаштириш ва конструктив тавсифлар (қурилиш ҳажми, умумий майдон, унинг фойдаланиш мақсадига кўра тақсимланиши, иморатнинг неча қаватлилиги, асосий конструктив элементлар ва уларнинг ҳолати тавсифи);

агар баҳолаш объекти туташ қурилган хона ёки бинонинг бир қисми бўлса, бутун бинога ва баҳоланаётган хоналарга, шу жумладан уларнинг бинодаги ўрнига тавсиф берилади;

баҳолаш объекти жойлашган ернинг транспортда қатнаш жиҳатидан қулайлик, инфратузилманинг ривожланиш даражаси, атрофдаги иморатлар, худуднинг нуфузлилик даражаси, баҳолаш объекти жойлашган ернинг жалб қилувчанлигига таъсир этувчи бошқа омиллар кўрсатилган тавсифи.

Бўлим баҳолаш объекти кўчмас мулк бозорининг муайян сегментига мансублиги хусусида чиқарилган хулосани ўз ичига олиши лозим.

Бўлимда келтириладиган кўрсаткичлар рўйхати баҳоланаётган кўчмас мулк типига қараб баҳоловчи томонидан тўлдирилади ёки ўзгартирилади.

65. «Баҳолаш объекти бозорининг таҳлили» бўлимига баҳолаш объекти қийматининг ҳажмига таъсир этадиган бозордаги вазият омилларининг қуйидаги йўналишлар бўйича таҳлили киритилади:

умумий иқтисодий вазиятнинг ва минтақадаги ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг қисқача тавсифи, бунда ялпи ички маҳсулот ҳажми, иқтисодиёт асосий тармоқларининг ишлаб чиқариш ҳажмлари, минтақа иқтисодиётининг тузилиши, истеъмол нархлари индекси, аҳоли даромадлари даражаси каби кўрсаткичлар таҳлил қилинади;

минтақа кўчмас мулк бозорининг таҳлили, бунда айрим турдаги кўчмас мулк, шу жумладан ер участкалари таклифи (талаб) ҳажми ва динамикаси, бозорнинг очиқлик даражаси ва сифими, кўчмас мулк бозори иштирокчиларининг тавсифи, кўчмас мулк бозори ҳокимият органлари томонидан тартибга солиниши, қурилиш тармоғидаги нархлар даражаси каби кўрсаткичлар таҳлил қилинади;

баҳолаш объекти бозорнинг қайси сегментига мансуб деб топилган бўлса, шу сегмент таҳлили. Бунда таҳлил қилинаётган кўчмас мулк бозорида баҳолаш санасида юзага келган вазият ва тенденциялар акс эттирилади. Таҳлил, қонда тарикасида, уч йўналиш: талаб, таклиф, талаб ва таклифнинг ўзаро алоқаси йўналишларида амалга оширилади ва бунда мазкур турдаги кўчмас мулк учун муҳим бўлган белгиларга кўра сегментнинг тақсимланиши, талаб, таклиф ва битимлар фаоллигининг тавсифи, сегментдаги нархлар (ижара ставкалари) динамикаси каби кўрсаткичлар таҳлил қилинади;

агар баҳолаш объекти ишлаб чиқариш кўчмас мулки бўлса, бўлимга тармоқ тавсифи киритилади ва бунда ишлаб чиқариш ҳажми ва тармоқ тузилиши, бозорнинг асосий иштирокчилари, тармоқнинг ривожланиш имкониятлари каби кўрсаткичлар таҳлил қилинади.

Бўлимда келтириладиган кўрсаткичлар рўйхати баҳолашга оид вазифа шартлари ва баҳоланаётган кўчмас мулк типига қараб баҳоловчи томонидан тўлдирилади ёки ўзгартирилади.

66. «Энг мақбул ва энг самарали фойдаланиш таҳлили» бўлими:

бўш турган деб қараладиган ер участкасидан энг мақбул ва энг самарали фойдаланиш таҳлилининг;

яхшилашлар мавжуд бўлган ер участкасидан энг мақбул ва энг самарали фойдаланиш таҳлилининг тавсифини ўз ичига олади.

Бўлим баҳолаш объектдан жорий ва энг самарали фойдаланишда унинг бозордаги ўрни, одатдаги харидор, очиқ бозорда мазкур турдаги кўчмас мулк экспозициясининг ўртача бозор даври ва объектдан бўлғуси фойдаланишнинг эҳтимол тутилган хусусиятига доир хулосаларни ўз ичига олиши лозим.

67. «Баҳолаш ёндашувлари ва усулларининг танланиши ва қўлланилиши тавсифи» бўлимида қуйидагилар келтирилади:

баҳолаш ёндашувлари ва усулларига қисқача шарҳ;

қўлланилган баҳолаш ёндашувлари ва усулларининг танланиши ва асосланиши ёки бирон-бир баҳолаш ёндашувидан фойдаланишдан воз кечишни асослаш;

ҳисоблашлар ва баҳолаш объекти қийматини аниқлаш тартиби.

68. «Баҳолаш объектнинг якуний қийматини аниқлаш» бўлими қуйидагиларни ўз ичига олади:

фойдаланилган баҳолаш ёндашувлари доирасида олинган натижаларни мувофиқлаштириш тартиби ва усулларининг қисқача тавсифини;

натижаларни тафовут нуқтаи назаридан текшириш, олинган тафовутлар сабабларининг таҳлилини;

натижаларни мувофиқлаштириш усулининг танланишини асослашни;

қўлланилган баҳолаш ёндашувларининг яроқлилиги, аниқлиги ва асослилигига нисбатан муҳимлик мезонлари тавсифини;

баҳолаш объектнинг якуний қийматини аниқлашни.

69. «Иловалар» бўлими қуйидагиларни ўз ичига олади:

баҳолаш жараёнида фойдаланиладиган ҳужжатлар (ёки уларнинг нусхалари)ни;

баҳолаш объектнинг фотосуратларини (зарур ҳолда);

баҳолаш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган лицензия нусхасини;

баҳолаш тўғрисида ҳисоботни тайёрлашда иштирок этган баҳоловчилар малака сертификатларининг нусхаларини;

баҳоловчи ташкилотнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш бўйича суғурта полиси нусхасини;

бошқа маълумотларни.

70. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг пировард тузилиши (бўлимлар ва кичик бўлимлар сони ва уларнинг кетма-кетлиги тартиби, уларнинг номи) ва ҳажми баҳоловчи томонидан баҳолаш объектнинг хусусияти, баҳолаш мақсадлари, баҳолаш ҳақидаги ҳисоботнинг эҳтимол тутилган фойдаланувчиси ҳамда қонун ҳужжатларининг талабларига қараб белгиланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА
ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

512 1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 19 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1192-2

(2009 йил 29 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги 490-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 й., 22 — 24-сон, 159-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат статистика қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 29 октябрдаги 4, 129 ва 2002-86-сонли қарори билан тасдиқланган 1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1192, 4 декабрь 2002 йил) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 23-24-сон) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Иқтисодиёт вазири

С. БЕКЕНОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 20 октябрь,
90-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Молия вазири**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 20 октябрь,
98-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси****Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 20 октябрь,
2009-30-сон

**Давлат статистика
қўмитаси раиси****Ғ. ҚУДРАТОВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 20 октябрь,
2-сон

«САНОАТКОНТЕХНАЗОРАТ» ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ
БОШЛИҒИНИНГ
БУЙРУҒИ

513 Саноат хавфсизлиги соҳасидаги экспертларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
19 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2045*

(2009 йил 29 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 декабрдаги 271-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 50-сон, 496-модда) билан тасдиқланган Саноат хавфсизлиги экспертизаси тизими тўғрисидаги низомнинг ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Саноат хавфсизлиги соҳасидаги экспертларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Бошлиқ

И. ХАЛМАТОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 29 сентябрь,
184-сон

«Саноатконтехназорат» давлат
инспекцияси бошлиғининг 2009 йил
29 сентябрдаги 184-сонли буйруғига
ИЛОВА

**Саноат хавфсизлиги соҳасидаги экспертларни
тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 декабрдаги 271-сонли «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 50-сон, 496-модда) мувофиқ саноат хавфсизлиги соҳасидаги экспертларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тартибини белгилайди.

І. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
аттестация соҳаси — саноат хавфсизлиги соҳасидаги экспертнинг фаолият соҳаси;

саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперт (кейинги ўринларда эксперт деб юритилади) — саноат хавфсизлиги экспертизасини амалга оширадиган, мазкур Низомда белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилган мутахассис;

талабгор — эксперт мақомига эга бўлмоқчи бўлган жисмоний шахс ёки аттестация соҳасини кенгайтирмоқчи бўлган эксперт;

саноат хавфсизлиги соҳасида экспертларни аттестациядан ўтказиш бўйича комиссия (кейинги ўринларда аттестация комиссияси деб юритилади) — Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси деб юритилади) томонидан ташкил этиладиган талабгорларнинг аттестациясини амалга оширувчи комиссия;

эксперт ташкилоти — экспертизани амалга оширадиган, белгиланган тартибда аккредитация қилинган ташкилот;

эксперт гувоҳномаси — эксперт мақомини тасдиқловчи ҳужжат.

2. Эксперт гувоҳномаси жисмоний шахсга, агарда у эксперт ташкилотининг штатида турса ёки эксперт ташкилоти томонидан у билан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома тузилган бўлса, аттестация соҳасига мувофиқ саноат хавфсизлиги экспертизасини амалга ошириш ҳуқуқини беради.

Эксперт гувоҳномаси беш йил муддатга берилади.

3. Эксперт гувоҳномасига эга бўлган ҳар бир эксперт эксперт гувоҳномасини олган йилдан кейинги йилдан бошлаб ҳар йили аттестация соҳалари бўйича 40 соатдан кам бўлмаган малака ошириш ўқув курсларида ўқиши шарт.

II. Экспертларни тайёрлаш

4. Талабгор аттестациядан ўтмоқчи бўлган саноат тармоғи бўйича экспертларни тайёрлаш ўқув курсларини тамомлаган бўлиши керак.

5. Аттестация соҳасини кенгайтирмоқчи бўлган эксперт янги саноат тармоғи бўйича экспертларни тайёрлаш ўқув курсларини тамомлаган бўлиши керак.

6. Экспертларни тайёрлаш «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясининг «Контехназоратўқув» илмий-техник марказида (кейинги ўринларда Марказ деб юритилади) камида 40 соатлик ўқув курсларида амалга оширилади.

Экспертларни тайёрлаш Марказ билан тегишли юридик ёки жисмоний шахслар ўртасида тузиладиган шартномалар асосида амалга оширилади.

7. Экспертларни тайёрлаш ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда, саноат тармоқлари бўйича амалга оширилади.

8. Экспертларни тайёрлаш бўйича ўқув дастурлари ва шакллари «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси томонидан белгиланади.

9. Талабгорлар экспертларни тайёрлаш ўқув курсларини тўлиқ тамомлаганларидан сўнг, синовдан ўтказилади.

Синов ёзма, тест ёки оғзаки кўринишида ўтказилиши мумкин.

10. Синовдан ўта олмаганларга бир маротаба синовни қайта топширишга рухсат берилади. Қайта синовдан ўта олмаганлар ўқув курсини такроран ўтайдилар.

11. Синовдан ўтганларга мазкур Низомнинг 1-иловасида келтирилган шаклда расмийлаштириладиган сертификат берилади.

III. Аттестация ва қайта аттестацияни ўтказиш

12. Талабгорларни аттестациядан ўтказиш малака имтиҳонини топшириш орқали амалга оширилади.

13. Малака имтиҳонини топширишга қўйидаги талабларга жавоб берадиган талабгорлар қўйилади:

а) олий маълумотга ҳамда аттестациядан ўтмоқчи бўлган аттестация соҳаси саноат тармоқларида сўнгги ўн йилда камида беш йил иш стажига эга бўлиш (бунда, хорижий давлатларда олинган олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатлар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасидаги ҳужжатга эквивалент деб топилган тақдирда эътиборга олинади);

б) экспертларни тайёрлаш ўқув курсини тугатганлиги тўғрисида сертификатга эга бўлиш (бунда, ўқишни тамомлаган вақтдан бошлаб ҳужжатлар топширилгунга қадар ўтган вақт бир йилдан ошмаслиги керак).

14. Аттестациядан ўтиш учун талабгор «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясига мазкур Низомнинг 2-иловасида келтирилган шакл бўйича расмийлаштирилган аризани қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда тақдим этади:

а) мазкур Низомнинг 3-иловасида келтирилган шакл бўйича расмийлаштирилган сўровнома;

б) паспорт нусхаси;

в) олий маълумот тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси. Агарда, хорижда таълим олинган бўлса, бунда хорижда ўқишни тамомлаганлик тўғрисидаги ҳужжат ва ушбу ҳужжатнинг Ўзбекистон Республикасидаги ҳужжатга эквивалент деб топилганлиги тўғрисида ваколатли давлат органи томонидан берилган гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхалари;

г) меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;

д) 4 х 6 сантиметр катталигидаги 2 та рангли фотосурат;

е) иш жойидан тавсифнома;

ж) экспертларни тайёрлаш ўқув курсини тамомлаганлиги тўғрисидаги сертификатнинг Марказ томонидан тасдиқланган нусхаси. Бунда, сертификатнинг берилган вақтидан бошлаб ҳужжатлар топширилгунгача ўтган вақт бир йилдан ошмаган бўлиши шарт.

Талабгордан мазкур бандда назарда тутилмаган бошқа ҳужжатларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

Аризада ва ҳужжатларда баён этилган маълумотларнинг тўғрилиги учун талабгор жавобгар бўлади.

15. «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси ариза тушган кундан бошлаб уч иш куни муддатида талабгорни малака имтиҳонига қўйилиши ёки қўйилмаслиги ҳақида қарор қабул қилади.

16. Қуйидаги сабабларга кўра талабгор малака имтиҳонига киритилмайди:

а) талабгор мазкур Низомнинг 13-банди талабларига жавоб бермаганда;

б) мазкур Низомнинг 14-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ бўлмаганда ёки лозим тарзда расмийлаштирмай тақдим этилганда;

в) тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги аниқланганда;

г) суд қарорига асосан саноат хавфсизлиги соҳасида муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этилганда.

Мазкур ҳолатларда «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси талабгорни малака имтиҳонига қўйилмаслиги ҳақида қарор қабул қилади ва икки иш куни муддатида талабгорга ёзма равишда асосланган рад жавобини юборди.

17. Малака имтиҳонига қўйилмаган талабгор малака имтиҳонига қўйилмасликка сабаб бўлган камчиликларни бартараф этганидан сўнг, қайта ариза бериши мумкин.

18. Талабгорни малака имтиҳонига қўйилиши ҳақида қарор қабул қилинганда имтиҳонга қўйилган шахслар рўйхати шакллантирилади. Бунда, малака имтиҳони гуруҳлар шаклланишига қараб, ҳужжатлар тушган кундан бошлаб икки ойда камида бир маротаба ўтказилади.

19. Малака имтиҳонини ўтказиш учун камида беш кишидан, шу жумладан аттестация комиссияси раисидан иборат таркибда аттестация комиссияси тузилади. Аттестация комиссияси таркибига келишув асосида бошқа манфаатдор ташкилотларнинг мутахассислари ҳам киритилиши мумкин.

Аттестация комиссиясининг низоми, таркиби ва ишлаш тартиби «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси томонидан белгиланади.

20. «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясининг аккредитация ва инспекцион назорат бўлими аттестация комиссияси ишининг ташкил қилишни таъминлайдиган ишчи органи ҳисобланади. Ишчи органи қуйидаги вазифаларни бажаради:

а) талабгорларнинг ҳужжатларини қабул қилади ва кўриб чиқади;

б) аттестацияни ўтказиш учун тахминий саволлар рўйхатини тузади ва тасдиқлаш учун «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғига тақдим этади;

в) аттестацияни ўтказиш санаси, жойи ва вақтини белгилайди ҳамда бу ҳақда аттестация комиссияси аъзоларига ва талабгорларга хабар беради;

г) эксперт гувоҳномаларини расмийлаштиради ва эгаларига топширади;

д) экспертлар реестрини юритади;

е) мазкур Низом талабларининг бажарилишини назорат қилади;

ж) аттестация комиссияси фаолиятини ташкил этишга доир бошқа функцияларни амалга оширади.

21. Малака имтиҳонига қўйилган талабгорлар малака имтиҳонини ўтказиш санаси, вақти ва жойи ҳақида имтиҳон ўтказиладиган кундан камида беш иш куни олдин хабардор қилинади.

22. Талабгор унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат)ни кўрсатган ҳолда малака имтиҳонига қўйилади. Шахсини тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлмаган ёки малака имтиҳонига кечиккан талабгорлар имтиҳонга қўйилмайди ва навбатдаги малака имтиҳонидан ўтадиган талабгорлар рўйхатига киритилади.

23. Агарда, талабгор «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясига ҳужжатларни топширган вақтдан бошлаб икки маротаба узрли сабабларсиз малака имтиҳонига келмаса, тақдим этилган ҳужжатлар унга қайтарилади.

Талабгор томонидан ҳужжатларни қайта топшириш мазкур бобда белгиланган тартибда амалга оширилади.

24. Аттестация комиссияси йиғилиши аттестация комиссияси тасдиқланган таркибининг 3/4 қисми қатнашса ваколатли ҳисобланади.

Талабгорнинг ҳужжатлари аттестация комиссияси аъзоларига таништирилади.

25. Малака имтиҳонини топшириш жараёнида талабгорга қўйидагилар тақиқланади:

а) норматив-ҳуқуқий ва норматив техник ҳужжатлар, махсус адабиётлар ёки бошқа материаллардан фойдаланиш;

б) уяли алоқа ёки бошқа алоқа воситаларидан фойдаланиш;

в) бошқа талабгорлар билан суҳбатлашиш;

г) узрли сабабларсиз имтиҳон ўтказилаётган хонадан ташқарига чиқиш.

Ушбу талабларни бузган талабгорлар аудиториядан чиқариб юборилади ва малака имтиҳонидан ўтмаган ҳисобланади.

Бегона шахсларга малака имтиҳонида иштирок этишга рухсат берилмайди.

26. Малака имтиҳони аттестациядан ўтаётган талабгор билан суҳбат шаклида ўтказилади.

Аттестация комиссияси аъзолари талабгорга қонун ҳужжатлари ва норматив техник ҳужжатларни билиши бўйича, шунингдек, бевосита экспертнинг функциялари ва мажбуриятларини бажариши юзасидан саволлар бердилар. Талабгор томонидан берилган жавобларга қараб талабгор баҳоланади.

27. Малака имтиҳонида талабгорни баҳолаш талабгорнинг иштирокисиз очиқ овоз бериш орқали ўтказилади. Овоз беришда малака имтиҳонида иштирок этган барча аттестация комиссияси аъзолари қатнашади. Овоз бериш натижалари кўпчилик овози билан аниқланади. Овозлар тенг бўлганда аттестация комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи бўлади.

28. Берилган саволларнинг камида етмиш беш фоизига жавоб берган талабгор малака имтиҳонидан ўтган ҳисобланади.

29. Малака имтиҳони натижалари малака имтиҳони ўтказилган кундан бошлаб уч иш куни муддатида аттестация комиссияси аъзолари томонидан имзоланадиган баённома билан расмийлаштирилади.

30. Малака имтиҳонидан ўтмаган талабгорга иккинчи маротаба малака имтиҳонидан ўтиш учун имконият берилади.

Малака имтиҳонидан иккинчи маротаба ҳам ўтмаган талабгор малака имтиҳони ўтказилган кундан бошлаб камида икки ой вақт ўтганидан сўнг, малака имтиҳони топшириш учун ҳужжатларни қайта топширишга ҳақли.

31. Эксперт гувоҳномасининг амал қилиш муддати тугаганда ёки аттестация соҳасини кенгайтириш учун эксперт гувоҳномасининг эгаси қайта аттестациядан ўтказилади.

Қайта аттестациядан ўтиш учун талабгор «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясига мазкур Низомнинг 2-иловасида келтирилган шакл бўйича расмийлаштирилган аризани қўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда тақдим этади:

а) мазкур Низомнинг 3-иловасида келтирилган шакл бўйича расмийлаштирилган сўровнома;

б) эксперт гувоҳномасининг асл нусхаси;

в) 4 x 6 сантиметр катталигидаги 2 дона рангли фотосурат;

г) экспертларни тайёрлаш ўқув курсини тугатганлиги тўғрисида сертификатнинг Марказ томонидан тасдиқланган нусхаси. Бунда, сертификатнинг берилган вақтидан бошлаб ҳужжатлар топширилгунгача ўтган вақт бир йилдан ошмаган бўлиши шарт;

д) саноат хавфсизлиги экспертизасини амалга ошириш ва саноат хавфсизлиги декларацияси ишлаб чиқиш бўйича сўнгги беш йилда бажарган ишлари рўйхати.

Эксперт гувоҳномасининг амал қилиш муддати тугаши сабабли қайта аттестациядан ўтиш учун ариза эксперт гувоҳномасининг амал қилиш муддати тугашидан камида уч ой олдин топширилиши керак.

32. Қайта аттестация мазкур бобда белгиланган тартибда ўтказилади.

IV. Апелляцияни кўриб чиқиш тартиби

33. Аттестация комиссиясининг қароридан норози бўлган шахслар малака имтиҳони ўтказилган кундан бошлаб ўттиз календарь кун мобайнида «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясига апелляция бериш ҳуқуқига эга. Апелляция ёзма равишда тақдим этилади.

«Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бир ҳафта муддатда берилган апелляцияни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор ҳақида апелляция берувчига ёзма хабар юборади.

34. Апелляцияни кўриб чиқиш натижалари юзасидан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

а) малака имтиҳони натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида;

б) апелляция берган шахс учун такроран малака имтиҳони ўтказиш тўғрисида.

35. Апелляцияда кўрсатилган важлар ўз тасдиғини топмаса малака имтиҳони натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

36. Апелляция берган шахсга нисбатан малака имтиҳони мазкур Низом талабларига зид равишда ўтказилганлиги ҳоллари аниқланган тақдирда, такроран малака имтиҳони ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

37. «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси томонидан апелляция берган талабгор учун такроран малака имтиҳони ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, мазкур Низомда белгиланган тартибда такроран малака имтиҳони ўтказилади.

38. «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясининг апелляцияни кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилган қарори юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

V. Эксперт гувоҳномасини расмийлаштириш, қайта расмийлаштириш ва дубликат бериш

39. Аттестация комиссияси баённомаси тайёрланган кундан бошлаб беш иш куни муддатида малака имтиҳонидан ўтган талабгорга мазкур Низомнинг 4-илоvasида келтирилган шаклда эксперт гувоҳномаси расмийлаштирилади.

Эксперт гувоҳномаси қатъий ҳисобда турадиган махсус бланкларда расмийлаштирилади ва экспертлар реестрида ҳисобга олинади.

40. Эксперт гувоҳномасининг асли эксперт гувоҳномасининг эгасига экспертлар реестрига имзо қўйдириш орқали берилади, «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясида эса эксперт гувоҳномасининг нусхаси сақланади.

41. Эксперт гувоҳномаси эгасининг фамилияси, исми, отасининг исми ёки паспорт маълумотлари ўзгарган тақдирда, у ўн иш куни ичида «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясига эксперт гувоҳномасини қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт. Бунда, аризага қайта расмийлаштирилиши лозим бўлган эксперт гувоҳномасининг асл нусхаси билан бирга тегишли ўзгаришларни тасдиқловчи ҳужжатларнинг асл нусхаларини кўрсатган ҳолда нотариал тасдиқланган нусхалари илова қилинади.

Эксперт гувоҳномасини қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани ўз вақтида тақдим этмаслик, саноат хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик ҳисобланади.

42. Эксперт гувоҳномасининг қайта расмийлаштирилиши унинг эгаси томонидан ариза берилган пайтдан бошлаб беш иш куни мобайнида амалга оширилади, бунда аввалги ҳисобга олиш рақами ва илгари белгиланган амал қилиш муддати кўрсатилган янги эксперт гувоҳномаси берилади.

43. Йўқотилган ёки яроқсиз ҳолга келган эксперт гувоҳномасининг ўрнига эксперт гувоҳномаси эгасининг аризасига кўра унинг дубликати берилиши мумкин.

Эксперт гувоҳномасининг эгаси эксперт гувоҳномасининг йўқолганлиги ҳақида матбуотда эълон бериши ва эълон нусхасини «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясига тақдим этиши керак.

44. Эксперт гувоҳномаси дубликатида унинг аввалги ҳисобга олиш рақами ва илгари белгиланган амал қилиш муддати ёзилади, юқоридаги бурчагига «ДУБЛИКАТ» ёзуви киритилади.

45. Яроқсиз ҳолга келган эксперт гувоҳномаси ёки йўқотилган эксперт гувоҳномаси топилганда, улар «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясига қайтарилиши керак.

VI. Эксперт гувоҳномасининг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва эксперт гувоҳномасини бекор қилиш

46. Эксперт гувоҳномасининг амал қилишини тўхтатиб туриш «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясининг қарори билан қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

а) экспертнинг аризасига кўра;

б) эксперт ўз фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатлари ёки норматив техник ҳужжатлари талабларини бузганда.

Эксперт гувоҳномасининг амал қилишини тўхтатиб туриш эксперт гувоҳномасининг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан амалга оширилади.

Эксперт гувоҳномасининг амал қилишини тўхтатиб туриш эксперт мақомининг тўхтатиб турилишига сабаб бўлади.

Эксперт гувоҳномасининг амал қилишини тўхтатиб туриш муддати олти ойдан ошиши мумкин эмас. Эксперт гувоҳномасининг амал қилишини тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар белгиланган муддатда бартараф этилгандан сўнг, «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси эксперт гувоҳномасининг амал қилишини тиклаш тўғрисида қарор қабул қилади.

47. Эксперт гувоҳномасининг амал қилишини тугатиш «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясининг қарори билан қўйдаги ҳолларда амалга оширилади:

а) экспертнинг аризасига кўра;

б) эксперт гувоҳномасининг амал қилиш муддати тугаганда;

в) эксперт гувоҳномасининг амал қилиши тўхтатиб турилган шахс эксперт гувоҳномасининг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси томонидан белгиланган муддатда бартараф этмаганда;

г) эксперт ўз фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатлари ёки норматив техник ҳужжатлари талабларини мунтазам ёки бир марта қўпол равишда бузганда;

д) белгиланган тартибда эксперт муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганда;

е) касбига доир вазифаларини бир йил ичида узрсиз сабабларга кўра бажармаганда;

ж) эксперт вафот этганда ёки суднинг уни вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги қарори қонуний кучга кирганда.

Эксперт гувоҳномасининг амал қилишини тугатиш эксперт гувоҳномасининг амал қилишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан амалга оширилади.

Эксперт гувоҳномасининг амал қилишини тугатиш эксперт мақомининг тугатилишига сабаб бўлади.

48. Эксперт ўз фаолиятини амалга оширишда эксперт гувоҳномасининг амал қилишини тўхтатиш учун асос бўладиган қонун ҳужжатлари талабларининг бир марта қўпол равишда бузилишига қўйдагилар қиради:

а) эксперт ўз фаолиятини амалга оширишда холисликни таъминламаслик;

б) экспертиза хулосасини ёки саноат хавфсизлиги декларациясини ёлгон ёки нотўғри тузиш;

в) ўз фаолиятини амалга оширишда олинган махфий ахборотни ошкор қилиш (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно);

г) экспертнинг назорат ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ўтказиладиган текширувларда ва бошқа тадбирларда ўзи штатида турадиган ёки фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома тузган эксперт ташкилотининг буйруғисиз мутахассис сифатида қатнашиши.

49. Эксперт гувоҳномасини бекор қилиш «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясининг қарори билан қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

а) эксперт гувоҳномаси сохта ҳужжатлардан фойдаланилган ҳолда олинганлиги факти аниқланганда;

б) эксперт гувоҳномаси бериш тўғрисидаги қарорнинг ғайриқонуний эканлиги аниқланганда;

в) талабгор эксперт гувоҳномаси расмийлаштирилган кундан бошлаб уч ой ичида уни олишга келмаса ёки уни олишдан ёзма равишда ихтиёрий бош тортса.

Эксперт гувоҳномасини бекор қилиш тўғрисидаги қарор эксперт гувоҳномаси берилган санадан эътиборан амал қилади.

Эксперт гувоҳномасини бекор қилиш эксперт мақомининг бекор қилинишига сабаб бўлади.

50. Эксперт гувоҳномасининг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ёки эксперт гувоҳномасини бекор қилиш тўғрисидаги қарор тегишли равишда эксперт мақомини тўхтатиб туриш, тугатиш ёки бекор қилиш тўғрисидаги қарор «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлигининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

51. «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси эксперт гувоҳномасининг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ёки эксперт гувоҳномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқ қабул қилинган кундан бошлаб уч иш куни муддатида эксперт мақоми тўхтатиб турилган, тугатилган ёки бекор қилинган шахсни ва тегишли эксперт ташкилотини ёзма равишда хабардор қилади.

52. Эксперт гувоҳномасининг амал қилиши тўхтатиб турилиши, тугатилиши ёки эксперт гувоҳномаси бекор қилиниши суд қарорига асосан ҳам амалга оширилиши мумкин.

53. Эксперт норматив-ҳуқуқий ёки норматив техник ҳужжатлар талабларини бузганлиги учун эксперт гувоҳномасининг амал қилишини тугатиш ёки эксперт гувоҳномасини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб, бир йил мобайнида қайта аттестациядан ўтиш учун малака имтиҳонига қўйилмайди.

54. Эксперт гувоҳномасининг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ёки эксперт гувоҳномасини бекор қилиш тўғрисидаги маълумотлар экспертлар реестрига киритилади.

55. Эксперт унинг эксперт гувоҳномасини амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ёки эксперт гувоҳномасини бекор қилиш тўғрисидаги қарорни олган кундан бошлаб беш иш куни муддатида ўз эксперт гувоҳномасини «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясига қайтариши шарт.

56. «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясининг эксперт гувоҳномасини амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ёки эксперт гувоҳномасини

бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

VII. Яқуний қоида

57. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши билан келишилган.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири в.б.

А. ХАИТОВ

2009 йил 25 сентябрь

Фавқулодда вазиятлар вазири

К. АХМЕДОВ

2009 йил 25 сентябрь

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси

Б. ХОДЖАЕВ

2009 йил 25 сентябрь

Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси раиси

Н. МАВЛЯНОВ

2009 йил 25 сентябрь

Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси в.б.

Б. УЛАШОВ

2009 йил 25 сентябрь

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги Бош директори

А. АБДУВАЛИЕВ

2009 йил 25 сентябрь

Ўзбекистон қасаба уюшмалари
Федерацияси кенгаши раиси

Д. ЖАҲОНГИРОВА

2009 йил 25 сентябрь

Саноат хавфсизлиги соҳасидаги
экспертларни тайёрлаш ва аттестациядан
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА



О'zbekiston Respublikasi
«SANOATKONTEKXNAZORAT»
davlat inspeksiyasi
«KONTEKXNAZORAT-O'QUV»
sho'ba korxonasi — ilmiy-texnik
markazi



S E R T I F I K A T

_____ -son

20__ yil «__» _____

(F.I.O.)

«Kontexnazorat-o'quv» ilmiy texnik markazida
20__ y. «__» _____ dan 20__ y.
«__» _____ gacha _____

(mutaxassislik nomi)

mutaxassisligi bo'yicha o'quv kursini
tamomladi.

(Ф.И.О.)

в период с «__» _____ 20__ г. по
«__» _____ 20__ г. в научно-
техническом центре «Kontexnazorat-o'quv»
окончил(а) курс обучения по специа-
лизации _____

(наименование специализации)

Director _____
(imzo) _____ (F.I.O.)

М.О.:

Toshkent sh. — 20__ y.

Саноат хавфсизлиги соҳасидаги экспертлар-
ни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

47 (391)-сон

«Саноатконтехназорат» давлат инспекциясига

_____ дан

Аттестациядан ўтишга рухсат бериш тўғрисида А Р И З А

Менга саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперт гувоҳномасини олиш учун қуйидаги аттестация соҳаси бўйича аттестациядан (қайта аттестациядан) ўтишга рухсат беришингизни сўрайман.

— 145 —

Саноат тармоғи	Аттестация соҳаси кодлари			
	хавфли ишлаб чиқариш объектини куриш, кенгайтириш, қайта куриш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, консервациялаш ва тугатишга доир лойиҳа ҳужжатлари	хавфли ишлаб чиқариш объектида қўлланиладиган техника курилмалари	хавфли ишлаб чиқариш объектидаги бинолар ва иншоотлар	саноат хавфсизлиги декларацияси ва хавфли ишлаб чиқариш объектидан фойдаланиш билан боғлиқ бошқа ҳужжатлар

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

20__ й. «___» _____

Шахсий имзо _____

513-модда

Саноат хавфсизлиги соҳасидаги экспертлар-
ни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

СЎРОВНОМА

1. Фамилияси _____
Исми _____
Отасининг исми _____

Фотосурат
ўрни

2. Туғилган санаси _____
(йили, куни, оyi рақамлар билан ёзилади)

3. Паспорт серияси _____ рақами _____
Берилган санаси _____
Ким томондан берилган _____

4. Маълумоти: _____
(ўқув юрти номи ва факультети)

Тамомлаган йили _____ диплом № _____
Диплом бўйича мутахассислиги _____
Илмий даражаси, илмий унвони _____

5. Меҳнат дафтарчасидан иш стажи ҳақидаги маълумотлар:

Т/р	Ишга кирган вақти	Ишдан кетган вақти	Ташкилот номи, идоравий мансублик, шаҳар номи	Лавозими	Асосий вазифалари
1.					
2.					

6. Тайёрлаш, малака ошириш ўқув курсларини тамомлагани ҳақидаги маълумотлар

Т/р	Ўқув курси номи	Ўқув курси ўтказган ташкилот, шаҳар	Ўқув курслари тамомлаганини тасдиқловчи ҳужжат номи, рақами ва берилган санаси	Изоҳ

7. Ишлаб чиққан норматив ҳужжатлари, илмий ишлар

Т/р	Ишлаб чиққан йили	Номи, белгиси	Изоҳ

8. Сизни суд қарорига асосан саноат хавфсизлиги соҳасида муайян фаолият билан шугулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш ҳоллари бўлганми? (Агар «Ҳа» жавоби берилса, қачон ва нима учунлиги кўрсатиб ўтилсин) _____

9. Уй манзили: _____

10. Алоқа телефони _____ Факс: _____
(коди) (рақами) (коди) (рақами)

11. Сўровнома тўлдирилган сана: 20__ й. «__» _____.

Шахсий имзо _____

Саноат хавфсизлиги соҳасидаги экспертлар-
 ни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш
 тартиби тўғрисидаги низомга
 4-ИЛОВА

(Эксперт гувоҳномасининг олди томони)



**САНОАТ ХАВФСИЗЛИГИ
 ЭКСПЕРТИЗАСИ ТИЗИМИ
 ЭКСПЕРТ ГУВОҲНОМАСИ**



**20__ йил «__» _____ да саноат
 хавфсизлиги соҳасидаги экспертлар
 реестрида _____-рақам билан ҳисобга
 олинган**

Фотосурат
 ўрни

_____ (фамилияси)

_____ (исми)

М.Ў.

_____ (отасининг исми)

(Эксперт гувоҳномасининг тесқари томони)

Аттестация комиссиясининг 20__ йил «__» _____даги _____-сон баённомасига мувофиқ саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперт сифатида аттестациядан ўтказилди.

Эксперт гувоҳномасининг амал қилиш муддати 20__ йил «__» «_____» гача

Саноат тармоғи	Аттестация соҳаси кодлари			
	хавfli ишлаб чиқариш объектини қуриш, кенгайтириш, қайта қуриш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, консервациялаш ва тугатишга доир лойиҳа ҳужжатлари	хавfli ишлаб чиқариш объектида қўлланиладиган техника қурилмалари	хавfli ишлаб чиқариш объектидаги бинолар ва иншоотлар	саноат хавфсизлиги декларацияси ва хавfli ишлаб чиқариш объектидан фойдаланиш билан боғлиқ бошқа ҳужжатлар

«Саноатконтехназорат»
давлат инспекцияси
бошлиғи

М.Ў.

(имзо)

(Ф.И.О.)

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2009 йил 14 ноябрдан 20 ноябргача
бўлган маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Фуқароларни гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар билан боғлиқ бўлган ишларга жалб этиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2009 йил 4 октябрдаги 7, 10, 32-сонли қарори.*

2009 йил 16 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2040 (2009 йил 26 ноябрдан кучга киради).

2. «Ички ишлар идоралари томонидан гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар сақланадиган объект ҳамда хоналарнинг техник мустаҳкамлиги ва қўриқлаш-ёнғинга қарши сигнализация мосламалари билан жиҳозланганлиги ҳолати устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2009 йил 4 октябрдаги 75-сонли буйруғи.*

2009 йил 16 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2041 (2009 йил 26 ноябрдан кучга киради).

3. «Мебель ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 9 октябрдаги 62/1-Б-сонли буйруғи.*

2009 йил 16 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2042 (2009 йил 26 ноябрдан кучга киради).

4. «Деворбоп материаллар, оҳак, гипс ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 9 октябрдаги 62-Б-сонли буйруғи.*

2009 йил 16 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2043 (2009 йил 26 ноябрдан кучга киради).

5. «Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандарти (10-сон МБМС) «Кўчмас мулк қийматини баҳолаш»ни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2009 йил 12 октябрдаги 01/19-18/21-сонли қарори.*

2009 йил 18 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2044 (2009 йил 28 ноябрдан кучга киради).

6. «1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитасининг 2009 йил 20 октябрдаги 90, 98, 2009-30, 2-сонли қарори.*

2009 йил 19 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1192-2 (2009 йил 29 ноябрдан кучга киради).

7. «Саноат хавфсизлиги соҳасидаги экспертларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *«Саноат-контехназорат» давлат инспекцияси бошлиғининг 2009 йил 29 сентябрдаги 184-сонли буйруғи.*

2009 йил 19 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2045 (2009 йил 29 ноябрдан кучга киради).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
МАЪЛУМОТЛАРИ
МИЛЛИЙ БАЗАСИ



ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚХММБ LexUz) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган.

LexUZ фойдаланувчиларга ҚХММБда Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва бунда:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик таҳлил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:

— *Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;*

— *қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;*

— *тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;*

— *алфавит-предметли кўрсаткич бўйича кўпмезонли, кенгқамровли қидириш имконини беради.*

излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишида акс эттирилади ва улар билан ишлашнинг қуйидаги имкониятлари мавжуд:

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаш;*

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гуруҳлаш;*

— *ҳужжатлар билан ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;*

— *излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;*

— *ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;*

— *ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;*

— *ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;*

— *«Ҳаволалар харитаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент /*

респондент ҳужжатлар рўйхати;

— *ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;*

— *ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;*

фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда:

— *танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиш;*

— *излаш шартларини сақлаб қолиш;*

— *фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаш;*

фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш; базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.

WWW.LEX.UZ

сайтига марҳамат қилинг

